

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ЭКОЛОГИЯ ВА ГЕОГРАФИЯ КАФЕДРАСИ**



МОДДИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ АСОСЛАРИ

Билим соҳаси: 100000-Гуманитар фанлар
Таълим соҳаси: 110000-Педагогика
Таълим йўналиши: 5110500-География ўқитиш методикаси

Гулистон – 2017

Ушбу ўқув-қўлланма мажмуа 5110500 – география ўқитиш методикаси бакалаврят таълим йўналишида таълим олаётган талабаларга мўлжалланган. Ўқув-қўлланма Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан 13.11. 2014 йил тасдиқланган Моддий ишлаб чиқариш асослари фани намунавий дастури (№ БД – 5110500- 4.03) талаблари асосида тайёрланиб, унда замонавий педтехнология тизимига суянган ҳолда шаҳар ва саноат экологияси тушунчаси, унинг турлари, шаҳарларни ташкил топиши, саноат корхоналари ва уларнинг атроф-муҳитга тасири баён қилинган. Ҳар бир мавзу охирида талабалар томонидан бажарилиши зарур бўлган топшириқлар ва назорат саволлари келтирилган. Ўқув-қўлланма Гулистон давлат университети Илмий кенгаши томонидан (___- баённома ____ ____ 2017 йил) кўриб чиқилган ва ўқув жараёнида қўллашга тавсия этилган.

Такризчилар:

г.ф.н. доц. Ходжиматов А.Н.(ТошДУ)

г.ф.н. доц. Юлдашов А.У. (ГулДУ)

Гулистон 2017

МУНДАРИЖА

Кириш.....	4
Моддий ишлаб чиқариш асослари фани силлабуси.....	5
Назарий материаллар (маърузалар курси).....	
Амалий (лаборатория) ишларини бажариш буйича услубий кўрсатмалар.....	
Семинар машғулоти.....	
Мустақил таълим буйича материаллар.....	
Глоссарий.....	
Тест саволлари.....	
Иловалар:	
Фан дастури	
Ишчи фан дастури	
Инглиз ва рус тилидаги хорижий ўқув материаллари (электрон шаклда)	
Тақдимотлар ва мултимедия воситалари (электрон шаклда)	
Қўшимча дидактик материаллар	

КИРИШ

Моддий ишлаб чиқариш асослари фани иқтисодий ва ижтимоий географиянинг муҳим тармоқларидан бири бўлиб, саноат, қишлоқ хўжалик, транспорт ишлаб чиқаришининг ҳудудий муаммоларини, жойлашиши ва иқтисослашиши, ривожланиш қонуниятларини ўрганади. Саноат, қишлоқ хўжалик ва транспорт ишлаб чиқариш халқ хўжалигининг муҳим таркибий қисмидир. Бу соҳалар жамият тараққиёти учун зарур бўлган турли хил маҳсулотларни ишлаб чиқаради ва этказиб беради. Моддий ишлаб чиқариш асослари иқтисодий географик масалаларни ўрганишда этакчи ўринни ишғол этади.

Иқтисодий география ва уни ҳамма қисмлари жамият ҳақидаги фандир. Ҳамма фанлардаги каби ҳар бир воқеа ва ҳодисаларни ўрганишда унга аввало фалсафик нуқтаи назари билан ёндашиш керак. Бу фан ҳам шу методга таянади. Шунингдек, иқтисодий-ижтимоий география, табиий география, иқтисодиёт назарияси, минтақавий иқтисодиёт, экология, демография, математика, тарих, сиёсатшунослик, картография фанлари билан бир қатор йўналишларда ҳамкорлик қилади.

Ўқув-қўлланма мажмуа қуйидагиларни ўз ичига олади:

1. Моддий ишлаб чиқариш фани силлабуси.
2. Назарий материаллар (маърузалар курси)
3. Амалий ишларини бажариш буйича услубий кўрсатмалар.
4. Талаба мустақил ишлари буйича материаллар (мустақил иш топшириқлари)
5. Глоссарий.
6. Назорат саволлари ва тестлар.
7. Информацион-услубий таъминот.

Иловалар:

1. Наъмунавий ва ишчи ўқув дастурлар.
2. Инглиз ва рус тилидаги хорижий ўқув материаллари (электрон шаклда).
3. Тақдимотлар ва мултимедия воситалари (электрон шаклда)
4. Қўшимча дидактик материаллар

Айни пайтда бу «қўшни» фанларда ҳам саноат, қишлоқ хўжалиги ва транспорт ишлаб чиқаришига эътибор кучаймоқда. Шубҳасиз, биз ишлаб чиқаришнинг ижтимоий, демографик ва экологик томонларини ҳисобга олишимиз зарур. Шунинг учун географик дунё қараш «худудий» бўлими билан бирга «дунёвий мажмуалар бирлигидан иборат» бўлиши керак. Яъни ҳар бир талаба дунёда содир бўлаётган сиёсий ва иқтисодий воқеаларнинг моҳиятини англаб этмоғи зарур.

Мазкур ўқув қўлланмада баъзи жузий камчиликлар, мунозарали қарашлар ва атамалар учраши мумкин. Шунга кўра мажмуа ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини билдирган ҳамкасбларга муаллиф ўз миннатдорчилигини билдиради.

**Манзилимиз: 707012. Гулистон шаҳри, 4 мавзе, Университет,
«Экология ва география» кафедраси.**

**« МОДДИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ АСОСЛАРИ » ФАНИНИНГ
СИЛЛАБУСИ
(2017/2018 ўқув йили)**

Кафедра номи:	Экология ва география	
Ўқитувчи ҳақида маълумот:	Саттаров С.М	sattarov080@mail.ru
Семестр ва ўқув курсининг давомийлиги	Семестр ва жами соат	
Ўқув соатлари хажми:	жами:	164
	шунингдек:	
	маъруза	56
	семинар	-
	Амалий (лаборатория)	56
	мустақил таълим	52
Йўналиш номи ва шифри	География ўқитиш методикаси	5110500
<p>Курснинг предмети ва мазмуни: Моддий ишлаб чиқариш асослари фани иқтисодий ва ижтимоий географиянинг муҳим тармоқларидан бири бўлиб, у саноат, қишлоқ хўжалиги ва транспорт ишлаб чиқаришининг ҳудудий муаммоларини, жойлашиши ва иқтисослашиши, ривожланиш қонуниятларини ўрганади. Моддий ишлаб чиқариш халқ хўжалигининг муҳим таркибий қисмидир. У жамият таракқиёти учун зарур бўлган турли хил маҳсулотларни ишлаб чиқаради ва истеъмолчига етказиб бериш жараёни билан танишади.</p>		
<p>Курсни ўқитишнинг мақсади ва вазифалари:</p> <p>1.1. Фанни ўқитишдан мақсад—талабаларда моддий ишлаб чиқаришнинг асосий тармоқлари ҳисобланган саноат ва қишлоқ хўжалиги, транспорт тизимининг ўзига хос хусусиятлари, ҳудудий жойлашиш шакллари, ривожланиш даражаси, уларнинг тармоқларининг асосий жиҳатлари, саноат ҳудудий жойлашуви натижасида ҳосил бўладиган турли шакллар ва ишлаб чиқаришнинг ривожланишида муҳим рол ўйновчи омиллар ҳақида билим бериш, кўникма ва малака яратишдан иборат.</p> <p>1.2. Фаннинг вазифаси—талабаларга саноат ва қишлоқ хўжалиги, транспорт тизимининг асосий тармоқларининг хусусиятларини аниқлаш, уларни жойлаштириш ва ривожлантиришда зарур бўлган омиллар ва қонуниятларни моҳиятини тушунтиришдан иборат.</p>		

МАЪРУЗАЛАР КУРСИ

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТАРМОҚЛАРИНИ ШАКЛЛАНИШ ВА РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ.

Таянч тушунчалар: Моддий ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги инқилоби, ойкумена, саноат инқилоби, фан техника тараққиёти.

Мавзуда кўриб чиқиладиган масалалар:

1. Моддий ишлаб чиқариш тармоқларининг шаклланиш.
2. Қишлоқ хўжалиги инқилоби.

1-асосий савол бўйича дарс мақсади: Талабаларда Моддий ишлаб чиқариш тармоқларининг тўғрисида тушунчалар ҳосил қилиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

- 1.1. Моддий ишлаб чиқариш тармоқларини изоҳлай олади.
- 1.2. Аҳоли географияси иқтисодий географиянинг муҳим тармоғи эканлигини мазмунан ёрита олади.

Моддий ишлаб чиқариш тармоқларининг шаклланиш ва ривожланиш жараёнлари инсон ва табиат компонентлари ўртасидаги муносабатлар тарихи билан чамбарчас боғлиқ. Инсонларнинг табиий муҳит билан бўлган ўзаро алоқалари ўтган барча тарихий даврларда юз берган сиёсий, иқтисодий воқеиликлар натижасида ўзгариб борган. Агар инсонларнинг энг қадимий онгли авлодлари (Ҳомо сапиенс) яшаган даврларда табиат хукмронлиги кузатилган бўлса, кейинчалик икки томонлама муносабатларда одамларнинг таъсири орта борди (1-жадвал).

1-жадвал

Жамият ва табиий муҳит ўртасидаги муносабатлар натижасида юзага келган асосий даврлар

№	Даврлар	Инсонлар ва табиий муҳит ўзаро муносабатлари хусусиятлари	Муддат оралиғи
5	Фан-техника тараққиёти юз берган замонавий давр	Ишлаб чиқаришнинг техник асосида туб ўзгаришларнинг юзага келиши; “жамият – табиий муҳит” тизимида кескин бурилишларнинг юз бериши.	XX аср ярмидан бошлаб.
4	Саноат инқилоби билан боғлиқ бўлган давр	Саноат корхоналари сони ва урбанизатсия даражасининг ортиб бориши; географик қобикқа бўлган салбий таъсирнинг кучайиши; екин майдонлари ҳажмининг кескин кўпайиши.	ХВИИИ аср ўрталаридан XX аср ярмигача.
3	Ўрта асрлар даври	Аграр муносабатларнинг янада кучайиши, ўрмонларнинг ёппасига кесиб юборилиши, иккиламчи табиий ресурслардан фойдаланишга ўтиш, ойкуменалар чегараларининг кенгайиши	Ўрта асрлар
2	Қишлоқ хўжалиги инқилоби билан боғлиқ бўлган давр	Инсонларнинг асосий қисми деҳқончилик билан боғлиқ соҳаларда фаолият олиб бора бошлайдилар; табиий ландшафтларга секин-асталик билан таъсир этишининг бошланиши	6-8 минг йиллар аввал
1	Ўзлаштирувчи хўжалик даври	Термачилик, овчилик, балиқчилик соҳаларининг юзага келиши; инсонларнинг табиатга мослашувининг юз бериши	Тахминан 30 минг йил аввал

Жадвалда кўрсатиб ўтилган ҳар бир давр оралиғида инсонларнинг табиатга бўлган таъсири орта борганини кўриш мумкин. Шу билан бирга босиб ўтилган даврлар

давомида одамларнинг маълум соҳаларга ихтисослашиши моддий ишлаб чиқариш тармоқларининг шаклланиши ва ривожлана боришига асос бўлиб хизмат қилди.

Енг қадимги даврларда инсонларнинг термачилик, овчилик ва балиқчилик соҳалари билан машғул бўлганлар. Табиат инсонга нимани инъом этса, одам шуни олган, топган эгулиги билан қаноатланган бўлиб, бу ҳолат кўп ҳолларда уларнинг табиий шароитга мослашуви асосида юзага келган дейиш мумкин. Чунки, бу даврда одамлар мавжуд табиий имкониятлардан ҳаёт кечириш учун фойдаланиб келган бўлиб, табиатни ўзгартира олиш кучига эга бўлмаганлар. Бунга техник имкониятлар ва зарурий малакаларнинг чегараланганлиги асосий сабаб бўлган.

Оловнинг кашф этилиши билан инсон ва табиат муносабатларида илк ўзгаришлар юз берди. Унинг натижасида ер юзасининг турли географик минтақаларида хўжалик юритиш шакллари ўзгара бошлади. Неолит даврида ўзлаштирувчи хўжаликда туб ўзгариш содир бўлди, табиатдан барча тайёр нарсаларни олган инсон энди ишлаб чиқарувчи хўжаликка – зироатчилик ва чорвачиликка ўтди. “Қишлоқ хўжалиги инқилоби” деб ном олган мазкур жараён моддий ишлаб чиқариш тармоқлари орасидаги илк тармоқ – қишлоқ хўжалигининг юзага келишига сабабчи бўлди.

Айниқса, бу ҳолат Нил, Дажла ва Фрот, Ҳинд ва Ганг, Хуанхе ва Янтсзе дарёлари водийлари ҳамда Қадимий Рим ва Қадимги Гретсия каби илк тсивилizatсиялар тарқалган ҳудудларда яққол намоён бўла бошлади. Мазкур минтақаларда ўзлаштирувчи хўжалик кўринишлари ҳисобланган термачилик, овчилик ёки балиқчилик соҳалари сон жиҳатдан тез кўпайиб бораётган аҳолини зарурий кундалик маҳсулотлар билан таъминлай олиш қобилиятига эга бўлмай қолганлиги моддий неъматларни ишлаб чиқариш учун эҳтиёж туғилишига сабабчи бўлди. **Ойкумена**¹ ҳудудларида ёввойи ўсимлик ва ҳайвонларнинг хонакилаштирилиши бошланди. Бунинг натижасида эрамиздан аввалги X–VI минг йилликларда ўсимлик ва ҳайвонлар маданийлашуви натижасида юзага келган 9 та ўчоқ пайдо бўлди. Мазкур минтақалар бир-бирларидан географик ўрни, табиий шароити, иқлими ва рельеф хусусиятлари билан фарқ қилишидан ташқари, бу ҳудудларнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотларига ихтисослашуви ҳам турли йўналишга эгалиги билан ажралиб турган. Уларнинг ҳар бирида ўз шароитидан келиб чиққан ҳолда донли, дуккакли, мойли, толали ўсимликлар, сабзавот ва мевалар этиштирилган ҳамда қайта ишланган. Гўшти ва сутини истеъмол қилиш, жуни ва терисидан кийим-кечак тайёрлаш мақсадида кўй, қўтос, туя каби ҳайвонлар уй хўжаликларида кўпатирила бошланди. Ушбу ҳолатлар қишлоқ хўжалиги ва турли хунармандчилик тармоқларининг ривожланишига сабабчи бўлди. Шу мақсадда мазкур ҳудудлар аҳолиси

¹ **Ойкумена** (yunoncha – ойко – yashayman, turaman so'zidan olingan) – yer yuzasining aholi yashaydigan va ular tomonidan o'zlashtirilgan qismi.

тўғонлар қуриш, каналлар қозиш, ботқоқликларни қуришиш, ихота дарахтзорларини барпо этиш орқали кум бўронларидан ҳимояланиш каби энг қадимги мелиоратив жараёнларни амалга ошира бошлаганлар. Бунинг натижасида атроф-муҳитга бўлган антропоген таъсир орта бошлади. Бундан ташқари, неолит даврида юз берган “қишлоқ хўжалиги инқилоби” жамиятда илк бора синфий табақаланишнинг шаклланиши, ерга бўлган мулкчилик ва қулдорлик тизимининг юзага келишига имкон яратди.

Ўрта асрлар даврига келиб “жамият – табиий муҳит” тизимида мавжуд алоқаларнинг янада кучайиши юз берди. Хўжалик фаолиятида истеъмол талаби мавжуд хом-ашёлар билан бирга қаторда минерал ва ўрмон ресурсларидан ҳам фойдаланила бошланди. Натижада моддий ишлаб чиқариш тармоқлари орасида металл меҳнат қуролларини ишлаб чиқариш, кемасозлик, бинокорлик соҳалари ривожланиши учун асос яратилди. Аҳоли сонининг кўпайиб бориши ерга бўлган таъсирнинг янада ортишига сабабчи бўлди. Бу ҳолат Осиё ҳамда Тропик Африканинг муссон иқлими худудларида, Европанинг кўпгина давлатларида кузатила бошланди.

Ўзлаштирилган худудларда ерларнинг кучсизланиши юз берди. Чорва молларининг кўплаб боқилиши натижасида ўтлоқ, ўрмонлар кесилиши ва олов ёрдамида янги эрлар очиш жараёнлари натижасида ўрмон майдонларининг камайиб бориши бошланди.

Шунга қарамай ўрта асрларда инсоннинг табиий муҳитга таъсир этиш восита ва усуллари белгиланган доира ичида юз берган. Ерни текислашга қаратилган тадбирлар, ерга ишлов бериш, минерал ўғитлардан фойдаланиш, қўл меҳнати кабилар ўрта асрлар қишлоқ хўжалигини табиатни муҳофаза қилиш нуқтаи назаридан салбий ҳолатларга деярли эга бўлмаган деб ҳисоблаш мумкин.

Ер юзининг юқори суъратларда ўзлаштирилиши ўрта асрлар сўнгида, бундан 200-300 йиллар олдин юз бера бошлади. Буюк географик кашфиётлар ойкумена чегараларининг кенгайишига сабабчи бўлди ҳамда Америка, Австралия, Океаниянинг ҳосилдор эрларини хўжалик фаолиятида ишлатилишига олиб келди. Испания, Португалия, Буюк Британия, Нидерландия, Франтсия каби давлатлар мазкур минтақаларда ўзларининг колониал империяларини ташкил этдилар.

Колониялардан келтирилаётган қимматбаҳо металллар, турли қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари Европада мулкдорлар сармояси ортиши билан бирга буржуазиянинг юксалиши учун туртки бўлди. Айниқса, **мануфактуралар**² да турли маҳсулотларни ишлаб чиқаришнинг ривожланиши минтақани жаҳоннинг иқтисодий ривожланиш марказига айланишига сабабчи бўлди. Шимолий Италия шаҳарларида шакллана бошлаган ишлаб чиқаришнинг мазкур шакли Ғарбий ва Шимолий Европа давлатларига кенг ёйилди ҳамда Англияда ўз юксаклик чўққисига эришди. Мустамлака колониялар сонининг ортиши мануфактуралар бозори чегараларининг глобал миқёсда кенгайишига сабабчи бўлди. Маҳсулотларга бўлган талабнинг ортиши қўл меҳнатига асосланган

² Manufaktura (lotincha manus – qo‘l, fakyerye – qilmoq) – istye‘mol buyumlari yokigazlamani ommaviy miqyosda ishlab chiqarish, muayyantarmoq yoki sanoat ishlab chiqarish shakli.

манфактураларда ишлаб чиқариш суъратларини оширишни талаб эта бошлади. Англияда бу ҳолат механизатсиялашган ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш орқали бартараф этилди. Ушбу давлатнинг бу соҳада этакчи бўлишига В.В.Вольский фикрича қуйидаги омиллар сабабчи бўлган:

1) турли фан соҳаларининг тез суъратлар билан ривожланиши;
2) жун, металлургия, кemasозлик каби манфактуралар фаолият кўрсатиш орқали катта малакага эга бўлган кўп сонли мухандис ва механикларнинг мавжудлиги;

3) йирик ишлаб чиқариш корхоналарида иш олиб бора оладиган собиқ деҳқон ва хунармандлардан иборат бўлган арзон ишчи кучига эгаллиги;

4) мамлакат ҳудудида қазиб олиш учун қулай бўлган тошкўмир ва унга яқин жойлашган темир рудаларининг бой захираларининг ХВИИ асрдан бошлаб ишлаб чиқаришда фойдаланилаётганлиги;

5) дунёдаги энг катта империя сифатида анъанавий ва янги турдаги хом ашёлардан тўлиқ фойдаланиш имкониятига эгаллиги;

6) эвропа давлатлари орасида энг катта сармояга эгаллиги билан ажралиб турганлиги;

7) Англия давлатчилигида унитар тизимнинг қўлланилиши ва унинг оролларда жойлашув ҳолатлари бу эрда саноатни шакллантириш учун катта миқдорда капитал қўйилмалари киритишга шароит яратиб берганлиги.

ХВИИ асрда Англияда юз берган саноат инқилоби моддий ишлаб чиқаришнинг навбатдаги тармоғининг ривожланиши учун замин яратди. Тўқимачилик маҳсулотларига бўлган катта талаб пахта толасини йигириш ва ундан мато тўқишга асосланган илк машиналарни ихтиро қилинишига сабабчи бўлди. Кейинчалик қоғоз, қанд лавлаги асосида шакар олиш тармоқлари учун машиналар ишлаб чиқарила бошланди. 1774-1775 йилларда Ж.Уатт томонидан буғ машиналарининг ихтиро қилиниши турли маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи йирик саноат корхоналарининг – завод ва фабрикаларнинг ишга туширилишига ёрдам берди. Бу ихтиро моддий ишлаб чиқаришнинг яна бир тармоғи бўлган транспортнинг ривожланиши учун ҳам асос бўлди. Буғ машинасининг транспорт воситаларида қўлланилиши натижасида темир йўл ва сув транспортлари фаолиятининг тезлашуви юз берди.

Завод, фабрика типидagi саноат корхоналари сонининг ортиши билан табиий муҳитга бўлган инсон таъсири кучайиб борди. Аввал Ғарбий Европа давлатларида кейинчалик дунёнинг бошқа минтақаларида қора металлургия тармоғининг ривожланиши катта майдонлардаги ўрмонларнинг йўқолиб кетишига сабабчи бўлди. Кейинчалик ишлаб чиқаришда ёғоч кўмири ўрнига тошкўмир ва ундан ҳосил қилинадиган коксланувчи кўмир ишлатилиши атроф муҳитга техноген таъсирни янада кучайтирди.

Табиатга техноген таъсир ХХ асрнинг иккинчи ярмида янада кучайиб кетди. Чунки, 1960-йилларда фан, техника ва технология, ишлаб чиқариш ҳамда бошқариш соҳаларига соҳаларида туб ўзгаришлар ясаган “Фан-техника инқилоби” юз берди. Бу даврда фаннинг жадал ривожланиши унинг ўзига хос ишлаб чиқариш омилларидан бирига айланишига сабабчи бўлди. АҚШ, Япония, Германия, Франтсия каби давлатлар илмий-тадқиқот ва тажриба-

конструкторлик ишлари учун катта миқдордаги сармоялар ажрата бошладилар. Фан ва техника оламида юз берган туб ўзгаришлар моддий ишлаб чиқариш тармоқларига ҳам ўз таъсирини ўтказди. Ишлаб чиқаришда юз берган энг катта ўзгаришлар биринчи навбатда, саноатга таалуқли бўлди. Натижада саноат тармоқлари орасида мураккаб таркибга эга бўлган соҳалар юзага келди, фанталаб ишлаб чиқариш тармоқлари ривожланди, ядро энергетикаси соҳасига катта эътибор қаратила бошланди. Компьютер томонидан бошқарилаётган станок малакали ишчи тайёрлаган саноат маҳсулотларидан сифат ва сон жиҳатдан кам бўлмаган турларни ишлаб чиқара бошлади. Асбобсозлик, аниқ машинасозлик, авиакосмик каби фанталаб саноат тармоқларида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ортди.

Юз берган ўзгаришлар қишлоқ хўжалиги ва транспорт соҳаларига ҳам ўз таъсирини ўтказди. Қишлоқ хўжалиги соҳаларида фан ва техника ютуқлари натижасида маҳсулдорлик даражасининг кескин кўтарилди. Айниқса, 1960-1970 йилларда юз берган “яшил инқилоб” дон маҳсулотлари ҳосилини ошишига сабабчи бўлди. Бунга дон селекцияси, ирригация соҳаси ва кимёлаштириш жараёни натижасида эришилган ижобий ютуқлар сабаб бўлди. 1980-йилларга келиб қишлоқ хўжалиги соҳасида қўлга киритилган натижалар олдинги ўн йилликлардаги кўрсаткичларнинг аксини ифодалай бошлади. Айниқса, жаҳон мамлакатларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини этиштиришда кимёвий ўғитлардан меъёридан ортиқ фойдаланиш натижасида кўпгина экологик муаммолар юзага келди.

Сўнгги йилларда қишлоқ хўжалиги тармоқларида маҳсулотлар ишлаб чиқаришда биотехнология фани ютуқларидан кенг фойдаланишга эътибор қаратилмоқда. Ген муҳандислиги ёрдамида яратилган серҳосил, иқлимнинг турли ўзгаришларига чидамли янги навларини этиштириш ҳамда зотдор чорва молларини кўпайтириш деҳқончилик ва чорвачилик соҳаларида кенг қўлланила бошлади. Бундан ташқари, фан ва техника ютуқларидан фойдаланган ҳолда пленка остидан озиклантириш, пластмасса қувурлар ёрдамида суғориш, ойнали иссиқхоналарни ташкил этиш каби амалга оширилаётган тадбирлар иқлим шароити ноқулай бўлган минтақаларда ҳам қишлоқ хўжалик маҳсулотларини этиштириш имконини бермоқда.

Фан техника инқилоби моддий ишлаб чиқаришнинг яна бир тармоғи бўлган транспорт соҳаларига ҳам ўз таъсирини ўтказди. Натижада автомобил, темир йўл, сув, ҳаво, қувур ва электрон транспорт соҳаларида тезлик, юк ташиш қуввати ошишига эришилди. Фан техника тараққиёти транспорт соҳалари орасидаги меҳнат тақсимотининг ўзгаришига ҳам сабабчи бўлди. Бундан ташқари, XX-XXI асрлар оралиғида транспорт соҳаларининг ички тармоқ ва ҳудуд тизимлари такомиллашуви қуйидаги ҳолатлар натижасида юз берди:

- янги шоссе, нефт ва газ қувурлари, темир йўл магистраллари қурилиши натижасида жаҳон транспорт тизимининг масофавий кенгайиши юз берди;

- янги саноатлашган давлатлар, Хитой, Ҳиндистон, Россия ва бошқа собиқ сотсиалистик давлатларда автомобиллар билан таъминланиш даражасининг ортиши жаҳон мамлакатларида аҳолини ташиш кўрсаткичи бўйича автомобил транспортининг этакчи соҳага айланишини таъминлади;

- нефт казиб олувчи Яқин Шарқ мамлакатлари, Ғарбий эвропа ва Россия ҳисобига қувур транспорти бир маромда ривожлана бошлади;

- Хитой, Ҳиндистон ва янги саноатлашган давлатлари жаҳон мамлакатлари бўйлаб юк ташиш жараёнида катта салмоққа эга бўла бошладилар.

Моддий соҳада банд бўлган аҳолининг иқтисодий фаол қисми ишлаб чиқариш жараёнининг тўлиқ автоматлаштирилиши натижасида бошқа соҳа – номоддий ишлаб чиқаришда фаолият юрита бошладилар. Бу ҳолат айниқса, иқтисоди ривожланган давлатларда яққол намоён бўла бошлади. Номоддий соҳалар орасида фанга бўлган эътиборнинг кучайтирилиши, ўзаро ахборот алмашилишининг тезлашуви ҳамда бу соҳада яратилаётган инноватсион ғоялар жаҳон ҳўжалиги тарихида янги – постиндустриал давр ривожлана бошлашига сабабчи бўлди.

Мавзу бўйича саволлар.

1. Айтингни, жамиятда илк бора синфий табақаланишнинг шаклланиши, эрга бўлган мулкчилик ва қулдорлик тизимининг юзага келишига “қишлоқ ҳўжалиги инқилоби” қай хусусиятлари билан таъсир кўрсатди?

2. “Яшил инқилоб” ғоясининг ўзини оқлай олмаслик сабабини тушунтира оласизми?

3. Постиндустриал даврга қадам қўйган давлатларда моддий соҳа ривожланиши қандай хусусиятларга эга?

ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ИЖТИМОЙ ТАШКИЛ ЭТИШ ШАКЛЛАРИ.

Таянч тушунчалар: мужассамлашув, марказлашув, ихтисослашув, кооператсия, комбинатлашув.

Мавзуда кўриб чиқиладиган масалалар:

1. Моддий ишлаб чиқариш тармоқларининг шаклланиш.

2. Қишлоқ ҳўжалиги инқилоби.

1-асосий савол бўйича дарс мақсади: Талабаларда Моддий ишлаб чиқариш тармоқларининг тўғрисида тушунчалар ҳосил қилиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

1.1. Моддий ишлаб чиқариш тармоқларини изоҳлай олади.

1.2. Аҳоли географияси иқтисодий географиянинг муҳим тармоғи эканлигини мазмунан ёрита олади.

Ишлаб чиқариш тармоқларини ривожлантириш, уларда самарадорликни ошириш учун ишлаб чиқаришни ижтимоий ташкил этишнинг шакллари бўлган мужассамлашув (контсентратсия), ихтисослашув (спетсиализатсия), кооператсия ва комбинатлашув усулларида фойдаланиш ижобий натижа беради. Юқорида кўрсатилган шакллар орасида мужассамлашув асосий ўрин тутади.

Мужассамлашув маҳсулот ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун ишлаб чиқариш ва ишчи кучини бирон бир ҳудудда тўпланиши. Мужассамлашув ёки ишлаб чиқаришнинг тўпланиши, йиғилиши

иқтисодиётнинг барча турларига тегишлидир. Асосан саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт каби моддий ишлаб чиқариш соҳаларида намоён бўлади. Ҳар бир соҳа мужассамлашувида ўзига хос ҳудудий кўриниш ҳосил қилади. Саноат бу ўринда нуқта ёки тугун кўринишида ҳудудий жойлашувни ташкил этса, қишлоқ хўжалигида бу кўриниш арел хусусиятига эга бўлади. Транспорт тармоғига эса кўпроқ чизиқсимон кўриниш хосдир. Моддий тармоқлар орасида бу ҳолат кўпроқ саноатга хослиги билан ажралиб туради.

Мужассамлашувнинг саноатда урбанистик ва ҳудудий мужассамлашув кўринишлари кенг тарқалган. Мужассамлашувнинг ушбу шакллари бир-бирига ўтиб туради. Корхона, урбанистик ва ҳудудий мужассамлашув турли ҳудудларда турлича бирикма ҳосил қилади. Бу ҳолат А.Солиев ва Р.Мухамадалиевлар томонидан қуйидагича таҳлил қилинган: «Паст даражадаги корхона ёки ишлаб чиқариш мужассамлашуви юқори урбанистик мужассамлашувга тўғри келиш ҳоллари ҳам учрайди. Бу ҳолда шаҳарда майда корхонлар сони кўп бўлади. Аксинча, урбанистик мужассамлашув паст, аммо ишлаб чиқариш мужассамлашуви юқори бўлиши ҳам мумкин. Бунга кичикроқ шаҳарда йирикроқ корхонанинг жойлашуви мисол бўлади. Худди шундай паст даражадаги урбанистик мужассамлашув юқори ҳудудий мужассамлашувга ҳам олиб келади. Бу ҳолда мазкур ҳудудда жуда кўп кичик саноат пункти ёки марказлари мавжуд бўлади. Бу вазиятни республикамизнинг кўпгина вилоятларидаги тўқимачлик корхоналарининг тарқоқ, филиаллар асосида жойлашганлигида кўриш мумкин. Шу билан бирга паст даражадаги ҳудудий мужассамлашув юқори урбанистик кўрсаткич билан ҳам уйғунлашган ҳолда келади... Демак, мужассамлашув объектив қонуният, бироқ у барча мамлакатларга хос ва иқтисодий самарадорликка эга бўлсада, унинг маълум чегараси, кўлами, доираси бўлиши шарт»³.

Мужассамлашувнинг бир кўриниши сифатида марказлашув билан танишиб чиқамиз.

Марказлашув - ишлаб чиқариш корхоналарини ва соҳаларини асосан биргина шаҳарда тўпланиши тушунилади. Бу эса ўз навбатида монополизатсияни юзага келтириши мумкин. Фикримизча, бу кўриниш Ўзбекистон учун ҳозирда эркин бозор муносабатларини йўлган қўйиш, турли тармоқлар соҳаларида рақобатни юзага келтириш учун ҳаракат қилинаётган даврда айниқса тўғри келмайди. Ишлаб чиқаришни ижтимоий ташкил этиш шаклларида яна бири ихтисослашувдир.

Ихтисослашув – бирон-бир маҳсулот турини ёки унинг қисмларини маълум ҳудуддаги саноат тармоқлари, корхоналарида яратилиши. У меҳнат тақсимоти ва иқтисодий районларнинг таркиб топиши билан боғлиқ. Ихтисослашувнинг уч босқичи ва уч тури бор. Ихтисослашувнинг босқичлари қуйидагилар:

– корхона, шаҳар ва районнинг ҳар бири ҳудудий меҳнат тақсимоти натижасида маълум бир маҳсулотни ишлаб чиқаради.

³ Soliyev A., Mahamadaliyev. Iqtisodiy gyeografiya asoslari. – T.: O'zbyekiston, 1996. – 69 b.

унинг уч тури –қисм (деталь), технологик ёки ярим маҳсулот (полуфабрикат) ва предметлар тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш бир-бири билан узвий боғлиқ.

Ихтисослашув туфайли иқтисодийнинг турли тармоқлари вужудга келди, иқтисодий районлар шаклланади. Географик меҳнат тақсимотининг юзага келишида асосий омил бўлиб хизмат қилди. Ихтисослашув юзага келиши учун маҳсулот фақат шу жой талабини қондирибгина қолмай, балки ортиқчаси бошқа районларга чиқарилиши ёки товар хусусиятига эга бўлиши керак. Масалан: Ўзбекистон учун тоғ-кон, ёқилғи-энергетика, энгил саноати тармоқлари пахта толаси, пилла каби қишлоқ хўжалик маҳсулотларини этиштириш кабилар ихтисослашув тармоқлари ҳисобланган.

Ихтисослашувнинг маълум доирада шаклланганлиги мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Ўта тор ихтисослашув бир турдаги тармоқнинг яқка ҳокимлиги юзага келишига сабабчи бўлади. Масалан, Сурхондарё вилоятида асосан қимматбаҳо қишлоқ хўжалиги маҳсулотлар этиштиришга, пахта хом ашёсини бирламчи қайта ишлов беришга ихтисослашган энгил саноат корхоналари ва озиқ-овқат саноатининг баъзи тармоқларининг ривожланганлиги юқорида кўрсатилган сабаблар натижасида юзага келган. Бу ҳолат ҳозирда фақатгина, Сурхондарё вилоятидагина эмас, балки кўпгина иқтисодий минтақалар учун ҳам умумий ҳолатлардан биридир.

Кооператсия (лотинча “кооператион” – ҳамкорлик) – муайян маҳсулот яратиш учун турли корхоналарнинг ҳамкорлиги. Унда ҳудудий бирлик, барча ихтисослашган корхоналарнинг бир жойда жойлашуви кўзга ташланмайди. Балки уларнинг тарқоқ ҳолда жойлашуви кузатилади. Бирон турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнининг ҳолатига қараб кооператсияда қатнашувчи корхоналар сони турлича бўлиши мумкин. Масалан: машинасозликда жуда кўп эҳтиёт қисмлар, деталлар керак. Шунинг учун машиналар яратилишида кўплаб ихтисослашган корхоналарнинг улуши бор. Ўзбекистонда ҳам кооператсия асосан машинасозлик мажмуида кўзга ташланади. Ҳозирда эски иқтисодий алоқаларнинг сусталашуви Ўзбекистон машинасозлигида собиқ иттифоқдош республикалар корхоналари билан бўлган ҳамкорликка анча зарар этказди. Ўтказилган иқтисодий тадбирлар натижасида республикамиз вилоятларидаги кичик машинасозлик корхоналари қайта таъмирланиб, Ўзбекистон машинасозлиги тармоқлари учун турли эҳтиёт қисмлар МДХ давлатлари корхоналаридан келтирилади. Ишлаб чиқаришни ижтимоий ташкил этиш шакллари билан бири комбинатлашувдир.

Комбинатлашув (лотинча “комбинатион” – бирлашган) – маълум турдаги хом ашёни чуқур технологик қайта ишлаш, унинг чиқиндиларидан тўла фойдаланган ҳолда барча маҳсулотлар ишлаб чиқариш. Ушбу ҳолатда комбинатлашув кооператсиянинг тескари кўриниши сифатида намоён бўлади. Улар ҳудудий умумийликка эгаллиги билан ажралиб туради. Комбинатлашувда бир турдаги хом ашё мавжуд бўлиб, ундан олинадиган маҳсулот тури кўплиги билан ажралиб туради. Комбинатлашув мужассамлашув каби кўпроқ саноатда яққол намоён бўлади. Қора ва рангли металлургия, кимё, ўрмон, озиқ-овқат, энгил ва қурилиш материаллари саноати бунга мисол бўлади. Ушбу тармоқлар

комбинатлашув бир неча технологик жиҳатдан боғлиқ бўлган завод ёки тсехлардан ташкил топган комбинатлар ҳолатида кўринади. Комбинатлашув бошқа ишлаб чиқариш ижтимоий ташкил этиш шаклларида «тежамкорлик» хусусияти билан ажралиб туради.

Унда мавжуд ресурслардан хом ашёдан оқилона, самарали фойдаланилади. Бирон-бир хом ашё тури комбинатда ишлов берилиши асосида тайёр маҳсулотларга айлана боради. Чиққан чиқиндилар ҳам бошқа тармоқлар учун хом ашё сифатида қўлланилиши мумкин. Масалан: пахтадан энгил ва озик-овқат саноатининг қатор корхоналари турли кўринишдаги тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқаради. Ишлаб чиқаришда кам чиқиндили маҳсулотлар яратишда мазкур шаклнинг аҳамиятли эканлигини эътиборга олсак, унинг натижасида нафақат иқтисодий фойдага эришиш, балки атроф-муҳитни тозаллигини сақлаш учун замин яратилади ҳам дейиш мумкин.

Мавзу бўйича саволлар.

1. Айтингчи, сизнинг фикрингизча ишлаб чиқаришни ижтимоий ташкил этиш шаклларида қайси кўринишини республикамиз иқтисодиёт тармоқларида кузатиш мумкин?

2. Иқтисослашувнинг босқич ва уч турларига мисоллар келтиринг.

3. Ипак толасидан комбинатлашув жараёнида ишлаб чиқарадиган тайёр маҳсулот турларини санаб беринг.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ЖОЙЛАШТИРИШГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР.

Мавзуда кўриб чиқиладиган масалалар:

1. Ишлаб чиқариш тармоқларининг жойлаштириш.

2. Саноат корхоналари тармоқлари.

1-асосий савол бўйича дарс мақсади: Талабаларда Моддий ишлаб чиқариш тармоқларининг тўғрисида тушунчалар ҳосил қилиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

1.1. Моддий ишлаб чиқариш тармоқларини изоҳлай олади.

1.2. Аҳоли географияси иқтисодий географиянинг муҳим тармоғи эканлигини мазмунан ёрита олади.

Таянч тусунчалар: Моддий ишлаб чиқариш тармоқларини жойлаштирилиши, моддий соҳа, табиий, ижтимоий-иқтисодий омиллар, «Штандорт» назарияси.

Моддий ишлаб чиқариш тармоқларини жойлаштирилиши уларнинг ривожланиши учун катта аҳамиятга эга бўлган бир қатор табиий ва ижтимоий-иқтисодий омиллар билан чамбарчас боғлиқдир. Тармоқлар хом ашё, ёқилғи, энергия, сув, эр, иқлим, меҳнат ресурслари, истеъмол, транспорт, иқтисодий географик ўрин, илмий-техника тараққиёти каби омиллар таъсирида бирон ҳудудда шаклланади. А.К.Бедринтсев ишлаб чиқаришни жойлаштиришга

таъсир этувчи омилларни ўрганиши асосида «...Хўжаликни ҳудудий ташкил қилишнинг юқори самарадорлигига эришиш район мажмуасининг зарурий корхоналари мавжудлиги, табиий ва иқтисодий шароитлар, зарурий ишлаб чиқариш тажрибаси ва транспорт ҳамда бошқа инфраструктура воситаларига боғлиқ тармоқларнинг оптимал ҳудудий технологик схемаси асосида эришилади...» деган хулосага келади.

Моддий соҳа тармоқлари орасида биринчи шаклланган тармоқ ҳисобланган қишлоқ хўжалигининг ривожланиши биринчи навбатда, сув, эр, иқлим каби табиий ҳамда меҳнат ресурслари, истеъмол, транспорт каби ижтимоий-иқтисодий омиллар таъсирида юз беради. Транспорт тармоғи ёқилғи, меҳнат ресурслари, истеъмол, иқтисодий географик ўрин каби омиллар асосида ҳудудлар бўйлаб жойлашади. Айниқса, илмий-техника тараққиёти транспорт турларининг тез суъратлар билан ривожланишига ёрдам берди. Тармоқнинг ўзи ҳам омил сифатида қолган моддий ишлаб чиқариш тармоқлари фаолиятида катта аҳамиятга эга.

Саноат тармоқларини ҳудудий жойлаштириш қишлоқ хўжалиги ёки транспорт тармоқларига нисбатан мураккаброқ хусусиятга эга. Саноатнинг илк тармоқлари шакллана бошлаган даврларда улар асосан хом-ашё манбааларига яқин жойларда шаклланган бўлса, ҳозирда бу жараёнда бир неча омилларнинг бевосита иштироки кузатилади. А.Т.Хрушчев фикрича «Саноатнинг ҳудудий ташкил этиш турли тармоқларнинг ҳудудий жойлашиши ва алоқадорлигида намоён бўлади. Бунга табиий, хом-ашё, меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, бундан ташқари энергия ишлаб чиқарувчи ва истеъмол қилувчи ҳудудлар оралиғида транспорт харажатларини иқтисод қилиш асос қилиб олинган». Саноат географияси асосчиларидан бири ҳисобланган мазкур олимнинг бу таърифида саноат тармоқларини ҳудудий жойлаштириш ҳақиқатан ҳам бир қатор омиллар билан боғлиқлиги кўрсатиб берилган.

Республика ёки бошқа ҳудудий бирликларда саноат тармоқларини ривожлантириш учун маҳсулот ва хизматаларга бўлган бозор талабини ҳар томонлама ўрганиш, ҳудудий меҳнат тақсимоли асосида иқтисодий самарадорликни ошириш ҳамда ҳудудда мавжуд бўлган табиий ва иқтисодий ресурслардан янада чуқурроқ фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Саноатни ҳудудий ташкил этиш, ўша ҳудудда мавжуд бўлган табиий, моддий ва меҳнат ресурслар билан қай даражада таъминланганлигига, ишлаб чиқаришни ижтимоий ташкил этиш шакллариининг ривожланиш даражасига саноат, шаҳарлар ва алоқа юллариининг тарихан таркиб топган жойлашувига ҳудуднинг иқтисодий жиҳатдан ўзлаштирилганлик даражаси каби омилларга боғлиқ. Шундай омиллар борки, улар саноат корхоналарининг жойлашишига тўғридан –тўғри таъсир кўрсатади. Булар хом ашё, ёқилғи- энергетика, сув, ишчи кучи, транспорт ва истеъмол омилларидир. Улар ўз хусусиятларига кўра бир-биридан фарқ қилишига қарамай бир-бирлари билан чамбарчас боғлиқ. Агар хом ашё, ёқилғи-энергетика, сув омилларини кўлами ҳудудда мавжуд омилларнинг захираларига қараб фикр юритилса, ишчи кучи ва истеъмолчи омиллари аҳолининг сони, таркиби улар эгаллаган ҳудуднинг катта-

кичиклигига қараб аниқланади. Транспорт омили эса юқорида курсатилган омиллар орасида ўзаро алоқалар учун хизмат қилади. Бундан қелиб чиқиб, шартли равишда хом ашё, ёқилги-энергетика, сув, ишчи кучи ва истеъмолчи омилларини жойлаштириш, транспорт омилини эса масофа омили деб аташ мумкин. Саноат тармоқларини жойлаштиришда иштирок этадиган омиллар таъсирини таҳлил этиш асосида қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин (А.Т.Хрушчев):

1. Материални (хом ашёни) кўп талаб қиладиган тармоқлар.
2. Энергияни кўп талаб қиладиган тармоқлар.
3. Мехнат ресурсларини кўп талаб қиладиган тармоқлар.

Материални (хом ашёни) кўп талаб қиладиган тармоқлар хом ашё ва маҳсулот ишлаб чиқариш учун кетадиган асосий материалларни кўп сарфлаши билан ажралиб туради. Кўпгина тармоқларда хом ашё салмоғи тайёр маҳсулотга қараганда ортиқроқ бўлади. Буларга металлургия мажмуи, машинасозлик, ўрмон ва ёғочсозлик саноати кабилар киради.

Энергияни кўп талаб қиладиган тармоқлар маҳсулот ишлаб чиқаришда электр, ёқилги, иссиқлик кўп истеъмол қилиши билан ажралиб туради. Буларга рангли металлургиянинг алюминий ва титан ишлаб чиқариш саноатлари, кимё саноатининг кимёвий толалар, синтетик каучук ишлаб чиқариш каби тармоқлар киради.

Мехнат ресурсларига ишлаб чиқариш маҳсулот бирлигига тўғри келадиган ишчи кучи сарфига кўра аниқланади. Ишчи кучи тўпланган ҳудудларда жойлаштириш зарур бўлган тармоқларга машинасозлик, энгил саноат, кимё саноатининг баъзи тармоқлари бу гуруҳга мисол бўла олади.

Сўнгги йилларда саноат тармоқларини ҳудудий жойлаштиришда И.А.Родионова фикрича, истеъмолчи омили таъсирини ҳам эътибордан четда қолдирмаслик зарур. Автомобилсозлик, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, мебел, нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш каби тармоқлар айнан мазкур омил таъсири натижасида ривожланади.

Ушбу омиллардан оқилона ва унумли фойдаланиш натижасида ишлаб чиқариш тармоқларини барпо этиш ва ривожлантириш иқтисодий самарага эришишга олиб келади. Бунда ҳар бир давлат ўз ички ва ташқи имкониятларини ҳисобга олган ҳолда саноат сиёсати олиб бориш асосларини яратиши зарур. Республика Президенти И.А.Каримов «Қулай иқлим шароити, улкан минерал хом ашё захиралари, стратегик материаллар ва қишлоқ хўжалиги хом ашёсининг катта захиралари ҳақли суъратда Ўзбекистон минтақа ва дунёнинг энг бой мамлакатлари қаторига олиб чиқади...» деб таъкидлашларига қарамай, баъзи вилоятларда мавжуд омиллардан самарали фойдаланиш даражаси унчалик юқори эмас. Иқлим, хом ашё, ёқилги-энергетика, мехнат ресурслари, истеъмолчи каби омилларга эга бўлишига қарамай Сурхондарё, Сирдарё, Хоразм вилоятларида саноат мужассамлашув кўрсаткичлари анча паст. Юқорида санаб ўтилган омиллар ёрдамида минтақаларда бир қатор оғир ва энгил саноат тармоқларини ривожлантириш учун ҳар бир вилоятга мос тушадиган регионал саноат сиёсатини утказиш мақсадга мувофиқ булади.

Хорижий давлатларда ишлаб чиқариш тармоқларини жойлаштириш юзасидан бир неча назариялар ишлаб чиқилган. Улар орасида қишлоқ хўжалиги ривожланиши учун аҳамиятли бўлган И.Г.Тюненнинг “Тюнен халқалари” ҳамда А.Вебернинг «Штандорт»⁴ назариялари аҳамиятлидир. Тюнен асосан шаҳар атрофи ҳудудларида қишлоқ хўжалигини олтига халқа асосида ривожлантиришга эътибор қаратган. Вебер саноат штандортини транспорт ва меҳнат ресурси омиллари белгилайди деб ҳисоблаган ва ишлаб чиқаришни ижтимоий ташкил этилишининг барча шакллари уйғунлашган ҳолда ишлаб чиқариш агломератсияларини, яъни корхоналарнинг маълум бир нуқта ёки жойда тўпланиши ғоясини олға сурган.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш зарурки, ҳар қандай саноат тармоғининг маълум ҳудудда жойлашуви фақат бир омилнинг таъсирида юзага келмайди. Масалан, тўлиқ тсикли металлургия тармоғининг ривожланиши учун хом ашё, ёқилғи-энергетика омиллари билан бир қаторда меҳнат ресурлари билан тўлиқ таъминланганлик ҳолати ҳам катта аҳамиятга эга. Автомобилсозлик саноати корхоналари жойлвшуви эса биринчи навбатда истеъмол омилига боғлиқ бўлиши билан бирга фан техника тараққиёти, меҳнат ресурслари каби омиллар иштирокисиз амалга ошмайди.

Омиллар таъсирини тўғри таҳлил қилишда мажмуавий ёндашув асосида кўриб чиқилиши лозим. Бунда хом ашёга, ишлаб чиқаришга, табиатни муҳофаза қилиш тадбирларига, зарурий инфратизимни ривожлантиришга кетадиган харажатлар ҳам ҳисобга олиниши зарур.

Мавзу бўйича саволлар.

1. Илмий адабиётлар асосида Тюнен халқаларининг ҳар бирида жойлашган қишлоқ хўжалиги соҳаларини аниқланг.
2. А.Вебернинг “Штандорт назарияси” юзасидан ўз фикрларингизни билдириг.
3. Ишлаб чиқариш тармоқларини жойлаштиришга таъсир этувчи омиллар орасида иқтисодий географик ўрин омили қандай аҳамиятга эга?
4. Ўз вилоятингиз ишлаб чиқариш тармоқлари жойлашувига таъсир этувчи омилларни кўрсатиб беринг.

ЁҚИЛҒИ-ЭНЕРГЕТИКА МАЖМУАСИ.

Мавзуда кўриб чиқиладиган масалалар:

1. Ёқилғи-энергетика мажмуаси.
2. Саноат корхоналари турлари.

⁴ Shtandort – korxonaning oʻrnatilgan joyi yoki korxonaning optimal (standart) joylashgan nuqtasi.

1-асосий савол бўйича дарс мақсади: Талабаларда Ёқилғи-энергетика тармоқларининг тўғрисида тушунчалар ҳосил қилиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

1.1. Ёқилғи-энергетика тармоқларини изоҳлай олади.

1.2. Ёқилғи-энергетика тармоқларини иқтисодий географиянинг муҳим тармоғи эканлигини мазмунан ёрита олади.

Таянч тушунчалар: Саноат, ундирувчи саноат тармоқлари, қайта ишловчи саноат тармоқлари, ёқилғи-энергетика саноати.

Саноат – моддий ишлаб чиқаришнинг энг йирик ва техник томондан энг такомиллашган тармоғи. Бу ўзи учун ва мамлакат иқтисодиётининг бошқа соҳалари учун меҳнат қуролилари тайёрлайдиган, шунингдек, хом ашё, ёқилғи, энергия олиш, ёғоч тайёрлаш мавжуд саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш билан шуғулланувчи корхоналар (завод, фабрика, кон, электр станциялари) мажмуидир.

Саноат географияси асосчиларидан бири ҳисобланган А.Т.Хрущёв таъбири билан айтганда: «Саноат – моддий ишлаб чиқаришнинг асосий ва этакчи тармоғи бўлиб, ўз ичига табиий ресурсларни қазиб олиш ва хом ашёларни қайта ишлаш жараёнларини қамраб олади. Саноат моддий ишлаб чиқаришнинг бошқа тармоқлари қайта ишлаш жараёнида этакчи ўрин тутиши, машиналар мажмуига эгаллиги, узлуксиз ишлаб чиқариш жараёни мавжудлиги, ишлаб чиқаришнинг мужассамлашуви, ихтисослашув, кооператсия ва комбинаттсиялашув каби кўринишларининг мавжудлиги ва жойлашувига кўра фарқ қилади».

Ҳар бир саноат тармоғи ўзига хос ишлаб чиқариш бирлигига эга. Ишлаб чиқариладиган маҳсулоти, ишлатадиган хом ашёси, ишлаб чиқариш технологияси каби белгиларига кўра саноат тармоқларининг бир неча гуруҳлари мавжуд:

- 1) ундирувчи саноат тармоқлари.
- 2) қайта ишловчи саноат тармоқлари.

Ундирувчи саноатга тоғ-кон саноатининг барча юналишлари, ўрмон, балиқ ва бошқа денгиз маҳсулотлари овлаш кабилар киради. Қайта ишловчи саноатнинг 300дан ортиқ турли тармоқ ва тармоқчалари тўртта гуруҳга ажралади:

- А) конструксион материаллар ва қимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқариш;
- Б) машинасозлик ва металлга ишлов бериш;
- В) энгил саноат;
- Г) озиқ-овқат саноати.

Бундан ташқари, қайта ишловчи саноат тармоқлари оғир ва энгил соҳаларга ҳам ажратилади. Улар орасида ишлаб чиқариладиган тайёр маҳсулотлар ҳажмига кўра машинасозлик саноати этакчи ҳисобланади. Ёқилғи-энергетика саноати эса барча тармоқларда юз берадиган ишлаб чиқариш жараёнларида фаол иштирок этиши билан аҳамиятлидир.

Ёқилғи-энергетика мажмуи – ёқилғи-энергетика ресурсларини қазиб олиш ва қайта ишлашни, фойдаланиш учун уларни қулай шаклга келтириш ва

истеъмолчиларга этказиб беришни таъминлайдиган тармоқлар, корхоналар ва иншоотлар мажмуи (1-расм).

Оловнинг кашф этилиш давридан бошлаб, ҳар бир ўтган тарихий даврларда бирон турдаги ёқилғи-энергетика ресурслари жамият тараққиёти ривожини учун хизмат қилиб келган. Маълумотларга кўра, 1500 йилларда энергия маҳсулотлари истеъмолнинг 70%ни ўтин, 20%ни органик қолдиқлар ҳамда 10% инсон кучи иборат бўлган. 2000 йилларга келиб эса истеъмол таркиби нефт (38,6%),кўмир (28,7%), табиий газ (22,1%), ядро энергияси (6,9%) ва гидроэнергиядан (3,7%) ташкил топди. Шу тарзда даврлар давомида жаҳон ёқилғи-энергетика баланси⁵ ўзгара борди. Балансдаги кескин ўзгаришлар, айниқса, XX асрда юз берди. Фан техника тараққиёти натижасида асосий бирламчи энергетик ресурслар орасида салмоқ жиҳатдан этакчи ҳисобланган кўмир ўрнини даврий кетма-кетликда нефть, газ ваядро энергияси эгаллади. Ҳозирда жаҳон ёқилғи-энергетика мажмуи ривожидида қуйидаги ҳолатлар аҳамиятли ҳисобланади:

- қазиб олиш шароитларининг ёмонлашуви сабабли унинг тан нархининг ортиши ва шельф ҳамда шимолий ҳудудларда нефть қазиб олиниш миқдорининг ошиши;

- альтернатив энергия манбааларининг мавжудлиги;


- кўмир ва нефт асосида энергия олиш технологияларининг инсон ва табиатга бўлган салбий таъсирининг орта бориши;

- табиатдаги заҳираларининг камайиб бораётганлиги.

Ёқилғи-энергетика мажмуи тармоқлари саноатнинг асосий тармоқларидан ҳисобланиб, унинг ривожланиш ҳолати бошқа саноат тармоқлари шаклланишида катта аҳамиятга эга.

Мажмуанинг асосий хом ашёси ҳисобланган нефт, табиий газ, қўнғир ва тошкўмир, ёнувчи сланетс, торф, ўтин, қишлоқ хўжалиги чиқиндилари, қуёш, шамол, геотермал, гидро ҳамда атом энергияси бирламчи энергетик ресурслар ҳисобланади. Улар бир бирларидан иссиқлик бериш қувватига кўра фарқ қиладилар. 1 кг шартли ёқилғи (одатда 1 кг тошкўмирга тенг) 29,3 МЖ (ёки 7000 ккал/кг)га тенг бўлиб, унинг иссиқлик коэффитсиенти 1,0ни ташкил этади. Нефть ва газда бу кўрсаткич нисбатан юқори (иссиқлик коэффитсиенти 1,5) бўлса, қўнғир кўмир, торф, ўтин, ёнувчи сланетс каби ёқилғи хом ашё турларида анча пастлиги билан ажралиб туради. Улар орасида уран мазкур коэффитсиент бўйича юқори кўрсаткичга эга. 1 кг уран ёқилғисидан 3000 тонна кўмиран олинадиган энергияга тенг қувват ҳосил бўлади.

⁵ **jahon yoqilg'i-energiyetika balans** (franzuzcha – balansye - tarozi) – muayyan vaqt davomida davlat hududida yoqilg'i va enyergiyani ishlab chiqarish va charf qilish oralig'idagi nisbat.



1-расм. Ёқилғи-энергетика мажмуаси тармоқларини гуруҳлаштириш.

Жаҳон ҳўжалигида ёқилғи ресурслари қазиб олиш ҳажмининг ўзгариши, баъзи энергия хом ашёлари таннархининг ортиши, уларни ташийдиган замонавий транспорт воситаларининг пайдо бўлиши, янги энергия манбааларининг ўзлаштирилиши иқтисодиёт тармоқларининг ривожланишига таъсир кўрсатмоқда. Унда ривожланган давлатлар асосий энергия этказиб берувчилар, ривожланаётганлари эса истеъмолчилар сифатида иштирок этмоқдалар.

Ёқилғи-энергетика мажмуасининг тармоқлари ҳисобланган – нефт, кўмир, газ ва електроэнергетика саноатлари ривожланишида табиий ҳамда ижтимоий омилларнинг таъсири катта.

Кўмир саноати – ёқилғи-энергетика мажмуаси тармоқлари орасида энг биринчи шаклланган тармоқлардан бири ҳисобланади. Бу тармоқ кўп маблағ ва ишчи кучи талаб этувчи соҳа бўлиб ҳисобланиб, унинг маҳсулотларидан (кўнғир ва тошкўмир) ёқилғи ҳамда қора металлургия ва кимё саноатларида фойдаланилади (2-расм). Кўмир саноатида замонавий иш воситалари, иш жараёнида янги технологияларнинг қўлланилиши унинг тез суъратлар билан ривожланишига таъсир кўрсатди.

Кўмирни очик усулда очик усулда қазиб олиш техник жиҳатдан қулай ҳисобланиб, таннархининг нисбатан арзон бўлишига таъсир кўрсатади. Иш жараёнининг механизатсиялашуви эса ишлаб чиқариш самарадорлигининг ошишига таъсир кўрсатади.

XX асрнинг иккинчи ярмида нефт саноатининг ривожланиши кўмир саноати маҳсулотларига бўлган талабнинг камайишига сабабчи бўлди. Иқтисоди ривожланган Ғарбий эвропа давлатлари ва Япония ҳўжалигининг арзон нефтга ихтисослашуви билан мазкур минтақаларда кўмир қазиб олиш ҳажми пасайди.

1970 ва 1980 йилларда юз берган нефт инқироzi мазкур маҳсулот нархининг ортиши, шу билан бирга кўмирга бўлган талабнинг яна кўпайишига сабабчи бўлди.

Хитой, АҚШ, Россия ва Ҳиндистон каби давлатлар жаҳонда кўмир қазиб олиш бўйича этакчи бўлиб ҳисобланади. Жаҳон минтақалари орасида кўмир қазиб олиш ҳажми Осиё, Шимолий Америка ва Ғарбий Европада юқори.

Ўзбекистонда кўмир заҳиралари нисбатан кам бўлиб, асосан Тошкент вилояти Ангрен ва Сурхондарё вилояти Шарғун конларидан қазиб чиқарилади. Ангрен кони асосий кўмир кони бўлиб, у эрда республиканинг 95% дан ортик кўмири қазиб олинади. Очик усулдаги маҳсулот қазиб олинувчи бу конда кўнғир кўмир мавжуд бўлиб, асосан электр энергия олишда фойдаланилади.

Шарғун кўмир конида коксланиш хусусиятига эга бўлган юқори сифатли тошкўмир мавжуд бўлсада, геологик заҳирасининг камлиги, қазиб олиш ва ташиб кетиш шароитларининг қийинлиги уни тўлиқ ишга туширилишига тўсқинлик қилади.


Нефт саноати - нафақат ёқилғи-энергетика мажмуи, балки оғир саноат тармоқлари орасида энг тез ривожланаётган соҳа бўлиб

хисобланади. Қазиб олинаётган нефтнинг асосий қисми ёқилғи, қолган қисми эса нефт кимё саноати учун хом ашё бўлиб ҳисобланади.

Нефт – суяқ ёнувчи қазилма бойлик бўлиб, органик бирикмаларнинг, асосан, углеводородларнинг мураккаб аралашмасидан иборат модда. Эр юзасидан, асосан, 1,2-2 км чуқурликдаги эр ости гумбазларининг ғовак ёки серёриқ тоғ жинслари (қум, қумтош, оҳактошлар)да жойлашган. Нефт сифати унинг таркибидаги олтингугурт миқдори ҳамда нефт маҳсулотлари сифатига бевосита таъсир этувчи ёпишқоқлик даражасига боғлиқ. Уни бирламчи қайта ишлагандан сўнг бензин, реактив ёқилғи, керосин, дизель ёқилғиси ва мазут олинади. Нефтнинг суяқ ҳолатда эканлиги уни қазиб олиш, ташиш ва қайта ишлаш жараёнида қулайлик туғдиради.

Фан техника тараққиёти нефт қазиб олиш жараёнининг ҳудудий жойлашуви, унга боғлиқ ишлаб чиқариш жараёнларининг такомиллашуви ҳолатига ҳамда табиий шароити ноқулай бўлган ўзлаштирилмаган ҳудуларда ҳам мазкур минерал ресурсларни қазиб олиш имконини берди.

Нефтни қайта ишлаш саноати корхоналарини жойлаштиришда икки хил ҳолат еътиборга олинади:



2-расм. Кўмрдан ҳам ашё сифатида фойдаланувчи соҳалар

- биринчиси, истеъмол ёки талаб йўналиши. Унга кўра нефтни қайта ишлаш корхоналари қазиб олиш марказларидан узокда, истеъмолчи давлатлар ҳудудида жойлашади. Бу гуруҳ давлатлари асосан арзон нархда нефтни сотиб олиб, ундан олинган тайёр маҳсулотни нисбатан қиммат нархга сотишга ихтисослашганлар. Жаҳондаги тахминан 70-80% нефтни қайта ишлаш корхоналари шу асосда жойлаштирилган. Фарбий Европа, АҚШ, Япониянинг порт шаҳарларида жойлашган нефтни қайта ишлаш корхоналарини мисол сифатида кўрсатиш мумкин.

- иккинчиси, хом ашё ёки таклиф йўналиши. Нефтни қайта ишлаш бевосита менерал ресурс қазиб олинган ҳудудларда ташкил этилади. Ҳозирда бундай йўналишдаги корхоналар нефт захираларига бой Кариб хавзаси ва Форс кўрфази давлатларида ташкил этилмоқда.

Нефт кимёси саноати нефтни қайта ишлаш маҳсулотларидан асосан сунъий материаллар ҳамда буюмлар ишлаб чиқарадиган тармоқ хисобланади. Мазкур саноат корхоналарида сунъий каучук, асосий органик синтез материаллари (этилен, пропилен, полиэтилен, бензол, бутадиен, ювиш воситалари, баъзи минерал ўғитлар), резина буюмлар (автопокришкалар, резина-техника буюмлари ва кенг халқ истеъмоли моллари), асбест-техника буюмлари ишлаб чиқарилади.

Жаҳон бозорида йилига тахминан 1 млрд.т нефт хом ашёси сотилади. Унинг 2/3 қисми ОПЕК ташкилотига аъзо давлатларда қазиб олинади. Бундан ташқари, Россия, Буюк Британия, Мексика давлатлари ҳам йирик нефт экспортёрлари хисобланади. Япония, АҚШ, Фарбий Европа давлатлари, Хитой эса асосий нефт сотиб олувчи давлатлар гуруҳини ташкил этади.

Нефт саноати Ўзбекистон ёқилғи саноатининг асосий тармоқларидан бири. Республкамиз ҳудудидаги дастлабки нефт кони 1904 йил Чимёнда топилган. Ҳозирги пайтда нефт Фарғона водийсидан ташқари Бухоро, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида ҳам қазиб олинмоқда. 1959 йил Фарғона нефтни қайта ишлаш заводининг биринчи навбати ишга туширилган.

Мустақиллик йилларида Бухорода Франтсиянинг ТЕКНЕП корхонаси билан ҳамкорликда Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи (1996 йил), юқори сифатли сурков мойлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган Ўзбекистон – АҚШ “Ўз-Тексако” кўшма корхоналари ташкил этилди (1997 йил).

Газ саноати эрдан табиий газ қазиб чиқариш, қаттиқ ва суюқ ёқилғилардан сунъий газ олиш, аҳоли ва саноат таъминоти учун қувурлардан газ юбориш ҳамда газдан кимёвий маҳсулотлар олиш жараёнларини ўз ичига олади. Газнинг асосий тури эр бағрининг 200-7000 мчуқурликдаги ғовак жинсларида бўладиган ёнувчи табиий газлардан иборат.

Газ саноати дастлаб ХВИИИ асрнинг охири – XIX асрнинг бошларида Буюк Британия, Франтсия, Бельгия каби давлатларда тошқўмирдан олинган газдан шаҳарни ёритиш мақсадида фойдаланиш

йўлга қўйилганидан сўнг шакллана бошлаган. XIX асрнинг ИИ ярмида газ генераторининг яратилиши, нефт газларидан фойдаланиш (XX асрнинг 20-йилларигача) асосида мазкур тармоқ фаолиятида ижобий ўзгаришлар юз берди. Табиий газ захиралари топилгач бу соҳа тез суръатлар билан ривожлана бошлади. Газ саноати ривожланиши икки босқичга ажратилади. Биринчи босқич XX асрнинг 50-60 йилларигача давом этган бўлиб, бу даврда АҚШ асосий газ қазиб олувчи давлат ҳисобланган (1950 йилда АҚШ жаҳонда қазиб олинган табиий газнинг 9/10 қисмини берган). Иккинчи босқичда газ қазиб олиш ва уни истеъмол қилиш ўсиши ҳамда газ саноатининг йирик районлари шаклланди. Жаҳон газ саноатида АҚШдан ташқари собиқ Иттифок, Жануби-ғарбий Осиё ва Шимолий Африка каби минтақалар давлатларининг салмоғи орта бошлади.

Табиий газ ёқилғи сифатида бошқа ёқилғи турларидан бир қанча афзалликларга эга. Бошқа ёқилғи турларига нисбатан табиий газни қазиб олиш осонлиги ва арзонлиги, технологик жараёнларни автоматлаштиришнинг қулайлиги, иссиқлик бериш қувватининг юқорилиги, транспортбеллиги, нефт ва кўмирга нисбатан экологик жиҳатдан тозаллиги каби ҳолатлар газ конларини излаш ва ишга тушириш ишларига катта аҳамият қаратилишига сабабчи бўлди. Натижада, жаҳон энергия хом ашё турлари ичида табиий газ қазиб олиш доимо ўсувчанлик хусусиятига эга. Айниқса, сўнгги йилларда газни суюлтирилган ҳолда жаҳон бозорига чиқарила бошлаганлиги ҳам бу соҳага бўлган қизиқишни янада кучайтирди.

Газ саноати таркибига кирувчи газни қайта ишлаш заводлари асосан тозаланган газ, олтингугурт, гелий, пропан-бутан аралашмаси, энгил углеводородларнинг бир неча тури, суюлтирилган газ, дизель ёқилғиси, турли русумдаги бензинлар, этан, этилен кабиларни ишлаб чиқаради. Бундан ташқари, табиий газ ёқилғи сифатида уй-жой хўжалигида ҳам ишлатилади. Газ кимё саноати учун ҳам хом ашё бўлиб хизмат қилади. Ундан минерал ўғитлар, полимерлар ишлаб чиқаришда кенг фойдаланилади.

Маълумотларга кўра, газнинг умумий геологик захираси 150-170 триллион м³ни ташкил этади. Газ қазиб олиш бўйича а Шимолий Америка, МДХ, Осиё минтақалари, Россия, АҚШ, Канада каби давлатлар этакчи бўлиб ҳисобланадилар.

Ўзбекистонда табиий газ 1932 йилдан бошлаб қазиб олинади. 1962 йил Газли газ-нефт конининг очилиши билан газ саноати тез ривожланиб кетди, улкан магистрал газ қувурлари яратилди. Ҳозирда Устюрт, Бухоро – Хива, жануби-ғарбий Ҳисор, Фарғона, Сурхондарё каби гефт ва газга бой ҳудудларда 175 та нефт ва газ конлари очилган. Республика газ саноатида Қашқадарё вилояти катта салмоққа эга бўлиб Муборак, Шўртан каби газ конлари энг йириклари ҳисобланади. Қазиб олинаётган газни қайта ишлаш мақсадида Шўртан газ кимё мажмуаси ташкил этилган.

Электро энергетика саноати электр энергиясини ишлаб чиқариш ва истеъмолчиларга тарқатиш жараёнларини ўз ичига олади. Электр энергияси энергиянинг иқтисодий ва техник жиҳатдан самарали ва қулай

кўриниши бўлиб ҳисобланади. Фан техника тараққиёти натижасида барча ишлаб чиқариш тармоқларида бўлганидек, электро энергетика саноатида ҳам маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши кузатилди. Бирламчи энергия манбааларининг электр энергияга айлантириш жараёни тезлашди. Жаҳонда электр энергия ишлаб чиқариш 1950 йилга нисбатан 17 маротаба ўсди (965 млрд кВт/с дан 17 трлн кВт/с гача).

Фан техника тараққиётининг бевосита таъсирида натижасида ишлаб чиқаришнинг автоматлаштирилиши ва механизатсиялашуви, технологик жараёнларда электр энергиясининг кенг қўлланилиши ҳамда барча тармоқларнинг электрлашуви лектро энергияга бўлган талабнинг ортишига сабабчи бўлди. Бундан ташқари, ҳаёт даражаси яхшиланиши билан аҳоли томонидан электр энергияни истеъмол қилиш даражаси ҳам кўпайди.

Электр энергия асосан уч хил кўринишдаги электро стантсияларда ҳосил қилинади. Булар:

А) иссиқлик электро стантсияси – ИЕС;

Б) гидро электро стантсияси – ГЕС;

В) атом электро стантсияси – АЕС.

Юқорида кўрсатиб ўтилган уч турдаги электро стантсияларда тахминан 99% электр энергияни ишлаб беради. Альтернатив энергия манбааларининг (Қуёш, шамол, сув қалқиши, гейзерлардан олинандиган энергия) салмоғи анча паст.

Иссиқлик электр стантсиялари электро энергетика саноатининг этакчи тармоғи ҳисобланиб, иссиқлик двигателлари ёрдамида электр энергияси ишлаб чиқаради. Улар кўмир, мазут ёки газ сингари минерал ёқилғилар асосида фаолият олиб боради. Польша, ЖАР, Австралия, Хитой каби давлатларида яратилаётган энергиянинг асосий қисми ушбу турдаги электро стантсияларда яратилади. Ҳозирда аралаш хом ашё билан ишлайдиган иссиқлик электр стантсияларининг сони ортиб бормоқда. Иссиқлик электр стантсиялари ўз фаолияти хусусиятига кўра фақат электр энергия ишлаб берувчи конденсатсион (КЕС) ва электр энергия ишлашдан ташқари саноат корхоналари ва коммунал хўжалик хизматларига иссиқлик ҳам этказиб берувчи иссиқлик электр марказларига ажратилади.

Одатда йирик ИЕСлар ёқилғи хом ашёси қазиб олинувчи ҳудудларда ёки уларни ташиб келтириш қулай бўлган порт шаҳарларда ташкил этилади. Мазут асосида ишловчи электро стантсиялар нефтни қайта ишловчи корхоналар яқинида жойлашса, табиий газ билан ишлайдиган электро стантсиялар эса газ қувурлари трассалари яқинида фаолият юритади.

Дастлабки ИЕС 1882 йил Нью-Йорк шаҳрида қурилган. Ўзбекистонда эса биринчи ИЕСлар қурилиши XX асрнинг 35-40 йилларида амалга оширилган.

Гидроелектр стантсиялари – сув оқимининг энергиясини гидравлик турбиналар ёрдамида электр энергиясига айлантириб

берадиган гидротехника иншоотлари ва энергетика жиҳозлари мажмуи. Улар асосан дарёларда ташкил этилади. ГЭСлар асосан суви кўп бўлган, текис оқадиган тоғ дарёларига, сойларнинг торайган жойларига қурилади. ГЭС иншоотлари мажмуига дарё ўзанини тўсиб босим ҳосил қиладиган бош иншоот (тўғон), ГЭС биносига сув этказиб берадиган канал, стантсия босим узели (СБУ) ёки босим сув қузури, сув сатҳини ва сарфини тартибга солиб турадиган, ортиқча сувни чиқариб ташлайдиган автоматик қурилмалардан иборат иншоотлар; сув энергиясини бевосита электр энергияга айлантириб берадиган гидроагрегат (турбина билан генератор) ўрнатилган машина зали ва фойдаланиб бўлинган сувни чиқариб ташлайдиган иншоотлар кирди. Махсус гидротехника иншоотлари билан ГЭС турбиналарига келтирилган сув турбинанинг иш ғилдирагини, унга ўрнатилган ўқни ва ўқ билан бириктирилган генераторни айлантириши натижасида электр энергия ҳосил бўлади.

Норвегия, Парагвай, Намибия, Тожикистон каби давлатларда электр энергиянинг асосий қисми ГЭСларда ишлаб чиқарилади. Ўзбекистонда бундай турдаги биринчи электр стантсия 1926 йил Бўзсув каналида қурилган. Асосий ГЭСлар республикамизнинг Тошкент, Самарқанд, Хоразм каби вилоятларида жойлашган.

Атом электр стантсияларида энергия ишлаб чиқаришнинг технологик тизими хусусиятларига кўра, ИЕСларга ўхшаш бўлсада, унда фойдаланиладиган энергетик хом ашё турига кўра бир-биридан фарқ қилади. Бундай турдаги электр стантсияларда уран моддаси хом ашё сифатида қўлланилади. Иссиқлик қуввати юқори бўлган уран (1 кг урандан 3000 тонна тошқўмир ажратадиган энергия ишлаб чиқарилади) асосида барпо энергия ишлаб чиқарадиган АЕСлар асосан ижтимоий-иқтисодий омиллар таъсирида ривожланган давлатларда XX асрнинг иккинчи ярмида ривожлана бошлади. Атом энергетикасини ривожлантиришга қаратилган илк дастурлар 1950-1960 йилларда АҚШ, Буюк Британия, собиқ СССР, ГФР, Япония каби давлатларда ишлаб чиқилди. Лекин, АЕСларнинг ИЕСларга нисбатан фойдаланиладиган хом ашё таннарни жиҳатидан рақобатбардошлиги паст ҳисобланиб, мазкур лойиҳалар амалга оширилмади. Жаҳон энергетик инқирозининг юз бериши натижасида ёқилғи ресурслари нархининг кескин ошиши туфайли уран асосида ишловчи электр стантсиялар барпо этишга имкониятлари ошди. 1980 йилларнинг ўрталарига келиб АЕСлар қуриш жараёни суғлаша бошлади. Бунга нефт нархининг камайиши, тадқиқотлар натижасида аниқланган электр стантсиялар барпо этилган ҳудудларда юзага келиши мумкин бўлган салбий экологик ҳолат сабаб бўлди. Айниқса, АҚШ (“Три Майл Айленд”), Украина (“Чернобилъ”), Япония (“Фукусима”) каби давлатларда юз берган ҳалокатлар натижасида турли минтақаларда АЕСларни қуриш ишлари тўхтатилди.

Дунёдаги биринчи АЕС собиқ СССРнинг (ҳозирда Россия Федератсияси) Обнинск шаҳрида ишга туширилган (қуввати 5 МВт). Ҳозирги кунда жаҳонда 440 та энергоблок фаолият олиб бормоқда. Улар йилига 15 млрд кВт/с электр энергия ишлаб беради (жаҳонда бир йилда ишлаб ҳиқариладиган энергиянинг 17 %). Энг йирик АЕСлар АҚШ, Франтсия, Япония, ГФР, Россия давлатлари худудида жойлашган. Бу кўринишдаги электр стантсияларда энергия ишлаб чиқариш салмоғи Литва, Франтсия, Словакия каби давлатларда юқори. Ўзбекистон худудида уран хом ашёси захиралари мавжуд бўлсада (маълумотларга кўра Ўзбекистон уран контсентратлари ишлаб чиқариш бўйича 6 ўринда туради), ундан энергия олиш мақсадларида фойдаланилмайди.

Сўнгги йилларда жаҳон мамлакатларида экологик жихатдан зарарсиз энергия олувчи алтернатив манбааларга нисбатан бўлган талаб кучая бормоқда. Қуёш, шамол, сув қалқиши, геотермал энергия кабилар шулар жумласидандир. Алтернатив манбаалар асосида ишловчи электр стантсияларга нисбатан ёқилғи ресурслари билан ишловчи турларининг атроф- муҳитга катта салбий таъсир кўрсатади. Геотермал энергиядан фойдаланиш Исландияда йўлга қўйилган бўлса, АҚШ, Россияда гейзерлардан, Нидерландия, Скандинавия ярим ороли давлатларида шамолдан, АҚШ ва Франтсияда эса қуёшдан электр энергия олиш амалга оширилмоқда. Ўзбекистонда гелиоэнергиядан фойдаланиш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Шу билан бирга олинадиган ноодатий энергия манбаалари асосида олинадиган электр энергияси таннархининг нисбатан қимматлиги, уларни ишлаб чиқаришнинг кўп ҳолларда даврий хусусиятга эга эканлиги мазкур ресурслардан фойдаланишда баъзи қийинчиликлар келтириб чиқаришини ҳам ёдда тутиш лозим.

Мавзу бўйича саволлар.

1. Ёқилғи-энергетика мажмуаси тармоқларини уларнинг худудий жойлашувида таъсир этувчи омиллар асосида гуруҳлаштиришда қандай ҳолатларларга ётибор бериш зарур.
2. Айтнингчи, ёқилғи-энергетика мажмуаси тармоқлари орасида қайси соҳа яқин келажакда катта салмоққа эга бўлади? Жавобингизни изоҳланг.
3. Ёқилғи-энергетика мажмуасининг кимё мажмуаси билан боғлиқлик ҳолатларини тушунтириб беринг.
4. Ўзбекистонда газ саноатининг тез суъратлар билан ривожланиши қандай ҳолатлар билан боғлиқ?

Металлургия мажмуи.

Таянч тусунчалар: **Металлургия мажмуи, чўян, пўлат қуйиш, прокат, ферроқотишма, кокс, флюс материаллари.**

Металлургия мажмуи иқтисодийнинг таянч тармоқларидан бири бўлиб, таркибидан металл бўлган моддалардан металллар ажратиш олиш ва металл қотишмаларга қайта ишлов берувчи соҳа ҳисобланади. Мазкур мажмуа тармоқлари эски саноат тармоқларидан ҳисобланиб, қадимий инсонлар милоддан аввалги ВИИ – ВИ асрлардан бошлаб мис олиш сирларини ўзлаштирганлар. Эрамиздан аввалги ИИ минг йилликларга келиб мис ва қалай қотишмасидан бронза тайёрлаш ва кейинчалик темирга ишлов беришни ўрганганлар. ХИВ – ХВ асрларга келиб эса темирдан қайта ишлов бериш жараёни натижасида олинган чўян ва пўлатдан ишлаб чиқаришда фойдалана бошлаган.

Металлургия⁶ рудалардан металл ажратиш олиш учун уларга ишлов бериш (рудаларни майдалаш, бойитиш, бўлаклаш ва бошқалар), бегона аралашмалардан металлларни тозалаш (рафинатсиялаш) ва улардан тайёр маҳсулотлар тайёрлашга ихтисослашган. Мазкур мажмуа фойдаланадиган хом ашё ва ишлаб чиқарадиган маҳсулотлар хусусиятларига кўра иккита мустақил тармоққа ажратилади.

1. Қора металлургия машинасозлик ва қурилиш материаллари мажмуалари ривожланиши учун асос бўлиб хизмат қиладиган тармоқ ҳисобланади. Унинг асосий маҳсулотлари бўлган чўян, пўлат, прокат ва ферроқотишмалардан турли саноат тармоқлари ҳамда қурилиш соҳасининг асосий маҳсулотлар ишлаб чиқаришда фойдаланилади. Сўнгги йилларда фан соҳасида яратилган илмий янгиликларнинг мазкур тармоқда қўлланилиши сабабли металл эритиш ва қуйишнинг янги усуллари, чўян, пўлат ҳамда прокатнинг бир неча кўринишдаги турлари ишлаб чиқилди.

Жаҳон ҳўжалигида қора металлургиянинг кимё мажмуаси ва рангли металлургия тармоғи билан турли конструктив материаллар ишлаб чиқаришда бўлган рақобатининг кучайиши юзага келганига қарамай, пўлат қуйиш ҳажми йилдан йилга ортиб бормоқда.

Қора металлургия тармоғи корхоналарининг ҳудудий жойлашуви бир қанча омилларнинг ўзаро таъсири билан боғлиқ. Ҳозирги даврда унинг ривожланишида фан техника тараққиёти омили кучли таъсир кўрсатмоқда. Ишлаб чиқариш жараёни кўп энергия ва хом ашё талаб этиши тармоқ корхоналари жойлашувида хом ашё ҳамда ёқилғи омиллари ҳам муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатиб беради (1 тонна чўян қуйиш учун ўртача 6 тонна хом ашё, яъни темир рудаси, кокс, флюс материаллари, ўтга чидамли хом ашё ҳамда кўп миқдорда сув ва электр энергияси зарур бўлади). Жаҳон транспорт тармоқларининг ривожланиши металлургия корхоналари қурилишида хом ашё ва ёқилғи омили таъсирининг камайиши ва шу билан бирга истеъмол (асосий истеъмолчи машинасозлик мажмуаси тармоқлари), транспорт каби омиллар аҳамияти ортишига олиб келди. Бундан ташқари, ишлаб чиқаришни ҳудудий мужассамлашуви, экологик ва бошқа бир қанча омиллар ҳам аҳамиятли ҳисобланади.

⁶ **Metallurgiya** – yunoncha soʻzdan olingan boʻlib, yerdan qazib chiqaraman degan maʼnoni bildiradi.

Фан техника тарққиёти қора металлургия корхоналарида чўян ва пўлат ишлаб чиқаришнинг янги, самарали усулларининг усулларининг яратилишига сабабчи бўлди(масалан, коксли домна металлургия усули). XX аср бошларигача пўлат қуйишда асосий усул ҳисобланган мартен усули ўрнини вақт ўтиши билан кислородли конвертер ва электрметаллургия усуллари эгаллади. Натижада чўян ва пўлатнинг сифати ошиб, ишлаб чиқариш харажатлари камайишига эришилди. Ҳозирда жаҳон мамлакатларида қуйилаётган пўлатнинг 1/3 қисми электрпечларда, 2/3 қисми эса кислород конвертерларига тўғри келмоқда.

Қора металлургия тармоғида юз берадиган технологик жараёнлар қуйидагилар: хом ашёни қазиб олиш, уни бойитиш, чўян ва пўлат қуйиш, прокат ва ферроқотишмаларни ишлаб чиқариш. Маҳсулотлар ишлаб чиқаришда асосий хом ашё темир рудаси ҳисобланиб, ундан ташқари марганец, коксланувчи кўмир ва легирловчи метал⁷лар зарур бўлади.

Ишлаб чиқаришда юзага келадиган чиқиндиларни қайта ишлаш ва улардан самарали фойдаланиш мақсадида металлургия корхоналари қошида қурилиш материаллари, кимёвий маҳсулотлар тайёрлайдиган тсех ёки кичик заводлар ташкил этилиб корхона йирик металлургия комбинатларига айлантирилади. Сўнгги йилларда тармоқда иккиламчидан ашё (металлом)дан ҳам фойдаланилмоқда.

Қора металлургия тармоқларида йилига ўртача 1 млрд тоннадан ортиқ пўлат қуйилади. Соҳада асосий маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича Хитой, Япония, АҚШ, Россия каби давлатлар этакчилик қилади. Ўзбекистонда қора металлургия саноатига Иккинчи жаҳон уруши йилларида асос солинган. Собиқ СССРнинг ғарбий қимларидан қўчириб келтирилган қора металлургия заводлари асосида Бекободда 1946 йил металлургия заводи ишга туширилган. У асосан темир-терсакларни қайта ишлаш асосида маҳсулот ишлаб чиқаради (асосан пўлат, прокат ва улардан кенг истеъмол буюмлари тайёрлаш). Республикада мазкур тармоқни ривожлантиришга асос бўла оладиган темир, марганец рудалари, флюс материаллари, ўтга чидамли хом ашёлар мавжуд бўлишига қарамай унинг умумий саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги салмоғи анча пастлигича қолмоқда (2011 йил маълумотларига кўра тармоқ умумий саноат маҳсулотларининг 2,6%ни берган).

Рангли металлургия тармоқ сифатида мураккаб ички тузилишга эга. У ўз таркибига рангли металларни қазиб олиш ва бойитиш, турли қотишмалар олиш, иккиламчи хом ашёни қайта ишлаш каби жараёнларни ўз ичига олади. Мазкур тармоқ 70 турга яқин рангли металларни қайта ишласада, улар орасида тўрттаси таннархи жиҳатидан аҳамиятли ҳисобланади (алюминий, мис, рух, кўрғошин).

Тармоқ қора металлургия каби саноат инқилоби даврида шаклланган бўлиб, эски саноат тармоқлари сирасига киради. В.П.Максаковский фикрича,

⁷ **Legirlovchi metallar** – temir eritmalarining fizik, ximik yoki mexanik xususiyatlarida o'zgartirishda ishlatiladigan metallar. Ularga xrom, nikel, molibdyen, vol'fram, titan kabilar misol bo'la oladi.

рангли металлургиянинг ривожланиш даврини уч босқичга ажратиш зарур. Булар:

- биринчи босқич, XX асрнинг биринчи ярмида асосан оғир металллар ҳисобланган мис, рух, қўрғошин, қалайи қайта ишланган;

- иккинчи босқич, 1950-1975 йиллар оралиғида алюминий, магний, титан каби энгил металлларни қайта ишлашга катта эътибор қаратилган. Бунинг натижасида ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ҳажмига кўра алюминий саноати тармоқ соҳалари ичида биринчи ўринга кўтарилди;

- учинчи босқич, 1975 йиллардан то ҳозирга қадар давом этиб келаётган бу босқичда юз берган энергетик ва хом ашё инқирози, атроф муҳитни муҳофаза қилиш чора тадбирларининг кучайиши каби жараёнлардан келиб чиққан ҳолда асосан легирловчи (вольфрам, ванадий, молибдене, тантал, ниобий), кам тарқалган (висмут, кобальт), тарқоқ (германий, селен, тсирконий) турдаги “XX аср металлари”ни қайта ишлаш муҳим соҳага айланди. Шу билан бирга, барча босқичларда бўлгани каби бу босқичда ҳам қимматбаҳо (олтин, кумуш, платина) металлларни ишлаб чиқаришга бўлган талаб ортиб борди. Бундан ташқари, иккиламчи хом ашёдан кенг фойдаланиш йўлга қўйилди.

Рангли металлургия тармоғи корхоналари физик ва кимёвий хусусиятларига кўра бир-бирларидан фарқ қилувчи турли конструктив материаллар ишлаб чиқарадилар. Ишлаб чиқарилган маҳсулотлар турли соҳаларда қўлланилади. Масалан, алюминий машинасозлик (авиасозлик, электротехника), қурилиш транспорт ҳамда кенг истеъмол учун мўлжалланган маиший буюмлар ишлаб чиқаришда қўлланилса, мисдан электроэнергетика, машинасозлик каби саноат тармоқларида фойдаланилади. Бундан ташқари, турли металл билан қотишма сифатида қўшилиши натижасида дюралюминий (алюминий билан бирга), бронза (қалайи билан бирга), латунъ (рух) кабилар тайёрланади.

Рангли металлургия тармоғи соҳаларидаги технологик жараённи алюминий саноати мисолида таҳлил қиламиз. Алюминий эр пўстидаги энг кўп тарқалган металл ҳисобланади (8,8%). Алюминий саноати тармоқ соҳалари орасида кўпгина соҳаларда қўлланилиши билан ажралиб туради. У уч асосий босқичдан ташкил топган (3-расм). Булар:

А) алюминий рудаларини қазиб олиш (боксит, нефелин, алунит);

Б) глинозем ишлаб чиқариш;


В) тайёр алюминийни қуйиш.

ХИХ асрнинг охирларида пайдо бўлган мазкур тармоқнинг ҳудудий жойлашувида хом ашё (4 тонна бокситдан 2 тоннага яқин боксит, ундан эса 1 тоннага яқин бирламчи алюминий ишлаб чиқарилади), энергия омилларининг таъсири каттадир.

Рангли металлургия корхоналарини жойлаштиришда кўпгина табиий ва иқтисодий омилларнинг таъсири хусусиятларига катта аҳамият қаратилади. Жаҳон рангли металлургияси ривожланишининг биринчи босқичида хом ашё омили, энгил металллар ишлаб чиқаришга талабнинг ортиши билан (иккинчи босқич) энергия омили ҳал қилувчи таъсирга эга бўла бошлади. Шу билан

бирга транспорт ва истеъмолчи омиллари ҳам тармоқнинг ривожланишида ўз ўрнига эга.

Тармоқ корхоналари худудий жойлашувидаги яна бир хусусият уларнинг минтақалар бўйлаб бир-биридан нисбатан узоқ масофада жойлашганлигидир. Кўп ҳолларда рангли металллар ҳам ашё ҳолида ривожланаётган давлатлар худудида қазиб олинса, асосан ривожланган давлатлар худудида тайёр маҳсулотга айлантирилади.



Катта эттилик давлатлари, Хитой, Россия, Ҳиндистон, Бразилия, Венесуела каби давлатлар жаҳон бўйича рангли металлларни энг кўп ишлаб чиқарувчи марказлар ҳисобланадилар.

Ўзбекистонда рангли металлургия тармоғи асосий экспорт маҳсулотларини ишлаб берувчи тармоқлардан бири ҳисобланади. У асл ва нодир металлларни қазиб олиш, бойитиш ва эритишни ўз ичига олади. Асосан Тошкент, Навоий, Жиззах, Сурхондарё вилоятларидан олтин, мис, полиметалл, вольфрам, молибден каби металллар қазиб олинади. Йирик металлургия корхоналари эса Тошкент, Навоий вилоятларида тарқалган.

Мавзу бўйича саволлар.

1. Айтингчи, сизнинг фикрингизча металлургия мажмуаси хом ашёлари орасида энг кўп ишлатиладиган металл қайси? Жавобингизни изоҳланг.

2. Қора металлургия тармоғида фойдаланиладиган мартен ва электрметаллургия усуллариинг ўзига хос хусусиятларини тушунтириб беринг.

3. 3-расмдан фойдаланиб алюминий саноатининг технологик жараёнларига изоҳ беринг.

4. Республикамиз металлургия мажмуаси тармоқлари корхоналарининг ҳудудий жойлашувида қайси омиллар аҳамиятли ҳисобланади?

Машинасозлик мажмуи.

Таянч тушунчалар: Машинасозлик, саноат роботлари, автомобилсозлик, ТМК, авиаракета, космик саноати, электротехника саноати

Машинасозлик жаҳон қайта ишловчи саноат тармоқлари орасида ишлаб чиқариладиган маҳсулот ҳажми ва мазкур тармоқда банд аҳоли сонига кўра олдинги ўринда туради. ХХИ аср бошларига келиб ушбу мажмуа корхоналарида умумий жаҳон саноат маҳсулотининг 35% яратилиб, унда жами бандларнинг 27% фаолият кўрсатган. У ҳар бир давлатнинг ижтимоий меҳнат унумдорлигини, фан техника тараққиёти даражасини, халқнинг моддий фаровонлиги ва унинг мудофаа қудратини кўрсатиб берувчи саноат мажмуаси ҳисоланади. Машинасозлик саноат сифатида дастлаб XIX асрда Буюк Британияда, Фарбий европанинг баъзи мамлакатларида, кейинчалик АҚШда тез ривожлана бошлаган.

Машинасозлик мажмуаси – иқтисодиёт тармоқлари учун меҳнат куруллари, шунингдек, истеъмол буюмлари ва мудофаа аҳамиятига эга бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи оғир саноат соҳалари мажмуи. Бундан ташқари, машинасозлик ва металлга ишлов бериш, металл буюмлар, металл конструксиялар ишлаб чиқариш ҳамда машина ва асбоб ускуналарни тузатиш тармоқларининг таркибий қисмини ҳам ташкил этади. Унинг асосий вазифаси иқтисодиётнинг ҳамма соҳаларини юқори унум билан ишлайдиган машина ва асбоб ускуналар билан таъминлашдан иборат. Мажмуа металлга ишлов бериш

соҳаси билан бирга ўз таркибига 200дан ортиқ ишлаб чиқариш тармоқлари ва тармоқчаларини жамлайди. Унинг фаолиятида нафақат тармоқ ичида, балки тармоқлараро ва минтақалараро ихтисослашув ҳамда кооператсия каби ишлаб чиқариш шакллари яққол намоён бўлади. Айниқса, ихтисослашув жараёнининг таъсирида эҳтиёт қисмлар, агрегатлар, бутловчи қисмлар ишлаб чиқариш турли давлатлар, минтақаларда амалга оширилиб, уларни йиғиш жараёни маълум бир асосан ихтисоди ривожланган давлат ҳудудида юз беради. Одатда ишлаб чиқариладиган маҳсулот хусусиятидан келиб чиққан ҳолда ихтисослашувнинг маълум тури (қисм (деталь), технологик ёки ярим маҳсулот (полуфабрикат)) танланади. Машинасозлик корхоналарининг ихтисослашув ҳолати ва ҳудудий меҳнат тақсимоти маълум соҳага ихтисослашган саноат марказлари ва районларининг вужудга келишига сабабчи бўлади. Уларнинг юзага келишида бундан ташқари фаолият доираси кўп сонли давлатлар ҳудудини қамраб олган транс миллий компанияларнинг ҳам таъсири катта.

Мажмуа тармоқларини уларнинг пайдо бўлган даврларига кўра (ески, янги, замонавий), улардан фойдаланиш ҳолатига кўра (умумий, транспорт машинасозлиги, электроника ва электротехника, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, йўл қурилиш машинасозлиги, асбобсозлик), технологик ва ҳудудий жойлашув хусусиятларига кўра (металл кўп талаб қилувчи, ишчи кучи талаб этувчи, фанталаб машинасозлик соҳалари) гуруҳлаштириш мумкин.

Машинасозлик мажмуаси корхоналарининг ҳудудий жойлашувида бир қатор омилларнинг таъсири мавжуд. Кўпгина тармоқларда бўлгани каби меҳнат ресурси омили корхоналар жойлашувида аҳамиятли ҳисобланади. Бу ҳолатнинг юзага келишида баъзи тармоқ соҳаларининг ишчи кучини кўп талаб этиши, уларнинг малакавий хусусияти (айниқса асбобсозлик, электроника, электротехника, авиация, аерокосмик соҳаларда), махсус илмий тадқиқот муассасалари ва лабораторияларининг мавжудлик ҳолатлари кабилар таъсир кўрсатади. Бундан ташқари, фан техника тараққиёти омили ҳам кучли таъсирга эга бўлиб, унинг натижасида тармоқ ичида маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнларининг тезлашуви, самарадорликнинг ортиши ва илмий марказлар билан интеграциянинг кучайишга олиб келади.

ФТИ даврида жаҳон машинасозлиги фанталаб тармоқлардан бирига айланди. Натижада, тармоқнинг замонавий соҳалари тез ривожлана бошлади. Шу билан бирга транспорт (инфратизимнинг ривожланганлик ҳолати), истеъмол (талаб ва истеъмол бозори хусусиятлари), хом ашё (оғир машинасозлик корхоналарининг қора металлургия марказларига яқинлиги) омиллари таъсири ҳам машинасозлик корхоналарининг ҳудудий жойлашувида эътиборга олинади.

Жаҳон машинасозлигида ишлаб чиқариладиган маҳсулот хусусиятидан келиб чиқиб қуйидаги тармоқлар ажратилади:

1. Станоксозлик – машинасозликнинг ушбу тармоғида металл ва ёғочга қайта ишлов берувчи станоклар, автоматик ва ярим автоматик ишлаб чиқариш линиялари, металлургия тармоқларида фойдаланиладиган турли жиҳозлар

ишлаб чиқарилади. Бу турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш даражаси иқтисоди ривожланган давлатларда юқори. Жаҳон станоксозлиги пешқадамлари бўлиб Япония, ГФР, Италия, Хитой, Тайвань, АҚШ кабилар ҳисобланади. Учта давлатда (Япония, ГФР, АҚШ) ишлаб чиқариладиган станок ва турли асбоб ускуналарнинг 50%ни беради. Минтақалар ичида Ғарбий Европа этакчилик қилади.

Саноат роботларининг деярли ярми Японияда ишлаб чиқилади. Маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича АҚШ, ГФР, Италия, Франция каби давлатлар ҳам сезиларли салмоққа эга. Бу соҳанинг асосий хусусияти унинг асосан ишчи кучи баҳоси нисбатан қиммат бўлган ривожланган давлатларда ривожлантирилганлигидадир.

2. Кемасозлик – транспорт машинасозлигининг эски, лекин шу билан бирга энг муҳим соҳаларидан бири. Соҳа маҳсулотлари денгиз транспортида халқаро юкларни ташишда катта аҳамиятга эга. Ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар кўп турда бўлиб, улар орасида юк танкерлари, йўловчи лайнерлари, балиқ консервалари ишлаб чиқарувчи йирик кемалар, паромлар ва денгиз бурғулаш платформалари салмоқ жиҳатдан ажралиб туради. Йилига 1500 данадан ортиқ турли кўринишдаги кемалар ишлаб чиқарилади. Япония, Корея Республикаси, Хитой жаҳон кемасозлиги этакчилари ҳисобланади. Минтақалар бўйича Осиё олдинги ўринда туради. Ушбу минтақа барча ишлаб чиқариладиган кемаларнинг 80%ни беради.

3. Автомобилсозлик – машинасозлик мажмуасининг энг муҳим тармоғи ҳисобланиб, жаҳон хўжалигида таъсир доираси жиҳатидан нефть саноатидан кейин иккинчи ўринда туради. Мазкур тармоққа 1886 йил немис инженери Карл Бенц томонидан асос солинган.

Автомобилсозликда маҳсулот ишлаб чиқаришда кўпгина саноат тармоқлари маҳсулотларидан фойдаланилади. Масалан, қора ва рангли металлургияда ишлаб чиқарилган металллар (пўлат, алюминий ва бошқалар), кимё саноатининг маҳсулоти ҳисобланган табиий, синтетик каучук, қурилиш материаллар саноатида тайрланган ойна ва бошқалар. Автомобилсозлик ўз навбатида бошқа тармоқлар ривожига ҳам катта таъсир кўрсатади (масалан, нефть саноати).

Жаҳон автомобилсозлигининг ҳудудий жойлашувида сўнгги йилларда жадал ривожланиб бораётган глобаллашув жараёни ва ТМҚлар фаолиятини кучайиши катта таъсир этмоқда. “Дженерал моторс”, “Тойота”, “Форд мотор”, “Фольксваген”, “Даймлер-Крайслер” каби жаҳоннинг йирик ТМҚлари йиллик ишлаб чиқариладиган автомобилларнинг 80%га яқинини беради. Тармоқ ишлаб чиқарадиган маҳсулотларнинг 70% энгил автомобилларга, қолган қисми эса энгил ва оғир юк ташувчи машиналарга тўғри келади. Энгил автомобиллар ишлаб чиқариш бўйича АҚШ, Япония, ГФР, Хитой, Корея Республикаси каби давлатлар катта салмоққа эга. Энгил юк машиналари АҚШ, Хитой, Канада, Япония, Мексика, оғир юк машиналари Япония, Хитой, АҚШ, Ҳиндистон, ГФР каби давлатларда кўп ишлаб чиқарилади.

4. Авиаракета ва космик саноати – машинасозликнинг замонавий тармоқларидан бири бўлиб, фанталаблиги ва кўп маблағ талаб этиши билан

ажралиб туради. 20 давлатга қарашли 80 та фирма мазкур тармоқ таркибида фаолият олиб бориб, самолёт ва вертолётсозлик, ракеталар, учувчи космик аппаратлар ва уларга двигателлар ишлаб чиқариш, авиатсия асбоб-ускуналарини тайёрлаш йўналишларида маҳсулот ишлаб чиқаради. Кўп маблағ талаб этиши сабабли ушбу тармоқ асосан иқтисоди юқори даражада ривожланган давлатларда таркиб топган.

Авиаракета ва космик саноати корхоналари асосан илмий-тадқиқот муассасаларига эга бўлган йирик шаҳарлар ва агломератсиялар яқинида жойлаштирилади. Бундан ташқари, уларнинг худудий жойлашувида маҳсулотга бўлган талаб ҳамда ҳарбий-стратегик қарашлар ҳам эътиборга олинади. Тармоқ ичида фаолият олиб боровчи фирмалар сони ва улар ишлаб чиқарадиган маҳсулотлар ҳажмига кўра АҚШ этакчи ҳисобланади. ТМҚлар орасида “Боинг” (АҚШ), “ЕАДС” (Франтсия), “Локхид-Мартин” (АҚШ) кабилар олдинги ўринларда туради. Ишлаб чиқариладиган асосий маҳсулот турли кўринишдаги самолётлар бўлиб, сўнгги йилларда уларга бўлган талаб ортиб бормоқда. АҚШ, Россия, Франтсия каби давлатлар йўловчи ташувчи самолётлар ишлаб чиқаришда пешқадам бўлса, ҳарбий самолётлар ишлаб чиқаришда АҚШ ва Россияга тенглаша оладиган давлатлар йўқ.

5. Электроника ва электротехника – ишлаб чиқараётган маҳсулотлари таннарихига кўра автомобилсозлик билан тенглаша оладиган машинасозлик мажмуаси тармоғи. Алоҳида тармоқ сифатида XIX асрнинг охирлари ва XX аср бошларида шаклланган. Ўша даврда тармоқ энг илғор ва энг фанталаб саноат тармоғи сифатида эътироф этилган. Кейинчалик унинг таркибида ҳозирда деярли мустақил тармоққа айланиб бораётган электроника соҳаси ҳам юзага келди.

Электротехника саноати ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар хусусиятига кўра икки соҳага ажралади. **Биринчиси**, саноат тармоқлари учун мўлжалланган қимматбаҳо маҳсулотлар ишлаб чиқаради. Бунга электроэнергетика саноати учун генераторлар, кабеллар, трансформаторлар; металлургия саноати учун электросваркалар, металл эритиш учун электр печлар ишлаб чиқаришни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Ушбу соҳа кўп металл талаб этиши билан ажралиб туради (маҳсулот ишлаб чиқаришда кўп миқдорда рангли металллар ва пўлатдан фойдаланилади).

Иккинчиси, хўжалиқда кенг фойдаланиладиган арзон маиший истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Улар электролампа, аккумулятор, батарейка каби ёритиш учун ишлатиладиган маҳсулотлар, музлаткич, чангюткич, кир ювиш машиналари каби маиший хизмат буюмлари тайёрлаб беради. Биринчи соҳадан фарқли равишда кенг истеъмол бозорига эга бўлиб, маҳсулотлар ишлаб чиқаришда малакали мутахассислар талаб этилмайди.

Маиший электротехника буюмлари ишлаб чиқариш XIX асрнинг охирларида радионинг кашф этилиши билан бошланган бўлиб, радиоприёмниклар ишлаб чиқариш бўйича Хитой, Малайзия, Мексика, Япония, АҚШ, телевизорлар ишлаб чиқариш бўйича эса Япония, Малайзия, Корея Республикаси, АҚШ, Хитой каби давлатлар этакчилик қиладилар.

Электрон саноат таркибида ахборотни қайта ишловчи электрон воситалар ишлаб чиқариш (ЕХМ) ва алоқа воситалари ишлаб чиқариш соҳалари кенг ривожланган. АҚШ, Япония, Ғарбий эвропа давлатлари бу тармоқда асосий маҳсулот тайёрлаб берувчи давлатлар ҳисобланади.

Машинасозлик мажмуаси тармоқларида маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича ривожланаётган давлатлар ҳам ўз ўрнига эга бўлишига қарамай, умумий маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига кўра АҚШ, Япония, ҒФР каби ривожланган давлатлар олдинги ўринларда туради.

Ўзбекистонда машинасозлик мажмуаси корхоналари ХХ аср бошларида ташкил этилиб, асосан қишлоқ хўжалиги учун машиналар, эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарила бошланди. Иккинчи жаҳон уруши йилларидан кейин қишлоқ хўжалиги машинасозлиги билан бирга, тўқимачилик, кимё, қурилиш каби ишлаб чиқариш тармоқлари учун жиҳозлар ва асбоб-ускуналар ишлаб чиқариш соҳалари ҳам ривожланди.

Ҳозирда тармоқнинг 15 турига мансуб 100дан ортиқ йирик корхоналар фаолият олиб бормоқда. Юқорида номлари санаб ўтилган соҳалардан ташқари мустақиллик йилларида автомобилсозлик, радиоэлектроника каби соҳалар ҳам тез суъратлар билан ривожланиб бормоқда. Тошкент шаҳри ва вилояти, Андижон ҳамда Самарқанд вилоятлари ҳудудида республикамизнинг асосий машинасозлик марказлари жойлашган.

Мавзу бўйича саволлар.

1. Машинасозлик саноати тармоқларининг ривожланиши асосан ХИХ асрнинг охирлари ва ХХ аср бошларига тўғри келишига нималар сабаб бўлди?
2. Мактаб география курсларидан олган билимларингизга таянган ҳолда машинасозлик саноати минтақалари ва уларнинг ўзига хос хусусиятларини айтиб беринг.
3. Эски машинасозлик тармоқларига қайси соҳалар киради?
4. Республикамизда машинасозлик мажмуаси ривожланиши қандай омиллар таъсирига боғлиқ?

Кимё мажмуаси.

Таянч тушунчалар : Полимерлар кимёси, органик синтез, фармасевтика, кимёлаштириш, тоғ-кимё саноати, нафис кимё.

Кимё саноати – жаҳон иқтисодиётининг энг муҳим тармоқларидан бири ҳисобланади ва машинасозлик билан бир қаторда турувчи замонавий индустриянинг энг ҳаракатчан тармоқларидандир. Бугунги кунда халқ хўжалигининг барча йўналишларига кимё саноатининг таъсири кучлидир. Хўжаликни кимёлаштириш – замонавий илмий-техника тараққиётининг асосий йўналишларидан биридир. Жамият тараққиётига кучли таъсир кўрсатган кимё саноати маҳсулотларидан халқ хўжалигининг барча тармоқларида ва аҳоли кундалик ҳаётида кенг фойдаланилади. Кимё саноатида ишлаб чиқариладиган табиий материалларнинг ўрнини босувчи

янгича маҳсулотлар ишлаб чиқаришга улкан имкониятлар беради ва кўплаб янги турдаги маҳсулотлар яратилишига сабаб бўлади.

Кимё саноати таркиби қуйидагича шаклланади:

1. Тоғ-кимё саноати, бу тармоқ кимё саноати учун хом-ашё ҳисобланувчи апатит, фосфорит, олтингугурт, ош тузи, калий ва глаубер тузларини қазиб олишни ташкил қилади.
2. Асосий кимё саноати. Унинг таркибига:
 - а) кислоталар, тузлар ва ишқор ишлаб чиқариш;
 - б) минерал ўғитлар ишлаб чиқариш кабилар киради.
3. Органик синтез кимёси.
4. Полимерлар кимёси (сунъий толалар, пластмасса ва синтетик каучук ишлаб чиқариш).
5. Полимерларни қайта ишлаш (пластмасса буюмлар, резина ва резина буюмлар ишлаб чиқариш).
6. Нафис кимё. Унинг таркибига:
 - а) фармасевтика саноати
 - б) парфюмерия саноати кабилар киради.
7. Маиший кимё (ювиш воситалари, лак ва бўёқлар ишлаб чиқариш).

Замонавий жаҳон кимё саноатида икки хил тенденция аниқ ажралиб туради. Бу фанталаб, юқори технология маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг АҚШ, Япония ва Ғарбий Европа мамлакатларида, ишлаб чиқарилиши нисбатан мураккаб бўлмаган, кўп хом-ашё талаб қилувчи, экологик тоза бўлмаган маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг ривожланаётган ва собиқ иттифоқ мамлакатларида тўпланишидир.

Жаҳон кимё саноатида тўрт асосий минтақа ажралиб туради: АҚШ, Европа, Шарқий Осиё ва МДХ.

Асосий кимё саноатида ишлаб чиқариладиган маҳсулотларидан энг муҳим ўринни кислоталар, сода ва минерал ўғитлар ишлаб чиқариш эгаллайди.

Олтингугурт кислотасини ишлаб чиқариш, жойлашувнинг истеъмол омилига яққол эгадир. Жаҳон бўйича олтингугурт кислотасини ялпи ишлаб чиқариш 150 млн тонна бўлиб, энг кўп ишлаб чиқарувчилар:


1. АҚШ (40 млн т.);
2. Хитой (12 млн т.);
3. Россия (8,5 млн т.) ҳисобланади. Шунингдек, Япония, Украина, Франция, Германия, Канада, Испания ва Бразилия кабилар ишлаб чиқаришда етакчи ҳисобланадилар.

Калсийланган ва каустик сода тош туздан олинади, кўп материал талаб қилиши, йирик иқтисодий потенциалга эга бўлган мамлакатларда ишлаб чиқаришнинг концентрасиялашувига эҳтиёжи билан ажралиб туради.

Минерал ўғитлар ишлаб чиқариш дунё бўйича йилига 150 млн тоннани ташкил этади. Минерал ўғитлар ишлаб чиқаришда юксак ривожланган давлатлар билан бир қаторда катта қишлоқ хўжалик потенциалига эга бўлган бир қатор ривожланаётган давлатлар етакчилик қиладилар. Бундай давлатлар:

1. Хитой (30 млн дан ортиқ);

2. АҚШ (20 млн т. Атрофида);
3. Ҳиндистон (15 млн т атрофида). Улардан кейинги ўринда Канада, Россия, Германия, Белоруссия, Индонезия, Франция, Украина, Покистон ва Исроил каби давлатлар туради.



4-расм. Минерал ўғитлар ишлаб чиқарувчи асосий давлатлар

Фосфорли ўғитлар учун хом-ашё фосфорит ва апатитлар ҳисобланади. Фосфорит захиралари ва уни қазиб олишда Марокаш, АҚШ, Тунис, Қозоғистон, Хитой ва бошқалар, апатит бўйича Россия, Бразилия ва Вьетнам каби мамлакатлар ажралиб туради. Фосфоритлардан ўғит ишлаб чиқариш жойлашувнинг хом-ашё омилига эга бўлса, апатитлардан ўғит олиш истеъмол омилига суянади. Фосорли ўғитлар ишлаб чиқариш дунё бўйича йилига 35 млн тоннани ташкил этади, ишлаб чиқариш бўйича етакчи давлатлар куйидагилардир:

1. АҚШ (8 млн т.);
2. Хитой (8 млн тонна атрофида);
3. Ҳиндистон (4 млн тонна атрофида).

2-жадвал

**Минерал ўғит ишлаб чиқарувчи мамлакатлар
(XXI асрнинг биринчи ўн йиллиги)**

Фосфорли ўғитлар ишлаб чиқариш			Азотли ўғитлар ишлаб чиқариш			Калийли ўғитлар ишлаб чиқариш		
Т/р	мамлакатлар	Ишлаб чиқариш (млн т)	Т/р	мамлакатлар	Ишлаб чиқариш (млн т)	Т/р	мамлакатлар	Ишлаб чиқариш (млн т)
1	АҚШ	8,0	1	Хитой	23,6	1	Канада	10,2
2	Хитой	7,9	2	Ҳиндистон	10,6	2	Россия	5,3
3	Ҳиндистон	3,9	3	АҚШ	9,4	3	Белоруссия	4,0
4	Россия	2,5	4	Россия	6,0	4	Герман	3,7

							ия	
5	Бразилия	1,5	5	Канада	3,8	5	Исроил	2,1
6	Марокко	1,2	6	Индонезия	2,9	6	Иордания	1,2
7	Тунис	1,0	7	Украина	2,3	7	АҚШ	1,2
8	Австралия	0,7	8	Покистон	2,2	8	Хитой	0,7
9	Полша	0,4	9	Миср	1,5	9	Буюк Британия	0,6
10	Испания	0,4	10	Саудия Арабистони	1,3	10	Испания	0,5

Азотли ўғит ишлаб чиқариш одатда хом-ашёси кокс газларидан олинадиган аммиак бўлганлиги учун металлургия марказлари ёки асосий нефт ва газ конлари атрофига тўпланади, бинобарин бу тармоқ жойлашувнинг истеъмол омилига эгадир. Азотли ўғитлар ишлаб чиқариш дунё бўйича йилига 90 млн тоннани ташкил эгани ҳолда бу соҳада етакчи давлатлар:

1. Хитой (20 млн тоннадан ортиқ);
2. Ҳиндистон (10 млн тоннадан ортиқ);
3. АҚШ (10 млн тонна атрофида).

Калий ўғити ишлаб чиқариш калий тузининг йирик захиралари мавжуд бўлган мамлакатларда шаклланади. Дунё бўйича йилига 30 млн тонна калий ўғити ишлаб чиқарилади. Калий ўғити ишлаб чиқаришда:

1. Канада (10 млн тонна);
2. Россия (5 млн тоннадан ортиқ);
3. Белоруссия (4 млн тонна) каби давлатлар алоҳида жаралиб туради.

Таъкидлаш керакки, замонавий кимё саноатида органик синтез ва полимерлар кимёси ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Бу тармоқлар кўп сув ва энергия талаб қилади, шунинг учун ҳам бундай тармоқлар юксак ривожланган давлатларда яхши шаклланган.

3- жадвалдан кўришиб турибдики, полимерлар кимёси саноати юксак ривожланган давлатларда, шунингдек Ҳиндистон, Таиланд, Бразилия каби ресурсларга бой мамлакатларда яхши шаклланган. Маҳсулотларнинг ишлаб чиқарилиши бўйича АҚШ ва Япония, шунингдек Германия, Тайван ва Россия етакчилик қилади, Европанинг Белгия ва Нидерландия каби кичик ҳудудли мамлакатлари ҳам кимё саноатининг бундай энергияталаб тармоқларини ривожлантиришга эътибор қаратганлар. Сўнгги йилларда рўй берган молиявий ва иқтисодий кризис Европа давлатларига анча таъсир кўрсатиб ишлаб чиқариш ҳажмини камайтирган бўлса, аксинча Хитой, Ҳиндистон ва бошқа Осиё давлатларида кимё саноатини кенгайтириш имкониятларини бермоқда, хусусан Хитой энергия манбалари бўлган қўшни Россия ва МДҲ давлатлари билан қўшни муносабатларидан эндиликда Африка, Жанубий-ғарбий Осиё минтақаларига сармоялар киритмоқда. Бу ўз навбатида

Хитойдаги кимё саноатининг дунё миқёсидаги таъсири ҳам кучайиб бораётгани ҳақида хулосага олиб келади.

3-жадвал

Полимерлар ишлаб чиқарувчи асосий давлатлар. (XXI асрнинг биринчи ўн йиллиги).

Синтетик мум ва пластмасса ишлаб чиқариш			Кимёвий тола ишлаб чиқариш			Синтетик каучук ишлаб чиқариш		
Т /р	мамлака т лар	Ишла б чиқар иш (млн т)	Т /р	мамлак ат лар	Ишла б чиқар иш (млн т)	Т /р	мамла кат лар	Ишла б чиқар иш (млн т)
1	АҚШ	31,0	1	Хитой	15,0	1	АҚШ	2,5
2	Япония	14,8	2	АҚШ	4,2	2	Япония	1,5
3	Германия	11,2	3	Тайван	3,3	3	Россия	0,8
4	Корея Р.	8,4	4	Корея Р.	2,3	4	Франси я	0,6
5	Тайван	8,3	5	Ҳиндис тон	2,2	5	Герман ия	0,6
6	Хитой	6,2	6	Япония	1,2	6	Хитой	0,5
7	Франсия	6,0	7	Индоне зия	1,2	7	Корея Р.	0,5
8	Нидерлан дия	4,5	8	Герман ия	1,1	8	Тайван	0,4
9	Буюк Британия	3,6	9	Туркия	1,1	9	Буюк Британ ия	0,3
10	Белгия	3,5	10	Таилан д	0,9	10	Бразил ия	0,3
	Қолган давлатлар	32,5		Қолган давлатл ар	8,6		Қолган давлатл ар	1,8
	Дунё бўйича	130,0		Дунё бўйича	41,1		Дунё бўйича	9,8

Ривожланган давлатлар кимё саноатининг баъзи маҳсулотларини ишлаб чиқариш жараёни экологик хавфли бўлганлиги сабабли бундай маҳсулотларни ривожланаётган в қолоқ мамлакатлар ҳудудида шакллантирганлар. Натижада йирик нефт-кимё комплекслари Африка, Форс кўрфази давлатларида, Венесуела, мексика ва Багам ороллари каби давлатларда бунёд қилинган.

Нафис кимё тармоғи дунё кимё саноати маҳсулотларининг 25% ини ишлаб чиқаради ва бу тармоқнинг аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Бу тармоқ маҳсулотларининг салмоғи кам бўлсада, ниҳоятда фанталабдир. Қиёслаб қараганда нафис кимё саноатида ишлаб чиқарилган 1 тонна маҳсулотнинг нархи бошқа кимёвий маҳсулотларникидан анча баланд бўлади.

75% дан ортиқ медициналар ва парфюмерия маҳсулотлари юксак ривожланган мамлакатларда ишлаб чиқарилади, 20% ривожланаётган давлатлар ҳиссасига, 5% дан камроғи МДХ мамлакатлари ҳиссасига тўғри келади. XX аср охирида нафис кимё асосан АҚШ, Европа ва Осиёнинг ривожланган давлатларидан ташкил топган учта минтақада шаклланган эди.

Дори воситаларини ишлаб чиқаришнинг энг катта ҳажми АҚШга тўғри келади, баъзи йилларда бу ишлаб чиқариш ҳажми дунёдаги барча дориларнинг ¼ дан 1/3 қисмигача тўғри келган. Фармасевтика саноатининг ривожланиши бўйича Европа давлатлари ичида Германия (дунёдаги ишлаб чиқаришнинг 1/12 қисми), Швейцария, Франция, Польша, Венгрия, Осиё давлатлари ичида Япония (дунёдаги ишлаб чиқаришнинг 1/6 қисми), Хитой ва Ҳиндистон ажралиб туради. Япония шунингдек, аҳоли жон бошига дори истеъмоли бўйича энг юқори кўрсаткичга эга эканлиги билан ажралиб туради, бундай ҳолат дори воситалари импортининг экспортдан кўра 3 барабар ортиқлигига сабаб бўлган. Жаҳон бозорини дори воситалари билан асосий таъминловчилар АҚШ ва Европа давлатлари бўлса, асосий харидорлар Япония, Россия (талабнинг 2/3 қисми) ва ривожланаётган давлатлар ҳисобланади.

Парфюмерия маҳсулотларининг энг йирик ишлаб чиқарувчилари Европа (айниқса Германия ва Франция), АҚШ, Япония ва Россия давлатларидир.

Мавзу бўйича саволлар.

1. Айтингчи, хўжаликни кимёлаштириш – замонавий илмий-техника тараққиётининг асосий йўналишларини юзага келишига қай хусусиятлари билан таъсир кўрсатди?

2. Минерал оғитлар ишлаб чиқариш қайси минтақа мамлакатларига тоғри келишини тушунтира оласизми?

3. Нафис кимё, маиший кимё саноати маҳсулотларини хожаликдаги аҳамияти ҳақида мисоллар билан тушинтиринг?

Ўрмон ва қурилиш материаллари ишлаб чиқариш мажмуаси.

Таянч тушунчалар: Ўрмон саноати, мебелсозлик, қоғоз-селлюлоза, ўрмон кимёси.

Ўрмон саноати – хўжаликнинг энг қадимги тармоқларидан биридир. Унинг таркибига ёғоч хом-ашёсидан ёки уни қайта ишлаш чиқиндиларидан фойдаланадиган тармоқлар киради. Лекин улар технология ва ишлаб чиқарувчи маҳсулотлари билан бир-биридан фарқ қилади. Ўрмон саноатининг асосий турларига ўрмон кесиш, ёғоч тайёрлаш, ёғочга ишлов бериш, мебелсозлик, қоғоз-селлюлоза ва ўрмон кимёси киради.

Ўрмон саноатининг географияси ўрмон ресурсларининг жойлашуви билан белгиланади. Ер юзиде асосан Шимолий ва Жанубий ўрмон минтақалари мавжуд.

Шимолий ўрмон минтақаси тайга, аралаш ва кенг баргли ўрмон зоналаридан ташкил топади, бу зоналар Россия, Канада, АҚШ, Финляндия,

Шветсия ва Норвегия худудларида жойлашган. Шимолий минтақа ўрмонлари асосан игнабаргли (сосна, қорақарағай, лиственнитса, кедр, пихта) ва баргли (қайин, осина, эман, граб, тоғтерак) каби дарахтлардан ҳосил бўлган.

Жанубий ўрмон минтақаси экваторёни кенгликларида жойлашган, нам экваториал, мавсумий нам ва муссон ўрмонлари зоналаридан иборат, бу зоналарда планетамиздаги ўрмонларнинг ярми тўпланган. Шимолий минтақадан фарқли равишда бу ўрмонларда алоҳида қимматга эга навли баргли дарахтлар (қизил, пушти, темир, сандал) ўсади. Жанубий минтақа бутун Амазония худуди (Бразилия, Колумбия, Венесуела, Перу ва б.), Гвинея қўлтиғи қирғоқлари ва экваториал Африка (Конго Демократик Республикаси, Камерун, Заир, Гвинея, Либерия, экваториал Гвинея ва б.), Жануби-Шарқий Осиё (Индонезия, Малайзия, Таиланд, Мянма, Лаос, Ветнам), Папуа-Янги Гвинея ва Шимоли-Шарқий Австралия худудларини эгаллайди.

Ўрмон ресурслари географиясида ўзига хос ўринни Хитой эгаллаган, бу мамлакат иккала минтақага ҳам киради.

Ёғоч тайёрлаш бўйича дунёдаги энг йирик давлатларга:

1. АҚШ (500 млн м³ дан ортик);
2. Хитой (315 млн м³);
3. Ҳиндистон (310 млн м³ атрофида) кабилар киради.


Улардан кейинг ўринларда Бразилия, Индонезия, Канада, Нигерия, Россия, Шветсия ва Финляндия туради.

Ёғоч тайёрлаш ишларининг улкан кўлами жанубий минтақа ўрмонларига катта хавф туғдирмоқда. Ўрмонлар катта тезликда йўқолиб бормоқда ва жиддий экологик оқибатларни келтириб чиқармоқда. Амазония анчадан бери “планета ўпкаси” вазифасини бажара олмай қолган. Айни вақтда шимолий минтақа ўрмонларининг доимий кесилишига қарамай, уларнинг майдони қисқармаяпти, бу ривожланган давлатларда самарали олиб борилаётган ўрмонларни қайта тиклаш ишларининг натижасидир. Бундай ишлар АҚШ, Канада ва Скандинавия давлатларида жуда яхши йўлга қўйилган.

Ишлов берилмаган ёғоч экспортчилари Россия, Канада ва жанубий ўрмон минтақаси мамлакатлари, асосий харидорлар эса Япония, Ғарбий Европа ва АҚШдир.

Кесилган дарахтларнинг ярмидан кўпроғи қайта ишланади, деярли ярми эса ўтин сифатида ишлатилади (8-расм).

Ривожланаётган давлатларда ёғоч тайёрлаш жадал ўсиб боргани ҳолда қайта ишловчи саноат кўпроқ ривожланган давлатлар ҳиссасига тўғри келади. Бу ёғочни қайта ишлаш, айниқса мебел ишлаб чиқариш истеъмолчига яқин бўлиши, қоғоз-целлюлоза ишлаб чиқариш эса маатриал ва энергияни кўп талаб қилиши билан тушунтирилади. Шуни таъкилаш керакки қоғоз-келлюлоза ишлаб чиқариш атроф-муҳитни кучли ифлослантиради.



5-расм. Ўрмон саноати хом-ашёсидан хўжалик мақсадида фойдаланиш.

Қайта ишланган ёғоч материаллари бўйича:

1. АҚШ (115 млн м³ дан ортиқ);
2. Канада (64 млн м³ дан ортиқ);
3. Хитой (30 млн м³ атрофида) мамлакатлари етакчилик қилади.

Шунингдек Япония, Россия, Бразилия, Ҳиндистон, Шветсия, Германия ва Финляндия ажратиб кўрсатилади.

Қоғоз ва картон ишлаб чиқаришда:

1. АҚШ (80 млн. т. дан ортиқ);
2. Хитой (50 млн. т. дан ортиқ);
3. Япония (30 млн. т. атрофида) етакчилик қилади. Қоғоз-селлюлоза ишлаб чиқариш ривожланган давлатлар ичида Германия, Финляндия, Шветсия, Корея Р., Франция ва Италия каби давлатлар алоҳида ўрнга эга. Европадаги ривожланган давлатларнинг алоҳида хусусияти шундаки, ишлаб чиқаришдаги ялпи миқдорда иккиламчи хом-ашёнинг ўрни катта, бундай ишлаб чиқариш ушбу мамлакатларнинг ўрмон ресурсларини муҳофаза қилиш ва табиий муҳитни соғломлаштиришга хизмат қилади.

Дунёда ўрмон ресурслари захиралари бўйича иккала минтақа деярли тенг. Осиё минтақаси ўрмонлар майдони бўйича, Жанубий Америка улуши бўйича ажралиб туради. Шимолий минтақа мамлакатлари ичида ўрмон захиралари билан Россия, Канада, АҚШ, Норвегия, Шветсия ва Финляндия, Жанубий минтақада Бразилия, Колумбия, Перу, Венесуела, Ғарбий, экваториал ва Жануби-Шарқий Африка мамлакатлари яхши таъминланган.

Ўрмон ресурсларининг аҳоли жон бошига тўғри келиши бўйича Гвиана (бир кишига 114 га.) юқори даражага эга.

4-жадвал

Ўрмон саноати маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи етакчи давлатлар.

Т/р	мамлакат	Ёғоч тайёрлаш (млн м ³)	Т/р	мамлакат	Ёғоч-тахта махсулотлари ишлаб чиқариш (млн м ³)	Т/р	мамлакат	Қоғоз ва картон ишлаб чиқариш (минг т)
1	АҚШ	503	1	АҚШ	116	1	АҚШ	83,6
2	Хитой	315	2	Канада	64	2	Хитой	53,5
3	Ҳиндистон	309	3	Хитой	28	3	Япония	29,2
4	Бразилия	220	4	Япония	24	4	Канада	20,6
5	Индонезия	205	5	Россия	20	5	Германия	20,4
6	Канада	200	6	Бразилия	19	6	Финляндия	14,0
7	Нигерия	117	7	Ҳиндистон	17	7	Шветсия	11,6
8	Россия	85	8	Шветсия	15	8	Корея Р.	10,5
9	Шветсия	60	9	Германия	15	9	Франсия	10,2
10	Финляндия	50	10	Финляндия	10	10	Италия	9,7
Қолган давлатлар		1286	Қолган давлатлар		172	Қолган давлатлар		91,7
Бутун дунё		3350	Бутун дунё		500	Бутун дунё		355,0

Мавзу бўйича саволлар.

1. Ўрмон саноати ривожланишининг ўзига хос хусусиятларини айтиб бера оласизми?
2. Ўрмон билан таъминланганлик даражаси ҳақида нималарни биласиз ?
3. Қурилиш материаллари саноати ривожланишининг минтақавий тафовутларига баҳо беринг.
4. Ўзбекистонда қурилиш материаллари саноати ривожланишида қандай омиллар аҳамиятли ҳисобланади?

Енгил саноат мажмуаси.

Таянч тушунчалар: Тўқимачилик, тикувчилик, кўн-поябзал, трикотаж, мўйначилик.

Енгил саноат – Ғарбий Европада ХВИИ асрдаёқ хўжалик тармоғи сифатида шаклланган. XIX асрнинг иккинчи ярмигача дунёдаги асосий саноат тармоғи бўлиб келди.

Енгил саноат тармоғи таркибига:

1. Тўқимачилик;
2. Тикувчилик;
3. Кўн-поябзал;
4. Трикотаж;
5. Мўйначилик каби йўналишлар киради.

Тўқимачилик саноати. Тўқимачилик саноати кўп меҳнат талаб қилувчи тармоқдир, айна вақтда унда ривожланаётган мамлакатлар улуши ортиб бормоқда.

Жаҳон тўқимачилигида бешта минтақа шаклланган: Шарқий Осиё, Жанубий Осиё, МДХ, Европа ва АҚШ.

Мато турларининг барчасини ишлаб чиқариш бўйича биринчи учлик қуйидагича:

1. Хитой (35 млрд м³);
2. Ҳиндистон (20 млрд м³);
3. АҚШ (10 млрд м³)

Кейинги ўринларда Корея Республикаси, Тайван, Япония, Россия, Германия, Италия, Франция, ва Бразилия туради. Ривожланган мамлакатларда барча турдаги матолар ишлаб чиқарилади, ривожланаётган мамлакатлар тўқимачилигининг 90% и пахта толасига ихтисослашган.

Мато турлари бўйича жаҳон хўжалигида ихтисослашув қуйидагича тақсимланган:

Пахтадан матоси - Хитой, Ҳиндистон ва Индонезия;

Жун мато – Хитой, Италия, Япония;

Ипак мато – Хитой, Япония ва Ҳиндистон;

Кимёвий толадан мато тўқиш – АҚШ, Ҳиндистон ва Япония давлатлари етакчилик қилади.

5-жадвал

XXI аср бошида пахта ва жун матолар ишлаб чиқарувчи мамлакатлар ўнлиги.

Т/р	мамлакат	Пахта матосини ишлаб чиқариш (млрд м ³)	Т/р	мамлакат	Жун мато ишлаб чиқариш (млн м ³)
1	Хитой	33,1	1	Хитой	741
2	Ҳиндистон	19,4	2	Италия	430
3	Индонезия	4,3	3	Япония	230
4	АҚШ	3,1	4	Ҳиндистон	157
5	Бразилия	2,0	5	Франсия	96
6	Россия	2,0	6	Туркия	94
7	Италия	1,3	7	Испания	82
8	Япония	0,8	8	Белгия	63

9	Тайван	0,8	9	Россия	57
10	Испания	0,7	10	Германия	56
Қолган давлатлар		8,5	Қолган давлатлар		154,0
Бутун дунё		76,0	Бутун дунё		2160,0

Гидам тўқиш тўқимачилик тармоғининг алоҳида йўналишидир. Ривожланган мамлакатлардан гидам тўқиш бўйича АҚШ, Белгия ва Буюк Британия, ривожланаётган мамлакатлардан Ҳиндистон етакчилик қилади.

Тўқимачилик саноатининг асосий раёнлари Марказий Россия, Шимолий Рейн-Вестфалия ва Саксония (Германия), Марказий Англия (Буюк Британия), Париж, элзас, Лион (Франсия), Фландрия (Белгия), Янги Англия (АҚШ), Шимолий Италия, Нагоя, Киото, Осака (Япония), Шимолий Хитой ва Шанхай (Хитой), Калкутта, Бомбей ва Ахмадод (Ҳиндистон), Қуйи Миср, Сан-Паулу (Бразилия) каби ҳудудларда жойлашган.

Тўқимачилик саноати маҳсулотларининг асосий экспортчилари Хитой, АҚШ, Ҳиндистон, Покистон, Корея Республикаси, Тайван, Миср, Франсия, Германия, Япония давлатларидир.

Тикувчилик саноати. Тикувчилик саноатида ўзига хос “мода эгалари” шаклланган бўлиб, улар Париж, Лондон, Берлин ва Нью-Ёрк шаҳарларидир. Лекин тикувчилик соҳаси секин-аста ривожланаётган мамлакатларига кўчиб ўтмоқда, бунда арзон ишчи кучидан фойдаланиш имконияти мавжуд. Ҳозирги кунда ривожланаётган мамлакатлар улушига жаҳон тикувчилик саноати маҳсулотларининг 50% и тўғри келади.

Трикотаж саноати. Трикотаж ишлаб чиқариш, ривожланган мамлакатларда яхши шаклланган. Айниқса Италия, Франсия ва АҚШ ажралиб туради. Айни вақтда Хитой ва янги саноатлашган мамлакатлар Корея Республикаси, Тайван, Таиланд ва Сингапурда жадал ривожланмоқда.

Мўйна саноати. Мўйна ишлаб чиқариш анъанавий тарзда Канада, АҚШ, Шветсия, Норвегия, Финляндия, Россия ва Монголияда ривожланган.

Кўн-поябзал ишлаб чиқариш. Ҳозирги кунда ишлаб чиқарилаётган поябзалнинг ярми ривожланаётган мамлакатларга тегишли.

Жаҳонда поябзал ишлаб чиқарувчи етакчи мамлакатлар:

1. Хитой (400 млн жуфт атрофида);
2. Италия (300 млн жуфтдан ортиқ);
3. Ҳиндистон (200 млн жуфт атрофида) кабилардир.

Улардан кейинги ўринларда Испания, Корея Республикаси, Тайван, АҚШ, Франсия, Португалия, Буюк Британия каби мамлакатлар туради.

Мавзу бўйича саволлар.

1. Енгил саноат бошқа саноат тармоқларидан қандай хусусиётларига кўра фарқ қилади?

2. Енгил саноат ривожланишида қандай омиллар аҳамиятли ҳисобланади?

3. Енгил саноат ривожланишининг минтақавий тафовутларига баҳо беринг.

4. Ўзбекистонда енгил саноатнинг қандай тармоқлари ривожланган?


Озиқ овқат саноати мажмуаси.

Таянч тушунчалар: Озиқ – овқат саноати, гўшт саноати, сут саноати, қанд саноати, виночилик, гекалитр.

Озиқ – овқат саноати қишлоқ хўжалии билан бевосита боғланган ва агросаноат комплексининг ажраламас қисмидир. Озиқ – овқат маҳсулотларининг ишлаб чиқарилиши инсониятнинг озиқ-овқат муаммосига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади.

Озиқ-овқат саноати барча мамлакатлар хўжалигида мавжуд, лекин нафақат ривожланиш даражаси, балки халқаро ихтисослашуви бўйича ҳам фарқ қилади (9-расм). Шубҳасиз, ривожланган давлатларда бу тармоқ юксак даражада шакллантирилган.

Озиқ-овқат саноати ўзининг ранг-баранг йўналишларига эга, бинобарин энг муҳим ва зарур бўлган йўналишларини таърифлаш мақсадга мувофиқдир.



6-расм. Озиқ-овқат саноатининг тармоқ таркиби.

Гўшт саноати. Гўшт етиштириш ва гўшт маҳсулотларини ишлаб чиқариш авваламбор Европанинг ривожланган мамлакатлари (айниқса Франция, Германия, Италия, Испания, Нидерландия, Дания ва Белгия), Шимолий Америка, Австралия ва Янги Зеландия, шунингдек баъзи ривожланаётган мамлакатлар – хитой, Бразилия, Аргентина, Уругвай кабиларнинг халқаро ихтисослиги ҳисобланади. Жаҳон бозорида гўшт маҳсулотларини экспорт қилишда етакчи давлатлар Ғарбий Европа мамлакатлари (жаҳон экспортининг 50% га яқини), АҚШ, Бразилия, Австралия кабилар бўлса, энг кўп импорт қилувчилар Ғарбий Европа мамлакатлари, Россия ва Япония ҳисобланади.

Сут саноати. Сут етиштириш ва сут маҳсулотларининг ишлаб чиқариш Европа, АҚШ, Россия, Белоруссия, Украина, Австралия ва Янги Зеландия мамлакатларида яхши ривожланган. Сут маҳсулотлари ичида франсуз ва фин сариеғи, Финляндия ва эстония қаймоғи, Франция, Германия, Нидерландия, Швейтсария, Литва пишлоқлари ва Франция, Германияда ишлаб чиқариладиган ёгуртлар жуда машҳурдир.

Ҳайвон ёғини йетиштириш XX аср охирида 6 млн тоннага йетди. Бу маҳсулотни энг кўп ишлаб чиқарувчи мамлакатлар ичида:

1. Ҳиндистон (1,3 млн тонна атрофида);
2. АҚШ (550 минг тонна атрофида);
3. Германия (500 минг тонна атрофида) етакчилик қилади. Сариеғ ишлаб чиқаришда кейинги ўринларда Франция, Покистон, Янги Зеландия, Россия, Полша, Австралия, Украина туради.

Жаҳон бозорига сут маҳсулотларини етказиб берувчи асосий мамлакатлар Европа (айниқса Шимолий ва Марказий), Австралия, Янги Зеландия, асосий импорт қилувчи мамлакатлар МДХ давлатлари ва Хитойдир.

Қанд саноати. Дунёда йилига 130 млн тоннадан кўп қанд хом-ашёси ишлаб чиқарилади, унинг 80% и шакарқамиш, 20% дан кўпроғи қанд лавлагидан олинади. Дунё бўйича иккита қанд етиштирувчи регион ажратилади – булар, дунёда етиштириладиган қанднинг $\frac{3}{4}$ қисмини берувчи Осиё ва $\frac{1}{4}$ қисмини етиштирувчи Лотин Америкаси ҳисобланади. Ривожланган давлатларда шакарқамиш ва қандлавлагидан олинadиган қанднинг улуши тенг бўлса, ривожланаётган давлатларда 95% қанд шакарқамишдан олинади.

6-жадвал

XXI аср бошида қанд ишлаб чиқарувчи, экспорт ва импорт қилувчи асосий давлатлар.

Асосий қанд етиштирувчилар			Асосий экспорт қилувчилар			Асосий импорт қилувчилар		
Т/р	мамлакатлар	етиштириш (млн т.)	Т/р	мамлакатлар	Экспорт (млн т.)	Т/р	мамлакатлар	Импорт (млн т.)
1	Бразилия	21	1	Бразилия	4,9	1	АҚШ	2,9

2	Ҳиндистон	17	2	Австралия	4,5	2	Россия	2,6
3	Хитой	8	3	Куба	2,6	3	Япония	1,9
4	АҚШ	7,5	4	Таиланд	1,5	4	Корея Р.	1,4
5	Австралия	6	5	Гватемала	1,3	5	Буюк Британия	1,3
6	Таиланд	5,5	6	ЖАР	0,9	6	Малайзия	1,2
7	Франсия	5	7	Колумбия	0,7	7	Миср	1,1
8	Мексика	4,8	8	Маврикий	0,6	8	Канада	1
9	Германия	4,5	9	Мексика	0,3	9	Хитой	0,9
10	Покистон	4	10	Доминикан Республикаси	0,3	10	Ҳиндистон	0,6

Тозаланмаган қанд йетиштирувчи энг йирик давлатлар Бразилия, Ҳиндистон, Хитой, АҚШ, Австралия, Таиланд, Франсия, Мексика, Германия, Покистон ва Куба ҳисобланади. Энг кўп экспорт қилувчи давлатлар Бразилия, Австралия, Куба, Таиланд, Гватемала ва Ғарбий Европа мамлакатлари (айниқса Франсия, Германия, Белгия) кабилардир.

Виночилик. Узум йетиштириш ва узумдан олинган вино ишлаб чиқариш мўтадил минтақанинг жанубий кенгликларида ва субтропик иқлим минтақасида жойлашган мамлакатларда шаклланган. Анъанавий виночилик Ўрта Ер денгизи, Қора денгиз ва Каспий денгизи ҳавзасидаги мамлакатларда ривожланган. Узум виносини ишлаб чиқариш АҚШ, Лотин Америкаси мамлакатлари (айниқса Аргентина ва Чилида), ЖАР ва Австралияда жадал ривожланмоқда.

Жаҳонда йилига 260 млн гектарга яқин узум виноси ишлаб чиқарилади. Виночиликда Европа минтақаси етакчилик қилади, дунёда ишлаб чиқариладиган узум виносининг $\frac{2}{3}$ қисми ушбу минтақага тўғри келади. Энг кўп вино ишлаб чиқарувчи мамлакатлар:

1. Италия (57 млн гектарга яқин);
2. Франсия (50 млн гектардан ортиқ);
3. Испания (30 млн гектар арофида).

Бу мамлакатларда дунёда етиштириладиган винонинг 55% и тўғри келади. Шунингдек, узум виносини энг кўп ишлаб чиқарувчи давлатлар ўнлигига АҚШ, Аргентина, Германия, ЖАР, Австралия, Руминия ва Чили киради.

Мавзу бўйича саволлар.

1. Озиқ-овқат саноати корхоналарининг ҳудудий жойлашуви қандай омилларга боғлиқ?
2. Ун тортиш тармоғининг минтақавий ривожланиш хусусиятларини кўрсатиб беринг.
3. Озиқ-овқат саноати ривожланишида қайси тармоқлар билан боғлиқ?
4. Ўзбекистонда озиқ-овқат саноатининг бошқа тармоқлар орасида тутган ўрнига тавсиф беринг.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш асослари.

Таянч тушунчалар: Қишлоқ хўжалиги, монокултура, экспорт, импорт, агробизнес, ўрмончилик, балиқчилик.

Қишлоқ хўжалиги – моддий ишлаб чиқаришнинг иккинчи ўриндаги етакчи тармоғидир.

Қишлоқ хўжалиги нафақат энг қадимги, балки энг кенг тарқалган моддий ишлаб чиқариш тармоғидир. Дунёда қишлоқ хўжалиги ва унга ёндош тармоқлар – ўрмончилик, ов ва балиқчилик билан шуғулланмайдиган биронта давлат йўқ. Бутун дунёда 2,5 млрд дан ортиқ киши бу тармоқларда фаолият кўрсатади.

Қишлоқ хўжалигининг кенг тарқалганлиги унинг кўп тармоқлилиги билан мувофиқ келади: олимлар 50 дан ортиқ типини ажратадилар. Лекин уларнинг барчасини икки катта гуруҳга бирлаштириш мумкин. Биринчидан, хом-ашё етиштирувчи қишлоқ хўжалиги бўлиб, у ўз навбатида алмашлаб экиш типигаги интенсив деҳқончилик, ем – хашак тайёрлаш билан бирга интенсив чорвачилик, боғдорчилик ва полизчилик, шу билан бирга шудгор қилинадиган ва бўз ерларни ўзлаштириш типигаги экстенсив деҳқончилик ва яйлов чорвачилигига бўлинади. Иккинчидан, анъанавий истеъмолчилик қишлоқ хўжалиги бўлиб, у ўз ичига ерга омоч ва кетмон билан ишлов берувчи деҳқончилик, яйлов, кўчманчи ва ярим кўчманчи чорвачилик, шунингдек териб-термачлаш, ов ва балиқчиликка бўлинади.

Иқтисодий ривожланган давлатлар, айниқса постиндустриал босқичга ўтган минтақаларда юқори даражада хом-ашё етиштириш шаклланган. Илмий-техника инқилоби даврида бу тармоқ механизациялаштириш ва химиялаштиришнинг етиш мумкин бўлган энг юқори даражасига эришди ва эндиликда унинг ривожланишида микроэлектроника, автоматлаштириш (бройлер жўжаларини етиштириш), селекция, генетика, биотехнологиянинг энг сўнгги ютуқларини жорий этиш асосий ўрин тутди. Бундай мамлакатлар гуруҳида агроишлаб чиқариш мажмуалари агробизнес шаклига ўтди, бу шаклда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш унга қайта ишлов бериш, сақлаш, ташиш ва сотиш, шунингдек техника, минерал ўғитлар ва ҳоказоларни ишлаб чиқаришни ўз ичига олади. Бунда қишлоқ хўжалиги индустриал характерга эга бўлади.

Ривожланаётган давлатларда қишлоқ хўжалиги хом-ашё етиштириш билан бирга истеъмолчилик кўринишига эга.

Хом-ашё етиштириш хўжалиги бу – йирик, яхши ташкил этилган плантасиялар ва фермалардан иборат бўлиб, энг яхши ерларни эгаллайди, ёлланма ишчи кучи, машиналар, ўғитлар, сунъий суғоришдан кенг фойдаланади. Улардаги ишлаб чиқариш ички ва ташқи бозорга мўлжалланган бўлиб, ўзига хос равишда давлат ичидаги давлат кўринишини намоён қилади. Лекин бундай плантасиялар алоҳида у ёки бу экин турларини етиштиришга қулай шароит мавжуд ҳудудларда ташкил топади.

Ривожланган давлатларда анъанавий истеъмолчилик типигаги қишлоқ хўжалиги, кўпроқ деҳқончилик йўналишида кенг тарқалган бўлиб, АҚШ ва

Европадан фарқли равишда, чорвачилик билан биргаликда бўлишдан ташқари ундан алоҳида ҳам шаклланган. Бу тармоқ юз миллионлаб майда ва жуда майда хўжаликлардан ташкил топади ва кам ҳосилли ерларда ўз оиласини боқишга етадиган экинларни етиштиради. Меҳнат куроллари эса ёғоч ва темир учли омовлар, мотига (кетмон)дан иборат. Ер юзининг жанубий қисмида кишлок хўжалиги анчагина қоқдир.

Жаҳон трактор парки 26-27 млн машинадан ташкил топади, лекин ривожланган давлатларга уларнинг 5-6 млн донаси тегишлидир. Биргина АҚШнинг ўзида барча ривожланган давлатлардагидан ҳам кўпроқ тракторлар бор. Кўпчилик ривожланган давлатларда 1 га ҳайдаладиган ерга 60-80 кг минерал ўғит солинади. Саҳрои Кабирнинг жанубида эса 10 кг.ни ташкил этади. Уларда донли экинларнинг ўртача ҳосилдорлиги 15-20 с/га.ни ташкил этади, шу ўринда таъкидлаб айтиш мумкинки, иқтисодий ривожланган давлатларда 35-50 с/га. ва ундан кўпроққа этади.

Ривожланаётган давлатларга кўпинча деҳқончиликнинг монокултуравий шакли хосдир. Экспорт аҳамиятига эга бўлган бир турдаги экинлар муайян мамлакатнинг асосий экини бўлиб қолади. Масалан Кубада шакарқамиш ва тамаки, Колумбияда кофе ва банан, эквадорда банан, Шри-Ланкада чой, эфиопияда кофе, Кот-д'Ивуарда какао, Суданда пахта ана шундай экинлардан ҳисобланади. Ривожланаётган давлатларда кишлок хўжалигини ривожлантириш XX аср ўрталарида рўй берган, “яшил инқилоб” номисни олган ҳодисага кўп жиҳатдан боғлиқдир.

“Яшил инқилоб” – бу кишлок хўжалигини замонавий агротехника асосида қайта шакллантиришдир. У ИТР шакллариининг бирини намоён қилади. “Яшил инқилоб” уч таркибий қисмга эга. Булар – донли экинларнинг ҳосилдорлигини ошириш билан бирга 4 марталаб қайта экиш имконини берадиган тезпишар янги навларининг яратилиши, янги навлар сунъий суғориб етиштирилганда ўзларининг яхши жиҳатларини намоён қилиши натижасида ирригасиянинг кенгайтирилиши ва ниҳоят, замонавий техника, ўғитлар ва химикатларнинг кенг қўлланилиши кабилардан иборат.

Шу билан бирга бу жараён ривожланаётган ва қоқ давлатлар учун турлича ташкил этилди ва хўжаликнинг юқори даражада, ҳар томонлама тараққиёти юзага келмади. Аини вақтда “яшил инқилоб”нинг ривожланаётган давлатлардаги характерли хувусиятлари қуйидагилардан иборат:

- 1) Ушбу жараён Лотин Америкасидаги фақат йирик давлатлари, Жанубий ва жануби-шарқий Осиёнинг баъзи давлатларинигина қамраб олди. Шундай қилиб, “яшил инқилоб” натижаларининг 70% и Лотин Америкаси давлатларига, 29% и Осиёнинг ривожланаётган давлатларига ва фақат 1% игина Африка ва Океанияга тўғри келади.
- 2) Бу жараён хорижий капиталга тегишли йирик ерлар ва плантасияларга таъсир кўрсатди.
- 3) “Яшил инқилоб”нинг деҳқончиликдаги айрим йўналишлари (дончилик ва плантасия хўжалиги)гагина таъсир этиб, чорвачиликнинг амалда четда қолиши.

Мавзу бўйича саволлар.

1. Қишлоқ хўжалигини –озик-овқат ва енгил саноатдаги орни ҳақидаги фикрингизни тушинтиринг?

2. Минерал оғитлар қайси қишлоқ хўжалиги тармоқларини ривожланишига сабаб болмоқда?

3 “Яшил инқилоб”нинг деҳқончиликнинг айрим йўналишларидаги таъсирини мисоллар ёрдамида тушинтиринг?

Деҳқончилик.

Таянч тушунчалар : обикор деҳқончилик, лалми экинлар, маданий экинлар, дончилик, сабзавотчилик, боғдорчилик, техник экинлар.

Деҳқончилик суғориладиган ва лалмикор турларга бўлинади. Суғориладиган майдонлар улуши Марказий Осиё республикалари (100% гача), эрон, Хитой, Ҳиндистон, Покистон, Индонезия ва АҚШ каби давлатларда энг юқори кўрсаткичларга эга.

Экинларнинг турлари бўйича деҳқончилик анъанавий тарзда дончилик, сабзавотчилик, боғдорчилик, техник экинлар ва ҳоказо йўналишларга ажратилади. Бундай экинларни етиштириш бир неча минг йиллик тарихга эга бўлиб, маданий экинларнинг келиб чиқиши турли минтақаларга тегишлидир.


7-жадвал

Маданий экинларининг келиб чиқиш марказлари

Марказлар	Географик ўрни	Маданий экинлар
Ўрта Ер денгизи бўйи	Ўрта Ер денгизи қирғоқлари мамлакатлари (Италия, Испания, Греция)	Зайтун, қизилча, турп, шолғом, карам, пиёз, шивит, кашнич, ялпиз, каноп, зиғир
Олд Осиё	Эрон, Кавказ, Кичик Осиё	Юмшоқ буғдой, жавдар, арпа, сули, дуккакдилар, узум, олма, нок, олча, анор, хурмо, қовун, атиргул
Ўрта Осиё	Афғонистон ва Ўрта Осиё	Нўхат, ясиқ, қовоқ, исмалоқ, сабзи, бошпиёз, шафтоли, ўрик, грек ёнғоғи, бодом
Шарқий Осиё (Хитой)	Шарқий ва Жанубий Хитой, Корея	Тарик, арпа, хитой кўноғи, маржумак, соя, киви, долчин, чой.
Жанубий Осиё (Ҳиндистон)	Ганг дарёси мансаби	Шоли, баклажон, бодринг, манго, лимон, апелсин, шакарқамиш, жут, қисқа толали ғўза.
Ҳинд-Малая	Ҳиндхитой ва Малакка	Ямс, банан, кокос палмаси, нон дарахти, қора мурч, мускат ёнғоғи.
Ефиопия	Ефиопия	Қаттиқ буғдой, сорго (қўқонжўхори), хантал, кунжут, кофе дарахти.
Мексика (Марказий Америка)	Мексика ва Марказий Америка	Маккажўхори (маис), помидор, батат, кунгабоқар, қалампир, ингичка толали ғўза, какао, тамаки.

Анд (Жанубий Америка)	Перу, Эквадор, Боливия	Картошка, маниок, ловия, ананас, ерёнғок, гевея
Чили	Марказий Чили	Картошка, қулупнай
Бразилия	Жанубий Бразилия ва Парагвай	Маниок, ерёнғок, ананас, какао, гевея


Дунёдаги энг асосий экинлар буғдой, маккажўхори ва шоли ҳисобланади, бу экинлар барча экин майдонларининг 75% ини эгаллайди ҳамда, донли экинлар ҳосилининг 85% ини таъминлайди.



7-расм. Жаҳон донли экинлар майдонининг таркибий тузилиши

Дунё бўйича йилига 600 млн тонна буғдой етиштирилади. Буғдой икки навга бўлинади. Қаттиқ буғдой ундан макарон маҳсулотлари ишлаб чиқарилади, юмшоқ буғдой ундан нон ёпилади. Буғдой Осиё, Шимолий Америка, Европа ва МДХ давлатларида етиштирилади, бу давлатлар ичида буғдой етиштириш бўйича:


1. Хитой (100 млн тонна атрофида);
2. Ҳиндистон (70 млн тонна атрофида);
3. АҚШ (60 млн тонна атрофида) етакчилик қилади.



8-расм. Буғдой етиштирувчи этакчи давлатлар

Маккажўхори етиштириш бутун дунёга кенг тарқалган. Йилига дунёда 700 млн тонна маккажўхори дони етиштирилади. Айни вақтда энг кўп маккажўхори етиштирадиган давлатлар

1. АҚШ (270 млн тонна атрофида);
2. Хитой (145 млн тоннадан ортик);
3. Бразилия (40 млн тоннадан ортик) ҳисобланади.



9-расм. Маккажўхори етиштирувчи этакчи давлатлар


Шоли Шарқий, Жанубий ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларининг асосий экини ҳисобланади. Дунё бўйича йилига 630 млн тонна гуруч етиштирилади. Асосий гуруч етиштирувчи мамлакатлар Хитой (180 млн тоннадан ортик), Ҳиндистон (140 млн тонна атрофида), Индонезия (50 млн тоннадан ортик) бўлиб, шунингдек Бангладеш, Ветнам, Таиланд, Мянма, Филиппин, Бразилия ва Япония давлатлари ҳам гуруч етиштириш билан шуғулланади.

Дон маҳсулотларини энг кўп экспорт қилувчи давлат АҚШ ҳисобланади. Шунингдек Канада, Австралия ва Аргентина каби давлатлар ўзларида етиштирилоган доннинг 80% ини экспорт қилади.

Энг кўп дон импорт қилувчи давлат Япониядир (30 млн тоннагача).

Мойли экинлардан энг аҳамиятлилари ҳисобланадиган соянинг ватани Хитой бўлиб, айти кунда АҚШ, Бразилия ва Аргентина мамлакатлари соя ҳосилининг 80% ини беради. Ватани Жанубий Америка бўлган ерэнғок ҳосилининг катта қисми Ҳиндистон ва Ғарбий Африка мамлакатларига тўғри келади. Зайтун анъанавий тарзда Ўрта Ер денгизи мамлакатлари бўлган Италия, Испания ва Грекияда етиштирилади. Мексика ва Марказий Америкадан тарқалган кунгабоқар энг кўп Россия, Украина ва Францияда экилади.

Крахмал олинадиган асосий экин картошқадир. Ҳозирги кунда картошқа етиштирувчи энг йирик давлатлар Осиё, МДХ давлатлари, Европа ва Шимолий Америка минтақаларида жойлашган, бу борада Хитой (70 млн тоннадан ортик), Россия (40 млн тонна атрофида), Ҳиндистон (25 млн тонна атрофида) каби давлатлар етакчилик қиладилар.



10-расм. Картошка этиштирувчи этакчи давлатлар

Қандлавлaги ва шакарқамиш ўсимликлари шакар моддаси олинадиган асосий экинлардир.

Шакарқамиш Ганг дарёси дeлтасида экила бошлаган трoпик ўсимлик. Ҳозирги кунда дунёда ишлаб чиқарилаётган шакарнинг 80% и шакарқамишдан олинади. Лoтин Амеикаси ва Осиё давлатлари шакарқамиш этиштириш билан шуғулланади, уларнинг ичида Бразилия (330 млн тоннадан ортиқ), Ҳиндистон (280 млн тоннадан ортиқ), Хитой (90 млн тонна атрофида) каби мамлакатлар энг кўп шакарқамиш етказиб берувчилар ҳисобланади. Яна Покистон, Таиланд, Мексика, Австралия, Колумбия, Куба ва АҚШда кўп этиштирилади.

Қандлавлaги мўтадил иқлим минтақаси ўсимлиги бўлиб, унинг ватани эрон ҳисобланади. Қандлавлaгини энг кўп этиштирувчи мамлакатлар ичида Франция (33 млн тонна), АҚШ (30 млн тонна), Германия (28 млн тонна атрофида) ажралиб туради, улардан кейин Туркия, Россия, Хитой, Италия, Украина, Полша ва Буюк Британия каби мамлакатлар туради.

8-жадвал

Шакарқамиш ва қандлавлaги этиштирувчи асосий давлатлар

Шакарқамиш			Қандлавлaги		
Т/р	мамлакат	Йиллик ҳосил (млн т.)	Т/р	мамлакат	Йиллик ҳосил (млн т.)
1	Бразилия	333	1	Франсия	33
2	Ҳиндистон	282	2	АҚШ	30
3	Хитой	89	3	Германия	27,6
4	Покистон	54	4	Трукия	20
5	Таиланд	53	5	Россия	15
6	Мексика	46	6	Хитой	14,6
7	Австралия	37	7	Италия	14
8	Колумбия	36,9	8	Украина	13,9

9	Куба	35	9	Полша	12,6
10	АҚШ	32,5	10	Буюк Британия	10,3
Қолган давлатлар		258,6	Қолган давлатлар		72
Бутун дунё		1257,0	Бутун дунё		263,0

Тетиклантирувчи ичимлик берадиган экинлар асосан тропик мамлакатларда экилади. Бундай экинлар биринчи навбатда чой, кофе ва какао дир.

Дунё бўйича чой ҳосилининг 80% и Осиё мамлакатлари, айниқса Хитой, Ҳиндистон, Шри – Ланка ва Индонезия шунингдек Кенияда йиғиб олинади.

9-жадвал

Тетиклаштирувчи ичимлик берадиган экинлар етиштирувчи давлатлар

Чой			Кофе			Какао		
Т/р	мамлакатлар	Етиштириш (млн т)	Т/р	мамлакатлар	Етиштириш (млн т)	Т/р	мамлакатлар	Етиштириш (млн т)
1	Хитой	841	1	Бразилия	1172	1	Кот-д'Ивуар	1286
2	Ҳиндистон	823	2	Колумбия	856	2	Индонезия	610
3	Шри-Ланка	306	3	Индонезия	370	3	Гана	599
4	Кения	256	4	Мексика	356	4	Нигерия	441
5	Индонезия	158	5	Гватемала	212	5	Бразилия	236

Тола берувчи асосий экинлар ғўза, зиғир, жут ҳисобланади.

Ғўза – жуда иссиқсевар ўсимликдир. Шунинг учун ғўза асосан иссиқ иқлимли мамлакатларда экилади. Дунё бўйича пахта ҳосилининг энг катта улуши ҳам шундай мамлакатларга тўғри келади (10-жадвал).

10-жадвал

Энг кўп пахта толаси ишлаб чиқарадиган ва экспорт қиладиган давлатлар ўнлиги

Т/р	мамлакат	Пахта	Т/р	мамлакат	Пахта
-----	----------	-------	-----	----------	-------

		толаси ишлаб чиқариш (млн т)			толасининг экспорти (млн т)
1	Хитой	4,3	1	АҚШ	1,6
2	АҚШ	4,1	2	Ўзбекистон	1,0
3	Ҳиндистон	2,7	3	Австралия	0,6
4	Покистон	1,6	4	Сурия	0,23
5	Ўзбекистон	1,1	5	Аргентина	0,22
6	Туркия	0,8	6	Гресия	0,19
7	Австралия	0,7	7	Мали	0,17
8	Бразилия	0,4	8	Бенин	0,14
9	Сурия	0,3	9	Буркина- Фасо	0,12
10	Гресия	0,3	10	Туркия	0,11

Зиғир - совуққа чидамли, тупроқ танламайдиган экин, асосан шимол мамлакатларида экилади. Энг кўп зиғир етиштирувчи мамлакатлар Россия, Украина, Белоруссия ва Полша ҳисобланади.

Жут асосан Ҳиндистон ва Бангладешда экилади.

Каучук олинадиган ягона ўсимлик гевеядир. Унинг ватани Жанубий Америка бўлиб, айти кунда 85% каучук Жануби-Шарқий Осиё минтақасида, хусусан Малайзия, Индонезия, Таиланд ва Мянмада етиштирилади.

Мавзу бўйича саволлар.

1. Қишлоқ хўжалигидаги –деҳқончилик тармоқларини аҳамияти , озиқ-овқат ва енгил саноатдаги орнини очиб беринг?

2. Минерал оғитлар қайси қишлоқ хўжалиги тармоқларини ривожланишига сабаб болмоқда?

3 “Яшил инқилоб”нинг деҳқончиликнинг айрим йўналишларидаги таъсирини мисоллар ёрдамида тушинтиринг?

Чорвачлик.

Таянч тушунчалар: Чорвачилик, чорва озукаси, йирик шохли қорамол, сут чорвачилиги, гўшт чорвачилиги.

Чорвачилик дунёнинг барча қисмида ривожланган, лекин маҳсулотнинг асосий қисмини мўтадил иқлим минтақасидаги мамлакатлар беради. Ўтлоқ ва яйловлар экин майдонларидан уч барабар ортиқдир. Бундан ташқари таъкидлаш керакки, дон маҳсулотларининг ярми чорва озукаси сифатида ишлатилади. Жаҳон хўжалигида чорвачиликнинг уч тармоғи йирик шохли қорамолчилик, чўчкачилик, кўйчилик алоҳида ўрин тутди.

Йирик шохли қорамоллар сони дунёда 1,4 млрд бош ҳисобланади. Жадвалдан кўриниб турибдики, Ҳиндистон қорамоллар, Хитой эса учала чорва турлари бўйича етакчилик қилади. Чорва турларининг сони турли минтақаларга хос мамлакатларда кўп ёки оз бўлиши, бу ҳудудлардаги

яйловлар, иқлим шу билан бирга чорвани боқиш технологиялари билан боғлиқ. Масалан, Ҳиндистонда қорамоллар сони энг кўп бўлиши, маҳаллий анъаналар билан боғлиқ бўлиб, чорвачилик юксак ривожланган деган хулосани бермайди.

11-жадвал

Чорванинг асосий турлари сони бўйича етакчи давлатлар

Т/р	мамлакат	Йирик шохли қорамол (млн бош)	Т/р	мамлакат	Чўчқа (млн бош)	Т/р	мамлакат	Қўй (млн бош)
1	Ҳиндистон	222,2	1	Хитой	465,0	1	Хитой	133
2	Бразилия	176,0	2	АҚШ	59,1	2	Австралия	123
3	Хитой	106,7	3	Бразилия	30,0	3	Ҳиндистон	57
4	АҚШ	96,7	4	Германия	26	4	Ерон	52
5	Аргентина	50,1	5	Испания	23,9	5	Янги Зеландия	48
6	Россия	36,1	6	Россия	19,5	6	Буюк Британия	43
7	Ефиопия	34,2	7	Польша	18,2	7	Туркия	33
8	Австралия	21,3	8	Ветнам	18,0	8	Покистон	31
9	Мексика	19,0	9	Ҳиндистон	17,5	9	ЖАР	29
10	Колумбия	18,1	10	Мексика	15,5	10	Судан	26

Сут чорвачилигининг ширадор озуқага талаби катта, шунинг учун бу соҳа Европанинг ўрмон ва ўрмон дашт зонасида. Шимолий Американинг шарқий қисмида ва дунёдаги барча мамлакатларнинг шаҳар атрофи зонасида шаклланган. Энг кўп сут етиштирувчи давлатлар АҚШ, Россия, Ҳиндистон, Янги Зеландия ва Европа мамлакатларидир.

Гўшт чорвачилиги қуруқ иқлимли, табиий яйловлари кўп ҳудудларда ривожланади. Бундай ҳудудларга АҚШнинг ғарбий қисми, Бразилиянинг шарқий қисми, Аргентина, Уругвай, Қозоғистон ва Австралия киради.

Дунёда чўчкалар сони 1 млрд бош атрофида ҳисобланади. Чўчкачилик дон хўжалиги ва картошка етиштириладиган ҳудудларда яхши ривожланган. Чўчкачилик ислом динига эътиқод қилинадиган мамлакатларда ва Исроилда умуман ташкил этилмаган.

Қўйларнинг умумий сони 1 млрд бошдан ортиқдир. Хитой қўйлар сони ва қўйдан олинадиган маҳсулотлар нархи бўйича Австралиядан ўзиб кетган бўлсада, Австралия дунёда қўйчилик соҳасида етакчи ўринда турибди.

Кўйчилик чўл ва чала чўл, тоғ яйловлари мавжуд ҳудудларда кенг ривожланган.

Паррандачиликнинг аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Парранда сони ва ундан олинадиган маҳсулотлар ҳажми бўйича АҚШ, Хитой, Бразилия, Ҳиндистон, Япония, Россия, Мексика ва Европа давлатлари ажралиб туради.

Дунёда етиштириладиган гўштнинг 75% и, сутнинг 85% и иқтисодий ривожланган давлатларга тўғри келади.

Дунёда йилига 250 млн тонна гўшт етиштирилади. Унинг 40% ини чўчка, 30% га яқинини мол, 20% ини парранда ва фақат 8% ини бошқа турдаги чорва (кўй, эчки, буғу, от ва б) гўштлири ташкил қилади.

12-жадвал

Чорвачилик маҳсулотларини (гўшт, сут, жун) етиштирувчи мамлакатлар

Т / р	мамлакат	Сут (млн т)	Т / р	мамлакат	Гўшт (млн т)	Т / р	мамлакат	Жун (минг т)
1	АҚШ	69,6	1	Хитой	67,8	1	Австралия	444
2	Россия	44,0	2	АҚШ	39,2	2	Янги Зеландия	189
3	Ҳиндистон	31,2	3	Бразилия	16,6	3	Хитой	125
4	Германия	28,0	4	Франсия	6,5	4	Россия	50
5	Франсия	25,5	5	Германия	6,5	5	Буюк Британия	48
6	Украина	17,7	6	Ҳиндистон	5,7	6	Уругвай	45
7	Бразилия	16,6	7	Испания	5,2	7	Аргентина	37
8	Буюк Британия	14,8	8	Мексика	4,8	8	ЖАР	34
9	Польша	12,2	9	Россия	4,7	9	Испания	17
10	Нидерландия	10,9	10	Италия	4,2	10	АҚШ	13
	Қолган давлатлар	179,5		Қолган давлатлар	85,1		Қолган давлатлар	1498
	Дунё бўйича	450		Дунё бўйича	246,3		Дунё бўйича	2500

АҚШ, Германия, Франсия ва Бразилия мол гўштини, Хитой ва Европанинг кичик мамлакатлари чўчка гўштини, Австралия, Янги Зеландия,

Буюк Британия, Аргентина ва Уругвай – кўй гўштини, АҚШ, Франция ва Бразилия парранда гўштини етиштиришга ихтисослашган.

Дунё бўйича йилига 470 млн тонна сут ишлаб чиқарилади. Юқорида айтиб ўтилганидек, сут чорвачилиги мўтадил минтақа, ўрмон ва ўрмон дашт зоналарига эга мамлакатларда яхши ривожланган, Бу асосан АҚШ, Россия ва Европа мамлакатларидир, бошқа минтақалардан фақат Ҳиндистоннинг етакчи давлатлар қаторидалигини кўрамиз.

Жун етиштириш бўйича Австралия анча катта улушга эга, ундан кейинги ўринларда турувчи мамлакатлар маҳсулот ҳажми унга нисбатан жуда оз.

Мавзу бўйича саволлар.

1. Чорвачилик ривожланишига наъсир этувчи омилларни санаб беринг.
2. Чорвачилик тармоғ ривожланишининг минтақавий тафовутлари қандай омиллар таъсирида юзага келади?
3. Ўзбекистонда чорвачилик қайси вилоятлар ҳудудида ривожланган?

Қишлоқ хўжалиги раёнлари типлари

Таянч тушунчалар : Тупроқ унумдорлиги, ишлов бериш самарадорлиги, ҳосилдорлик.

Қишлоқ хўжалиги инсон хўжалик фаолиятининг энг қадимги шакли бўлиб, жамият тараққиётининг ҳудудий – географик хусусиятларини белгиловчи омил сифатида намоён бўлади. Экинлар ва чорва маҳсулдорлиги бу ҳудудлардаги табиий шароит ва омиллар билан боғлиқ эканлиги алоҳида таъкидланади. Қишлоқ хўжалиги йўналишларининг табиий шароитнинг айнан қайси омиллари билан боғлиқ ривожланиши ҳақида кўплаб мутахассислар фикр юритганлар. Бунда, деҳқончиликнинг айнан тупроқ унумдорлигига боғ ҳудудий ривожланиши (И. Тюнен), тупроқ унумдорлиги билан бирга ишлов бериш самарадорлиги (Т. Бринкман) омиллари ҳақида илмий мулоҳазалар Европа мутахассислари томонидан илк бора илгари сурилган. Лекин бу фикрлар ҳудудий чекланган, шу билан бирга фақат донли экинлар мисолида эди. Буюк географик кашфиётлардан кейинги даврларда бошланган колониализм дунёнинг турли минтақаларига экин ва чорва турларининг тарқалишига сабаб бўлди. Янги ўзлаштирилган ҳудудларда иқлимлаштирилган ўсимлик ва чорва турларининг маҳсулдорлиги ҳам турли даражада бўлди. Бу жараён деҳқончилик ва чорвачиликнинг ҳудудий ташкил этилишига олиб келди. Бунда асосан экин ва чорва турлари маҳсулдорлигининг ошишига таъсир этувчи табиий-географик омиллар ҳисобга олинади. Маълумки, маданий экинлар ва чорва турлари ўзларининг келиб чиқиш марказларига эга. Лекин, улар бошқа муайян ҳудудларга тез мослашиб сифатли ва кўп маҳсулот берадилар. Бу ҳолат айни ҳудудларнинг табиий шароит ва табиий – географик хусусиятлари ушбу турларнинг келиб чиқиш марказлари табиий шароит ва хусусиятларига мувофиқ келиши билан боғлиқ эканлиги билан тушунтирилади.

Аввало, деҳқончилик йўналишининг худудий шаклланиши ҳақида сўз юритилганда, турли минтақалардаги ҳосилдорликнинг қай даражада эканлиги юқорида кўриб ўтилди. Айни экинлардан юқори ҳосил олаётган минтақаларнинг маданий экинлар келиб чиқиш марказлари билан табиий – географик хусусиятлар жиҳатидан қанчалик мувофиқ эканлигини 7-жадвал орқали таққослаш мумкин.

Кўриниб турибдики, кўплаб экинлар ўз келиб чиқиш марказларидан кўра бошқа худудларда кўп экилади ва асосий экин тури ҳисобланади. Буюк географик кашфиётлар даври маданий экинларнинг дунё бўйлаб тарқалишини бошлаб берди, жамият тараққиёти босқичлари давомида илм-фан ва техниканинг ривожланиши янги ерларнинг ўзлаштирилишига, экин турларининг янада кенг тарқалишига таъсир кўрсатди. Лекин шуни таъкидлаш жоизки, деҳқончилик йўналишларини шакллантириш учун энг аввало табиий шароит омилларига эътибор қаратилади.

Деҳқончилик йўналишларининг шаклланиши ва ривожланишини белгилаб берувчи асосий омиллар биринчи навбатда географик кенгликларга боғлиқ ташкил топган иқлим минтақалари ва зоналари, жой релефи ва мавжуд агроиқлимий ресурслар ҳисобланади. Жой релефининг турлича бўлиши, худуд агроиқлимий ресурсларининг ранг-баранглиги, бинобарин экин турларининг кўплигини белгилаб беради.

Иқлим зоналарининг деҳқончиликни ривожлантириш имкониятларига таъсирини профессор Ю. Г. Саушкин томонидан тақдим этилган қуйидаги жадвал орқали аниқ тасаввур этиш мумкин.

13-жадвал

Иқлим зоналарининг деҳқончиликни ривожлантиришга таъсири

Иқлим зоналари	Иқлим областлари (Б. П. Алисов бўйича)	Деҳқончилик имкониятлари
<p>I. Экваториал иқлим. Кучсиз шамоллар кўп эсади. Ҳаво ҳарорати ва намлигининг фасллар ва сутка бўйича фарқи жуда кам. Жазирама ва нам об-ҳавога эга, тез-тез жала қуюди, момақалдирок бўлади. Қурукликдаги иссиқлик ва анмлик даражаси океан раёнларига яқин</p>	<p>1. Енг иссиқ областлар</p>	<p>Ҳароратнинг ва намликнинг барқарорлиги маданий экинлар йил давомида етиштирилиши мумкин, чунки энг совуқ ойнинг ўртача ҳарорати +20⁰ дан юқоридир. Қиров тушмайди. Кўп йиллик экин турларини етиштириш афзал кўрилади (какао, каучук дарахти, хина дарахти, мойли палма, саго палмаси, бана ва б.), бир йиллик экинларнинг аҳамияти паст; бегона ўтлар тез ўсиши туфайли донли экинлардан ҳосил олиш қийин; дала экинларидан энг кўп экиладиганлари илдизмевалилардир.</p> <p>Вегетасия даври йил давомида, лекин баъзи раёнлардаги қалин булутлилик мева ва шолининг етилишига халақит беради, шунинг учун шоли кам булутли худудларда экилади</p>

	2. Иссиқлик камроқ областлар. Йил давомида жанубий ярим шардан шамол эсиб туради.	(Малайя), намликнинг кўплиги шolini суғормасдан етиштиришга имкон беради (Суматра). Денгиз иқлим типи. Ороллар кирғокбўйларида кокос палмалари етиштирилади.
Субекваториал зона. Ёзда экваториал, қишда тропик муссонлар хос. Қиш ёздан бироз салқин. Қуруқликда ёгинларнинг мавсумийлиги намоён бўлади(серёмғир ёз, қуруқ қиш). Океанларда, экватордан узок раёнларда тропик циклонлар ҳосил бўлади.	3. Барча мавсумлар серёмғир. 4. Ёмғирлар фақат ёзда ёғади: а) серёмғир областлар б) камёмғир областлар	Иссиқликнинг кўплиги йил давомида деҳқончилик қилиш имконини беради ва сунъий суғориш шароитида бир йиллик донли экинлардан бир йилда 3 марта ҳосил олинади(шолидан). Кўп йиллик ва бир йиллик экинлар тенг даражада етиштирилади. Ёгинларнинг мавсумийлиги ёзда экинларни суғормасдан, қишда сунъий суғориш орқали етиштирилади ёки сувни кам талаб қиладиган экинлар экилишига сабаб бўлган. Пастқам ҳудудларга тонгги совуқ хос бўлиб, баъзан қиров тушади ва экинларни нобуд қилади. Қуруқ мавсумга чидамсиз кокос палмалари, кўп ва барқарор намликда катта ҳосил берувчи экинлар (манила канопи, суғориладиган ва лалми шоли ва б.). шакарқамишдан йилда 2 марта ҳосил олинади (Филиппин). Қуруқ иқш мавсумида буғдой, арпа, қурғокчиликка бардошли мойли экинлар етиштирилади. Серёмғир ёз арафасида шоли, жут, шакарқамиш ва бошқа намсевар экинлар экилади. Бу экинлар ҳосили ёмғир мавсумидан сўнг, кузда йиғиб олинади. Ёз ёмғирлар тупрокни нисбатан кам намлайди. Қурғокчиликка бардошли донли экинлар, масалан тарик экилади. Сунъий суғоришнинг аҳамияти катта. Қишдаги қурғокчилик сунъий суғоришсиз деҳқончиликка имкон бермайди. Ғўза етиштириш учун энг қулай шароитга эга.
Тропик зона. Пассат шамоллари хос, улар айниқса океанларда барқарор эсади. Очиқ ҳаво. Қиш илиқ бўлсада, ҳароратнинг мавсумий		Ҳароратнинг юқорилиги деҳқончилик билан йил давомида шуғулланишга имкон беради. Қишда маданий экинлар вегетасияси

<p>Ўзгариши сезиларлидир. Зонанинг экваторга яқин томонида, океанларнинг асосан қарбий қисмларида тропик циклонлар ҳосил бўлади.</p>	<p>5. Салқин, деярли ёмғирсиз об-ҳавога эга барқарор пассатлар области. Ҳаводаги намликнинг юқорилиги, қирғоқбўйи туманлари ва кучли бризлар хос.</p> <p>6. Ўткинчи ёмғирли пассатлар области.</p> <p>7. Шамоллар ва сокинлик области.</p> <p>8. Ёзда пассат, қишда бекарор шамоллар.</p> <p>9. Қишда пассат, ёзда бекарор шамоллар.</p> <p>10. Жазирама, қурғоқчил областлар.</p>	<p>тўхтамайди. Ҳароратнинг мутлақ минимумлари 0 дан юқори. Намлик танқислиги кўп ҳудудларда сунъий суғоришни ташкил қилишга мажбур қилган. Финик палмаси ва ғўза етиштиришнинг аҳамияти катта.</p> <p>Нам ҳаво ва энг илиқ ой ҳарорати ўртача 15⁰га эга бўлган чўллар (масалан Жанубий Африкадаги Намиб чўли). Перу қирғоқларида энг илиқ ойнинг ўртача ҳарорати 22-23⁰. Дехқончилик фақат сунъий суғориш шароитида ривожланади. Перуда ҳароратнинг нисбатан пастлигига қарамай перу ғўзаси ва шакарқамиш етиштирилади (қанд миқдори кам).</p> <p>Яхши намликка эга, ҳарорати дехқончилик учун қулай шароитга эга. Шакарқамиш, шоли, ситрус мевалари ва бошқа экинлар етиштириш учун имконият катта.</p> <p>Денгиз иқлим типи. Денгиз иқлим типи. Денгиз иқлим типи. Шимолий Африка, Арабистон, Калахари, Австралия, Мексика, Жанубий Американинг чўл ва чала чўл областлари. Дехқончилик сунъий суғориш шароитида мавжуд. Иссиқликнинг кўплиги ва ҳавонинг қуруқлиги суғориладиган майдонларда ғўза етиштиришга яхши имкон беради. Финик палмасининг аҳамияти катта.</p>
<p>Субтропик зона. Ҳароратнинг мавсумий ўзгаришлари яхши сезилади. Муссон областларидан бошқа ҳудудларда ёзда антисиклонга хос об-ҳаво ҳукм суради, қишда циклонлар ҳосил бўлади.</p>	<p>11. Ёзда очик, сокин, қишда серёмғир об-ҳаво.</p>	<p>Икки хил вегетацион давр: ёзг жазирама ва илиқ қишга хос. Бир йиллик экинлардан икки (бахор ва кузда) марта ҳосил олинади. -10⁰ дан паст бўлмаган совуққа бардошли дархт, бута шаклидаги кўп йиллик экинлар катта аҳамиятга эга (зайтун, ситруслар, чой, тунг, кўплаб мевали дарахтлар, узум)</p> <p>Табийий намликка асосланган</p>

	<p>12. Нисбатан салқин, булутсиз, туманли ёз, серёмғир киш.</p> <p>13. Муссон областлари. Куруқликда жазирама, серёмғир ва нам ёз, нисбатан совук ва куруқ киш.</p> <p>14. Жазирама ёз ва нисбатан совук кишга эга курғоқчил областлар.</p> <p>15. Йил давомида намгарчиликнинг тенг тақсимланиши.</p>	<p>буғдой арпа етиштириш(кузда экилади, кеч баҳорда ҳосил йиғилади), узум ва зайтунчилик. Суғориладиган майдонларда шולי, маккажўхори, сорго, дуккаклилар, кўплаб сабзавотлар, ғўза, ситруслар экилади. Барча иқлим областлари учун буғдой ва узум хос бўлса, бошқа турдаги экин турлари худудларнинг иқтисодий шароитига мувофик катта тафовутларга эга.</p> <p>Денгиз иқлим типи.</p> <p>Кузда кузги буғдой ва арпа экилади; баҳорда гаолян(хитой кўноғи), сорго, маккажўхори, дуккаклилар экилади. Ғўза ёзги муҳим экин. Пахта терими муссон ёмғирларидан кейинги куруқ даврга тўғри келади.</p> <p>Пахтачилик учун жуда қулай иқлимли, сунъий суғориладиган деҳқончилик областлари. Нисбатан совук киш ситрусларни экишга имкон бермайди. Суғориладиган боғ ва узумзорлар қанд миқдори жуда юкори бўлган ҳосил беради. Қиш арафасида лалми донли экинлар экилади ва баҳорда йиғиб олинади.</p> <p>Йилда бир марта ҳосил олиннадиган област. Асосан донли экинлар: буғдой, маккажўхори, арпа ва бошқалар экилади. Курғоқчилик камдан-кам бўлади. Боғдорчилик, томорқачилик, ўтлоқ ва озуқа экинлари учун қулай иқлимга эга.</p>
<p>Мўтадил зона. Тропик зонага таққослаганда қиш ва ёз, куруқлик ва сувлик ўртасида фарқ жуда катта. Қишда қор ёғади.</p>	<p>16. Беқарор об-ҳаволи, кучли шамоллар эсувчи қиш, нисбатан сокин ёз.</p> <p>17. Анча совук қиш. Шимолий</p>	<p>Қишда деҳқончилик қилинмайди. Йилига бир марта ҳосил йиғилади. Бир йиллик дала экинлар кўп экилади. Жанубий худудларда мевали дарахтлар етиштирилади.</p> <p>Ёзги ҳарорат нисбатан кам. Донли экинлар (айниқса арпа) ҳосилида крахмал миқдори юкори бўлади. Кўпгина областларда серўт ўтлоқлар йил давомида яшиллигини</p>

	<p>раёнларда ер музлайди. Ёз сертуман.</p> <p>18. Материк иқлими области: а) киш нисбатан юмшоқ, нам. Ёз жуда илиқ, етарлича нам. Баъзи йилларда қурғоқчилик кузатилади. б) киш нисбатан совуқ ва куруқ. Ёз иссиқ ва жуда куруқ. в) киш нисбатан совуқ ва куруқ. Ёз илиқ, нисбатан куруқ, жанубий раёнларда қурғоқчилик рўй бериб туради. г) жуда совуқ ва куруқ киш. Илиқ ва мўтадил намликка эга ёз.</p> <p>19. Ўткинчи иқлим области (океан иқлимидан материк иқлимига): а) барча мавсумларда океан таъсири сезилади. б) кишда океан таъсири кучли сезилади. в) океан таъсири сусайган, ёзда материк таъсири кучаяди.</p> <p>20. Муссон области. Нам, серёмғир ёз; совуқ ва куруқ киш.</p> <p>21. Нам, салқин ёз; совуқ қорли киш.</p>	<p>сақлаб туради (Ирландия), ем-хашак ва озукавий экинлар учун қулай шароитга эга. Боғдорчиликни ривожлантириш мумкин.</p> <p>Денгиз иқлим типи.</p> <p>Кузги буғдой, қандлавлари, боғдорчилик, узумчилик учун қулай иқлим шароитига эга. Суғорма деҳқончилик. Шоли, қандлавлари, буғдой, баъзи раёнларда ғўза экилади. Баҳорикор буғдой (оксил миқдори юқори) области. Боғдорчилик учун ноқулайликлар кўп. Кузги экинларнинг аҳамияти кам. Экинларнинг баҳорги ривожига тўсқинлик қилувчи музлаган тупроқлар мавжуд. Баҳорикор буғдой ва арпа етиштирилади. Кузги экинлар экилмайди</p> <p>Ўтлоқлар учун қулай ва деҳқончилик учун ноқулай областлар. Картошка ва сабзавотлар экилади. Иссиқхоналарда деҳқончилик қилинади.</p> <p>Деҳқончилик учун кийин шароитга эга. Кузги жавдар ва арпа экилади.</p> <p>Кузги жавдар, сули, зиғир, картошка, кўкатлар, сабзавотлар етиштирилади. Боғдорчилик шакланган.</p> <p>Иқлим шароити донли экинлар етилишига тўсқинлик қилади. Жанубда соя, гаолян ва бошқа кечпишар экинлар учун шароит яхши. Ўтлоқлар ҳосил қилиш имконияти катта.</p> <p>Жуда оз миқдорда деҳқончилик ўчоқлари мавжуд (Камчаткада; Лабрадор ва Ньюфаундлендда умуман йўқ).</p>
<p>Субарктик зона. Қиш ва ёз ўртасида ҳароратлар тафовути катта.</p>	<p>22. Салқин ва сернам ёз. Совуқ, нам сершамол қиш.</p> <p>23. а) жуда совуқ, камқор қиш, қисқа нисбатан илиқ ёз.</p>	<p>Шимолга хос деҳқончилик. Тезпишар донли экинлар (арпа) ва сабзавотлар кундуз ёруғлигида етиштиришга асосланган.</p> <p>Томорқачиликнинг майда ўчоқлари. Деҳқончиликни ривожлантириш имконияти мавжуд: баҳорикор жавдар,</p>

	б) унча совуқ бўлмаган, серкор қиш.	арпа, томорка экинлари экиш мумкин. қиш арафасида суғориш яхши натижа беради (марказий Ёкутистон). Қутбёни томорқачилиги.
Арктика ва антарктика зонаси йиллик улкан ва суткалик кичик ҳароратлар тебраниши. Ёғинлар кам. Совуқ, туманли ёз.	24. Нисбатан илиқ ёз. 25. Совуқ қиш. 26. Ёзги ҳарорат 0 ⁰ дан паст. Жуда совуқ қиш.	Ёпиқ грунтда қутб кундузи ёруғлигидан фойдаланиладиган сабзавотчилик. Ёпиқ грунт сабзавотчилиги ўчоқлари. Ер қишлоқ хўжалиги учун яроқсиз.

Бу жадвал орқали бутун дунёдаги иқлим зоналари ва улардаги деҳқончилик имкониятлари ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлиш мумкин.

Деҳқончиликка релефнинг таъсири хусусан суғориш ишларида ва баландлик минтақаларида иқлимнинг ўзгариши экин турларининг ҳароратга муносабати жиҳатидан танланишида намоён бўлади. Ёнбағирлар қиялиги суғорма деҳқончиликнинг ва турли экинларнинг тоғли зоналардаги тафовутларини белгилаб беради. Шу ўринда, А. Н. Ракитниковнинг баландлик минтақалари бўйича экин турларини етиштириш имкониятларини Шарқий Фарғона мисолида кўрсатиб берилган маълумотларин келтириш мақсадга мувофиқдир:

700 метргача – ҳайдаладиган ерарда суғориладиган майдонларнинг устунлиги;

700-900 м – лалми ерлар воҳалардаги суғориладиган майдонлардан кўпроқ;

1050 м – ғўза майдонларининг юқори чегараси;

1250 м – асосий суғориладиган майдонларнинг юқори чегараси;

1300 м – ёввойи ёнғоқзорларнинг қуйи чегараси; қиялиги 10-15⁰ дан юқори бўлган майдонларнинг кўпайиши;

1400 м – маккажўхори ва тарик экинлари;

1600 м – ўтлоқ-дашт, қоратупроқли ҳудудлар; барча ёнбағирларда пичанзорлар, экинларнинг барқарор ҳосилдорлиги, тракторлар ишлов бера оладиган энг юқори ҳудудлар, ўрикнинг юқори чегараси;

1900 – маккажўхори ва тарикнинг энг юқори чегараси;

2300 м – ёввойи ёнғоқзорларнинг юқори чегараси;

2400 м – деҳқончилик, пичанзорлар ва асаларичиликнинг юқори чегараси;

2700 м – субалп ўтлоқларнинг бошланиш зонаси;

4000 м – абадий қорларнинг қуйи чегараси.

Баландлик минтақаларида қишлоқ хўжалик экинларининг тарқалиши турли тоғли ҳудудлар мисолида кўплаб олимлар томонидан таҳил қилинган. Ўз вақтида В. В. Докучаев Кавказ тоғларининг баландлик минтақаларини тавсифлаган эди.

Анд ва Тибет тоғларининг 4000 метрдан юқори ҳудудларида ҳам картошка етиштирилиши кузатилган.

XX асрда, қишлоқ хўжалиги табиий имкониятлар билан бирга иқтисодий эҳтиёж ва талабларга боғлиқ равишда ҳудудий тафовутларга эга бўла бошлади. экинларни етиштиришга бўлган иқтисодий талаблар турли-туман ва мураккабдир. Улар замонавий иқтисодий шарт-шароитлар (истеъмол эҳтиёжи,

техника, меҳнат, транспорт, хўжаликларнинг катталиги ва ташкил топиши), тарихийлик (ишлаб чиқариш ва истеъмолнинг анъанавийлиги) ва мамлакатнинг сиёсий мақсадларидан таркиб топади. Натижада экинлар дунё бўйича жуда аралашиб кетган, шундай бўлсада, Г. В. Ковалевскийнинг тадқиқотлари кўрсатадики, ҳар бир минтақа бошқа минтақаларда умуман учрамайдиган ёки кам учрайдиган алоҳида экинлар гуруҳини етиштиради (Австралиядан ташқари). Гарчи бу тадқиқотлар XX асрнинг биринчи ярмига тегишли бўлсада, бугунги кун манзарасида ҳам минтақалардаги экин турлари деярли ўзгармаган. Қуйида Г. В. Ковалевскийнинг қитъаларда етиштириладиган асосий экин турларининг рўйхати келтирилади, алоҳида кўринишда бошқа ҳудудлардан келтирилган экин турлари кўрсатилган:

Европа

Толали зиғир, жавдар, қандлавлаги, **картошка**, **кунгабоқар**, толали каноп, зайтун, хмел(кулмоқ), узум, қизил йўнғичқа, **маржумак(гречиха)**, хашаки нўхат.

Осиё

Жут, **хина дарахти**, **каучук дарахти**, чой бутаси, кўкнори, шоли, нут, кунжут, **кокос палмаси**, соя, сорго, тут дарахти, канақунжут, **дуккаклилар**, тарик, **ерёнгоқ**, шакарқамиш.

Африка

Ямс, финик палмаси, мойли палма, **какао дарахти**, **ерёнгоқ**

Америка

Кофе бутаси, **кўк йўнғичқа**, **мойли зигир**, маккажўхори

Чорвачилик йўналишлари ҳудудий шаклланиш жиҳатидан табиий шароит омиллари билан бирга деҳқончилик йўналишлари билан ҳам боғлиқ. Хусусан, чўл ва чала чўл зоналари яйловлари, тоғ ўтлоқлари ҳудудларида кўйчилик ва эчкичилик, аҳоли зич жойлашган, суғорма деҳқончилик ривожланган ҳудудларда қорамолчилик, сабзавотчилик, айниқса картошка етиштириш ривожланган ҳудудларда чўчқачиликнинг шаклланиши учун қулай шароит мавжудлиги ҳақида юқорида айтиб ўтилди.

Мамлакатлар иқтисодиётида қишлоқ хўжалигининг раёнлаштирилиши, хўжалик ихтисослашувининг ташкил этилиши кўп йиллар давомида амалда қўлланилади. Бундай раёнлаштириш табиий шароит ва агроиқлимий ресурслар асосида ташкил этилиши мақсадга мувофиқдир. XX аср давомида жуда кўп ерлар ўзлаштирилди ва суғорма деҳқончилик зоналарига айлантилди. Бундай ҳудудларга агроиқлимий ресурслари имкониятлари чегарасидан ташқари талаблар қўйилиши саобий натижаларга олиб келиши мумкин.

Мавзу бўйича саволлар.

1. Қишлоқ хўжалигини раёнлаштиришнинг географик асосларини очиб беринг.
2. Минерал огитлар қайси қишлоқ хўжалиги тармоқларини ривожланишига сабаб болмоқда?

3 Қишлоқ хўжалигини раёнлаштиришнинг давлатларнинг халқаро меҳнат тақсимотидаги ўрнини белгилашдаги аҳамиятини очиб беринг.

Транспорт тармоғи. Унинг ҳудудий жойлашув хусусиятлари.

Таянч тусунчалар: Транспорт, алоқа, халқаро ва ички транспорт йўллари, жаҳон транспорт тизими.

Транспорт тармоғи халқ хўжалигида алоҳида аҳамиятга эгадир. Илмий адабиётларда транспорт моддий ишлаб чиқариш соҳасининг учинчи муҳим тармоғи, алоқа тизими билан биргаликда халқ хўжалигининг “қон томири” сифатида тавсифланади. Шу билан бирга транспорт соҳаси бирон моддий маҳсулот ишлаб чиқариш билан шуғулланмайди. Бинобарин бу соҳа нега моддий ишлаб чиқариш тармоқлари қаторига киритилиши керак деган ҳақли савол туғилади. Албатта транспорт тармоғини номоддий ишлаб чиқариш соҳалари қаторида хизмат кўрсатиш тармоғи сифатида тавсифлаш мақсадга мувофиқдек туюлади. Лекин, бизга маълумки, транспорт географик меҳнат тақсимотининг асосидир. Юларни ташиш ҳажми ва тизими иқтисодиётнинг тизими ва ривожланиш даражасини, юк ташиш ва транспорт тўри географияси эса ишлаб чиқариш кучларининг жойлашувини белгилайди. Транспортнинг ўзи, корхоналар, тармоқлар ва иқтисодий раёнлар ва шу билан бирга мамлакатларнинг ишлаб чиқариш ихтисослашуви ва маҳсулот савдосига мувофиқлашган ҳолда ишлаб чиқариш кучларининг жойлашувига фаол таъсир кўрсатади. Транспорт соҳаси бўлмай туриб, ишлаб чиқариш билан маҳсулот ва хизматлар истеъмоли ўртасидаги боғлиқликни, кишиларнинг ўзаро алоқасини тасаввур қилиш мумкин эмас. Бинобарин, транспорт ва алоқа қадимдан узвий боғлиқликда ривожланиб келган ва кишилик жамиятининг тарихий тараққиётида алоҳида аҳамиятга эга бўлган. Айни вақтда бу икки тармоқ жаҳон хўжалиги ва иқтисодиётининг энг муҳим тармоқларидан ҳисобланади ва миллий, минтақавий, жаҳон бозорининг яхлит шаклланишига асосий таъсир кўрсатади. Илмий, техник ихтиролар ва кашфиётларнинг энг самарали натижалари ушбу тармоқларга татбиқ этилмоқда, зеро ишлаб чиқариш маҳсулотларини сотиш ва айирбошлаш, кишиларнинг турли мақсадларда ҳудудий ҳаракатланиши, ахборот алмашинуви қадим замонлардан бери кишиларнинг туганмас зарурияти бўлиб келган.

Транспорт ва алоқа тармоқларининг воситалари, фойдаланиш усуллари жамият тараққиётининг турли босқичларини бевосита акс эттиради, инсон тафаккурининг ютуқлари ушбу воситаларнинг такомиллашуви жараёнида намоён бўлади.

Транспорт ва алоқа тармоқларининг тараққий этиши илм – фаннинг ривожланиши ва техника такомиллашуви билан чамбарчас боғлиқдир. Қадимги ва ўрта асрларда халқаро ва минтақавий транспорт алоқалари карвон йўлларининг фаолияти билан белгиланади. Транспорт воситалари куруқликда

отлар, туялар ҳамда аравалар бўлган. Буюк географик кашфиётлар денгиз транспортининг аҳамиятини ниҳоятда ошириб юборди. Саноатнинг юксалиши ва халқаро муносабатларда савдо-сотикнинг муҳим ўринга чиқиши, ХВИИ-ХИХ асрларда турли минтақаларнинг ишлаб чиқариш ихтисослашуви, улар ўртасидаги маҳсулот айирбошлаш ва сотишнинг фаоллаштирди. Шу билан бир қаторда бу жараён арзон хом-ашё ва ишчи кучига эҳтиёж туғдирди. Натижада минтақалар ва давлатлар ўртасида нафақат тайёр маҳсулот, балки хом-ашё ва меҳнат ресурсларининг алмашинуви ҳам кучая бошлади. Бу ҳолат транспортнинг тараққий этишига сабаб бўлади. Шундай қилиб, ХВИИ аср охири ва ХИХ аср бошида автомобил ва темир йўл, ХИХ аср охирида қувур, ХХ аср бошида ҳаво транспорти шаклланди ва ривожланди.

Транспорт турларининг шаклланиши давомида техник имкониятларни ошириш устида ҳам тинмай иш олиб борилди. Бу жараён фандаги ютуқлардан самарали фойдаланиш натижасидир. Буғ двигателининг ихтиро қилиниши денгиз ва дарёларда елканли кемалар ўрнига буғ билан ишлайдиган, олдинига ғилдиракли, кейинчалик парракли, сўнгра дизел двигателли пароходларнинг қўлланилишига олиб келди. 1789 йилда ихтиро қилинган буғ билан юрадиган арава ўрнига газ, сўнгра бензин билан ишлайдиган ички ёнув двигателига эга автомобиллар ихтиро қилинди. Темир йўлларда паровозлар ўрнига дизел двигателли тепловозлар, электровозлар кириб келди, турбинали самолётлар турбореактив двигателли самолётлар билан алмашди.

Халқаро ва ички транспорт йўлларининг ривожланиши дунё сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришлари билан муштаракдир. Милоддан олдинги ИИ асрда шаклланган Буюк Ипак йўли Буюк географик кашфиётлар даврига қадар энг йирик ва муҳим йўналиш бўлиб келган. Ҳиндистонга денгиз йўлининг очилиши ва Американинг кашф этилиши билан бир қаторда Ер шари айланаси бўйлаб саёҳатлар денгиз йўлларининг аҳамиятини ошириб, қуруқлик йўлларидаги савдо ва алоқа йўллари техника тараққий эта бошлаган ХВИИ асрга қадар ўз аҳамиятини йўқотди. Юқорида таъкидлаб ўтилган буғ машинаси ва буғ двигателининг ихтиро этилиши, машинасозлик саноатининг ривожланиши қуруқлик транспортининг техник воситаларини ихтиро этишга кенг йўл очди ва натижада темир йўллар, автомобиллар ва бошқа транспорт ва алоқа воситаларидан фойдаланиш халқ хўжалигида транспорт тармоғининг шаклланишига олиб келди.

Транспорт тармоғининг жаҳон хўжалигидаги ўрни айти вақтда шу қадар муҳимки, мамлакатларнинг иқтисодий-ижтимоий, сиёсий-маданий ривожланиши транспорт турлари, йўллар ва воситалари билан қанчалик таъминланганлигига боғлиқ бўлиб қолган.

Бугунги кунда дунё бўйича турли транспорт турларининг ўзаро бири – бирини тўлдириб боровчи – **жаҳон транспорт тизими** шаклланган ва бу тизимнинг узлуксиз ишлаши, янгиланиб бориши илмий ва амалий жиҳатдан тақозо қилинади.

Транспорт тизимининг ҳудудий жойлашуви ва хусусиятларини ўрганиш натижасида **транспорт географияси** фани ривожланган. Бу - иқтисодий географиянинг бир йўналиши бўлиб, транспорт ва юк ташишнинг ҳудудий жойлашуви, қонуниятлари, транспортнинг мамлакатлар ва регионлардаги

табий шароит ва ресурслар, аҳоли ва хўжалик тармоқларига мувофиқ равишда ҳудудий – хўжалик мажмуалари таркибида ривожланиш шарт – шароитлари ва хусусиятларини ўрганувчи соҳадир. Транспорт географияси транспортнинг тармоқ сифатидаги қуйидаги муҳим хусусиятларини намоён қилади:

а) табий муҳитнинг алоҳида элементларидан табий алоқа йўллари ёки сунъий алоқа йўлларига асос сифатида фойдаланиш;

б) транспортнинг асосан чизиқли жойлашуви; бу - саноатда нуқтали ва қишлоқ хўжалигида ареал типда жойлашувидан тубдан фарқ қилади;

в) техник – иқтисодий алоқаларнинг бошқа тармоқлар билан алоқаларда универсаллиги;

г) транспортнинг ҳудудий – географик меҳнат тақсимооти моддий асоси сифатидаги роли;

д) саноат ва қишлоқ хўжалиги учун типик бўлган тармоқли бўлинишдан фарқли ўлароқ, транспортнинг махсус турларга (қуруқлик, сув ва ҳаво транспорти) бўлиниши;

е) турли табий ва сунъий алоқа йўлларида фойдаланишга боғлиқ транспорт турларининг ўзаро тафовутлари;

ж) бутун хўжалик тизими ва бошқа соҳаларнинг жойлашувига таъсир кўрсатувчи махсус нархларнинг (тарифлар, фрахтлар) шаклланиши.

Транспорт географияси умумий транспорт географияси, алоҳида транспорт турлари географияси ва минтақавий транспорт географияси каби йўналишларга бўлинади. Умумий транспорт географияси йўналишида қуйидагилар:

а) транспортнинг ривожланиш ва типологияси тарихий қонуниятлари;

б) табий муҳитнинг алоҳида компонентлари (релеф, дарёлар, иқлим ва б.) ва ландшафт мажмуаларининг транспортга таъсири;

в) мамлакатлар ва иқтисодий раёнлар иқтисодиётида транспортнинг роли ва салмоғи, унинг таъсирида хўжаликнинг ҳудудий жойлашуви, раёнлар ихтисосашуви, ҳудудий – географик меҳнат тақсимооти чуқурлашувининг намоён бўлиши;

г) ҳудудий транспорт - иқтисодий алоқалар;

д) юк ва йўловчи ташишнинг географик муаммолари;

е) транспортни раёнлаштириш масалалари, кабилар ўрганилади.

Алоҳида транспорт турлари географияси қуруқлик (темир йўл, автомобил, арава, юк ташувчи ҳайвонлар), сув (дарё, кўл, денгиз), ҳаво ҳамда узлуксиз (қувур ва конвейер) транспортлари муаммоларини ўрганади. Шунингдек, транспортнинг алоҳида турига электр энергиясини симлар орқали узатиш (электрон транспорт)ни киритадилар.

Минтақавий транспорт географияси:

а) йирик минтақалар, мамлакатлар, ва қитъалар транспорт тизими;

б) алоқа йўлларида алоҳида йўналишлари ва уларнинг таъсир доираси, шаҳар атрофи йўллар тўри ва йирик шаҳарларнинг таъсир доираси, транспорт тугунлари ва портлар ҳамда уларнинг таъсир доиралари;

в) транспорт ва портлардаги транспорт иншоотлари ва ускуналарининг ички жойлашуви, корхона ва шаҳарларнинг транспорт тизими кабиларни ўрганади.

Транспорт географияси иттиқодий географиянинг бир йўналиши сифатида XX асрда шаклланди. Транспорт географиясининг асослари Н. Н. Баранский, С. В. Бернштейн-Коган, Н. Н. Колосовский ва Т. С. Хачатуров каби олимлар томонидан яратилган. Шу билан бирга мамлакат транспортининг ривожланиши Е. Д. Хануков, И. В. Николский, М. И. Галитский, С. К. Данилов илмий ишларида, хориж мамлакатлари ва жаҳон транспорти Г. А. Агранат, С. А. Вишнеполский, Л. И. Василевский каби олимлар томонидан ўрганилди. Ғарб олимларидан транспорт соҳасининг илмий асослари Г. Сендлер, Г. Келлер, К. Клаус, э. Огремба (ГФР), С. Березовский, И. Залеский (Польша), Р. Клозе, А. Виагре (Франция), э. Таафе, э. Улман (АҚШ), А. О. Делл, К. Сили (Буюк Британия), Г. Александерсон (Швеция) томонидан ишлаб чиқилган.

Транспорт тизимининг ҳудудий ривожланиши географик шароит омилига бўйсинади ва турли ҳудудларда транспортнинг алоҳида турлари муҳим ўринга эга бўлади. Хусусан кема қатнови учун қулай иқлимий шароит, денгиз оқимлари, қирғоқ чизикларига эга бўлган мамлакатларда денгиз транспорти, йирик дарёлар мавжуд ҳудудларда дарё транспорти, йирик дашт ва текислик ҳудудларида автомобил ва темир йўллар алоҳида аҳамиятга эга бўлади. Ҳаво транспортининг ривожланиши ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, мамлакатнинг иқтисодий-ижтимоий ривожланиши билан боғлиқ. Шунингдек, нефт ва газ каби қазилма бойликларга эгаллик ва бу хом-ашёга бўлган эҳтиёж қувур транспортининг шаклланишига олиб келган.


Географик шароит омилининг таъсирида ва алоҳида транспорт турининг ушбу омилга мувофиқлиги сабабли турли минтақаларда транспорт турларининг айнан бир тури етакчи бўлиб қолади. Масалан, кўпгина ривожланган ва ривожланаётган (биринчи навбатда Лотин Америкаси мамлакатлари) мамлакатларда автомобил транспорти асосий тур ҳисобланади. Россия Федератсияси, Хитой ва Ҳиндистонда темир йўл транспорти муҳим аҳамиятга эга, жанубий – ғарбий Осиё мамлакатларида нефт ва газ захираларининг кўплиги туфайли қувур транспорти кучли ривожланган. Япония, Гретсия, Индонезия, Филиппин, Чилида денгиз транспорти ҳатто ички юк ва йўловчи ташишда ҳам етакчилик қилади. Айни вақтда мамлакатларнинг иқтисодий – ижтимоий ривожланиш даражаси транспорт турларининг ривожланишига таъсир этмоқда. Масалан Афғонистон, Чад, Нигер ва бошқа тропик Африка мамлакатларида темир йўллар умуман йўқ. Бошқа транспорт турлари ҳақида ҳам шундай мисоллар келтириш мумкин. Умуман қолоқ давлатларда транспорт муаммоси энг долзарб ҳисобланади.

Фан техника инқилоби таъсирида жаҳон транспорт тизимида ўзгариш юз берди ва халқаро юк айланмасида денгиз, қувур ва автомобил транспортининг аҳамияти кучайди.

Турли транспорт турларининг ишини тавсифлашда асосан тўрт хил кўрасткичдан фойдаланилади: ташилган юкларнинг ҳажми (тоннада); юк айланмаси (тонна - километр), транспортдан фойдаланган йўловчи ҳажми

(йўловчи сони); йўловчи айланмаси (йўловчи - километр). Юк айланмаси ва йўловчи айланмаси асосий кўрсаткичлар ҳисобланади. Жаҳондаги умумий юк айланмасининг 3/5 қисмидан кўпроғини денгиз транспорти, йўловчи айланмасининг 4/5 қисмини автомобил транспорти таъминлайди.

Жаҳон юк ва йўловчи айланмаси тизими транспорт турлари бўйича қуйидаги улушларга эга.



11-расм. Жаҳон тармоқларининг халқаро юк ва йўловчи ташишдаги улуши.

Дунёда транспорт йўллариининг узунлиги бўйича автомобил транспорти биринчи ўринда (28 млн км). Бу унинг бошқа транспорт воситаларидан арзонлиги ва кўпчилик томонидан сотиб олиш мумкинлиги билан белгиланади. Иккинчи ўринда денгиз транспорти бўлиб, дунё океанининг бепоён кенгликлари туфайли 10 500 минг км ни ташкил этади. Қувур транспортида нефт қувурларининг узунлиги 760 минг км, газ қувурлариники эса 1 200 минг кмни ташкил этади. Темир йўллар узунлиги 1 250 000 км. га этади. Ички сув транспорти йўллари (дарё ва каналлар) 550 000 км ни ташкил этади. Шунини таъкидлаш керакки транспорт тизимида алоҳида транспорт турларида юк ва йўловчи ташиш таннархи турлича. Энг арзон таннархга эга бўлган транспорт тури денгиз транспорти бўлса, энг қимматлари автомобил ва айниқса ҳаво транспортидир.

Мавзу бўйича саволлар.

1. Айтингчи, транспорт тармоғини қандай хусусиятларига кўра моддий ишлаб чиқариш тармоқлари гуруҳига киритиш мумкин?
2. Транспорт тармоқлари ривожланишида қандай омиллар таъсир кўрсатади?
3. Транспорт тармоқлари ичида дарё транспортининг тутган ўрнига баҳо беринг.
4. Ўзбекистонда транспорт тармоқларининг ривожланиши ҳақида маълумот беринг.

Қуруқлик транспорти ва унинг асосий турлари.

Таянч тушунчалар: Қуруқлик транспорти, темир йўл транспорти, автомобил транспорти, қувур транспорти, шоссе.

Куруклик транспорти турларига асосан темир йўл, автомобил, қувур транспорти киради. Шу билан бирга кўплаб мамлакатларда айниқса, Африка ва Осиёнинг иқтисодий қолоқ мамлакатларида, юк ва йўловчилар от, эшак, туя, кўтос каби ҳайвонлар ва уларга кўшиладиган аравалар ёрдамида ташилади. Бу ҳолат кўп жиҳатдан иқтисодий қолоқлик ва табиий географик шароит билан боғлиқ. Масалан, Непал, Бутан, Хитойнинг Тибет автоном раёни каби ҳудудларда баланд тоғ шароити, Саҳрои Кабир ҳудудида жойлашган мамлакатларда қумли чўл шароити асрлар давомида анъанавий транспорт воситалари бўлган ҳайвонлардан фойдаланишни белгилаб келган. Бундай ҳудудлардан темир ва автомобил йўллари йўлга қўйиш катта маблағ талаб этади. Баланд тоғли ҳудудларда жойлашган мамлакатларда автомобил ва ҳаво транспорти иқтисодий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга. Марказий Осиё давлатлари ичида Қирғизистон ва Тожикистон Республикалари шундай транспорт хусусиятига эгадир. Лекин мамлакатнинг иқтисодий-ижтимоий ривожланиши учун барча турдаги транспорт йўллари йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир. Жаҳон хўжалигида куруклик транспорт турлари ва йўллари йўлга қўйиш ривожланиши ҳудудий жиҳатдан катта тафовутларга эга. Бу тафовутлар юқорида таъкидланганидек, табиий географик омиллар ва иқтисодий ривожланиш даражаси билан боғлиқ.

Куруклик транспорти турлари мамлакатлар ва минтақаларнинг иқтисодий-ижтимоий, маданий ва сиёсий юксалишига катта таъсир кўрсатган.

Куруклик транспортнинг энг қадимий турлари албатта юк ва йўловчи ташувчи ҳайвонлар ва аравалардир. Айни вақтда бу воситаларнинг жаҳон хўжалигида аҳамияти йўқ.

Автомобил транспорти. Агар куруклик транспортнинг замонавий турларини тарихий нуқтаи назардан тавсифласак, маълум бўладики автомобил транспорти темир йўлдан олдинроқ ривожлана бошлаган. Тош қопламали йўллари биринчи марта Францияда ХВИ асрда пайдо бўлган ва “шоссе” (сўзма-сўз таржимада “оёқ кийимига эга” деган маънони беради). Кейинчалик бу сўз барча мамлакатларда муомалага кириб кетди. Асфалт-бетон қопламали йўллар Европада XIX асрнинг биринчи ярмида қурила бошлади. Буғ двигателига эга ўзини арава илк бора Францияда Н. Ф. Кане томонидан 1789 йилда ихтиро қилинган. Ҳақиқий автомобил эраси орадан 100 йил ўтгач, тўрт ғилдиракли аравага бензинда ишлайдиган ички ёнув двигателини ўрнатиш билан бошланди. Г. Форд томонидан конвейер усулининг кўлланилиши автомобилсозликнинг кескин ривожланишига туртки берди.


XXI аср бошида жаҳон автомобил парки 700 млн донани ташкил этди.

Шундан 500 млн донани ривожланган давлатларга тўғри келади. Енгил автомобиллар сони юк автомобилларидан 1,5 бараварига кўп. Юк автомобилларининг умумий улуши 10% ни ташкил этади. Автомобиллар сони бўйича АҚШ, Япония, Германия, Франция, Буюк Британия ва Италия етакчилик қилади.

12-расм Йирик автомагистрал.



Сўнги йилларда Италия ва Испанияда автомобиллар сони тез ўсмоқда. Хусусий енгил автомобиллар сони Россия, Бразилия, Мексика, Ҳиндистон ва Хитой кўпайиб бормоқда. 2025 йил учун берилаётган башоратларга кўра автомобиллар сони бўйича Хитой ва Ҳиндистоннинг олдинга ўринга чиқишлари башорат қилинади. Автомобил транспортининг муҳим кўрсаткичи автомобиллашув даражаси (мамлакат аҳолисининг жон бошига тўғри келадиган автомобиллар сони. Ҳар 1000 кишига нисбатан дона ҳисобида) ҳисобланади. Табиийки, ривожланган давлатларда бу кўрсаткич жуда баланд. Энг паст кўрсаткичлар эса Ҳиндистон (5 та), Хитой (3 та) ва Ғарбий, Марказий, Шарқий Африка мамлакатларида (1-2 тадан).



13-расм. Жаҳоннинг автомобиллар билан таъминланишига кўра биринчи ўнтаклик давлатлари.

Автомобил транспорти турли мамлакатларда турлича ривожланган. Бугунги кунда автомобил йўлларининг умумий узунлиги бўйича АҚШ, Ҳиндистон ва Бразилия олдинги ўринларда туради. Сўнги йилларда Хитойда кўплаб автомагистраллар қурилди. Қаттиқ қопламали йўллар узунлиги 18 млн км ни ташкил этади. Бу йўлларнинг узунлиги бўйича:

1. АҚШ (5,6 млн км дан ортик.);



2. Япония (1,1 млн км дан ортик);

3. Хитой (850 минг км). мамлакатлари олдинги ўринларда туради, улардан кейин Ҳиндистон, Франция, Канада, Россия ва Германия туради. Автомобил йўлларининг зичлиги бўйича Япония ва Ғарбий Европа давлатлари, айниқса Германия,

14 расм. Автомобил ёлларида юк ташиш. Франция,

Буюк Британия ва Нидерландия ажралиб

туради. Автомобил йўллари билан энг кам таъминланган ҳудудлар Африкада (Сахел ва Саҳрои Кабир ҳудуди), Жанубий Америкада (Амазония, Гвиана ясситоғлиги, Бразилия паст тоғлиги ҳудуди), Осиёда (Ғарбий Хитой,

Арабистон ярим ороли), Россиянинг жанубий ва шарқий қисми, Австралияда (Катта Австралия саҳроси ҳудуди) мавжуд. Африканинг бир қатор давлатларида 1000 км² ҳудудга 10 км дан кам автомобил йўллари тўғри келади. Автомобил транспортдан оммабоплиги, ушбу транспорт воситаларининг ҳар хил ҳудудларда ҳаракатлана олиши, юк ва йўловчиларни қисқа масофаларга ташишда тенгсизлиги билан ажралиб туради. Шу билан бирга, атроф-муҳит ҳавосини ифлослантириши бу транспорт воситасининг XX аср давомидаги энг катта нуқсони бўлиб келди. Сўнгги йилларда экологик тоза ёқилғилардан фойдаланиш имкониятларининг кенгайиши автомобилсозликдаги энг муҳим ўзгаришлардан биридир. Кўплаб мамлакатларда автомобиллар учун газ, техник спиртни ёқилғи сифатида ишлатиш оддий ҳолатга айланган. Эндиликда электромобиллар, водород ёқилғисига ҳаракатланувчи автомобиллар ишлаб чиқилмоқда.

Темир йўл транспорти. Буг ёрдамида ишлайдиган локомотив қатнайдиған дунёдаги биринчи темир йўл 1825 йилда Буюк Британияда қурилган (Стоктон-Дарлингтон участкаси). XIX аср ўрталарида темир йўллар Франция, Белгия, Германия, Австрия, Россия, Нидерландия, Италия, Испания, Ҳиндистон, Миср, Австралия, Бразилия, Аргентинада қурилди. 1913 йилга келиб дунёдаги темир йўлларнинг умумий узунлиги 1 млн 100 минг км га йетди ва бу деярли ҳозирги кундаги кўрсаткич билан тенгдир. Темир йўлларнинг узунлиги ўша даврдаёқ давлатларнинг ривожланишига таъсир кўрсата бошлаган эди. 1913 йилда темир йўлларнинг узунлиги бўйича давлатлар қуйидаги тартибда жойлашган:

1. АҚШ (409 минг км),
2. Россия (72 минг км),
3. Германия (65),
4. Буюк Британия (40,8 минг км),
5. Франция (39,6 минг км),
6. Италия (34,7 минг км) (14-жадвал)

14-жадвал.

Темир йўллар узунлиги бўйича дунё мамлакатларининг биринчи ўнлиги.

Т/р	мамлакат	Темир йўллар узунлиги (минг км)	Т/р	мамлакат	Темир йўллар узунлиги (минг км)
1	АҚШ	175,9	6	Германия	41,4
2	Россия	87,5	7	Австралия	36,2
3	Канада	84,7	8	Аргентина	34,1
4	Ҳиндистон	62,2	9	Франция	32,3
5	Хитой	54,0	10	Бразилия	32,0

Темир йўллардан фойдаланиш, нафақат юк ва аҳолини турли масофаларга йетказиб бориш масаласини ҳал қилди, балки саноатнинг турли тармоқларини ҳудудий жойлаштириш, меҳнат ресурслари таъминоти, шаҳар ва қишлоқларнинг ривожланиши, мамлакатлар ва минтақалар ижтимоий, сиёсий алоқадорлиги хусусиятларининг мураккаблашуви каби жараёнларга кучли таъсир кўрсатди. Ҳозирги кунда энг катта темир йўл тўрига эга бўлган мамлакатлар ҳудудий жиҳатдан улкан бўлган Россия, АҚШ, Ҳиндистон ва

Хитой ҳисобланади. Дунё бўйича темир йўлларнинг умумий узунлиги 1 млн. 250 минг км бўлгани ҳолда, 30 дан ортиқ мамлакатда умуман темир йўл йўқ. Темир йўлларининг узунлиги бўйича ривожланган давлатлар қаторида ривожланаётган давлатлар ҳам етакчилик қилади.

Темир йўлларнинг зичлиги бўйича Белгия ва Швейтсария (1000 км² га 200 км), шунингдек Германия ва бошқа Европа давлатлари олдинги ўринларда, электрлаштирилган темир йўлларнинг узунлиги бўйича Россия биринчи ўринда туради. Германия, Франция, Ҳиндистон, Хитой каби давлатларда ҳам электрлаштирилган темир йўллар асосий ўрин тутди. Электрлаштирилган темир йўллар улуши тоғли мамлакатларда кўп, чунки электровоз юқорига ва пастга ҳаракатланиш учун яхшироқ мослашган. Бундай йўллар улуши Швейтсарияда 100%, Россияда 47%, Украинада 40%, АҚШда эса 1% ни ташкил этади. Австралия ва Канада умуман электрлаштирилган темир йўллар йўқ.

Юк айланмаси бўйича дунёда етакчилик қиладиган давлатлар қаторига АҚШ, Хитой, Россия билан биргаликда биринчи ўнликка Ҳиндистон, Украина, Польша, Франция, Япония ва Италия кабилар кириди. Йўловчи айланмаси бўйича эса, Ҳиндистон, Япония, Хитой каби темир йўлда юриш арзон ва қулай бўлган давлатлар олдинги ўринда туради.

Жаҳон темир йўл транспортини ривожлантиришнинг сўнгги тенденцияларидан бири – йўловчи ташиш ва почта алоқаси учун мўлжалланган тезкор магистралларни қуришдир. Нисбатан кенг тармоқланган бундай йўллар Японияда (“Синкансен”), Францияда (“ТЖВ”), Германияда (“Интер Континентал”, “Интер Сити”), АҚШ ва Испанияда қурилган. Бундай трассалардаги поездларнинг рекорд тезлиги 500 км/соатдан ортиқ.

Айни кунда дунёдаги энг узун темир йўл магистрали Транссибир бўлиб, Москва ва Владивосток шаҳарларини боғлайди. Истамбул ва Сингапур шаҳарларини боғловчи Транссиё (14 минг км), Трансканада (4,9 минг км), Трансамерика (3 минг км) магистралларининг қурилиши халқаро иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлайди, Осиё ва Америка мамлакатлари иқтисодиёти ва халқларининг фарвонлигига хизмат қилади.

Темир йўллар учун излар кенглигининг бир неча типи характерлидир. Европа мамлакатлари, АҚШ, Япония ва бир қанча ривожланаётган мамлакатларда кенглиги 1435 мм ли излар ўрнатилган. Украина, Россия, Финляндия, Монголияда излар кенглиги 1520 мм ни ташкил этади. Кўплаб ривожланаётган мамлакатларда 1 667, 1 067, 1 000, 762 мм ли излар қурилган. Баъзан бир мамлакат ҳудудида бир неча хил излар мавжуд, бу эса темир йўллардан фойдаланиш самарадорлигини пасайтиради.

Темир йўл йўловчи айланмасига метрополитен салмоқли ҳисса қўшади. Метро биринчи марта 1863 йилда Лондон шаҳрида қурилган эди. Лондон метроси дунёдаги энг сертармоқ ҳисобланади, метро йўлларининг узунлиги бўйича Нью-Ёрк шаҳри биринчи ўринда туради (450 км дан ортиқ, 500 та стансия мавжуд).

Қувур транспорти. Бу транспорт тармоғи энергетика ва кимё саноатининг жадал ривожланиши билан боғлиқ шаклланган. Бу ривожланиш 1863 йилда АҚШ нинг Пенсилвания штатида дунёда биринчи нефт қувури

ётқизилиши билан бошланган. XIX аср охири XX аср бошларида бундай қувурлар нефт қазиб олинадиган барча мамлакатларда қурилган эди. Нефт қувурлари магистралларининг сони жаҳонда нефт асосий ёқилғи ҳисоблана бошлаган XX асрнинг 50-йилларида жуда тез кўпайди. Ҳозирги кунда ҳам нефт асосий ёқилғи тури ҳисобланади ва унга талаб тўхтовсиз ошиб бормоқда, бу эса ўз навбатида халқаро сиёсий муносабатларга ўз таъсирини кўрсатмоқда.

Магистрал нефт ва газ қувурларининг узунлиги бўйича ривожланган ва хом-ашё ресурсларига бой мамлакатлар етакчилик қилади. Нефт ва газ қувурлари нефт-хом ашёсига эга ҳудудлар ва бу ресурсларни кўп истеъмол қилувчи саноат минтақалари ўртасида қурилади.

Дунёдаги энг узун нефт қувури магистраллари Россия ва Европа мамлакатлари ўртасидаги “Дўстлик” (5,5 минг км), Уренгой-Ғарбий Европа (4,5 минг км), Канададаги Редуотер-Порт-Кредит (4,8 минг км), эдмонтон-Монреал(3,2 минг км), АҚШ даги Хюстон-Нью-Ёрк (2,5 минг км) қабилардир.

15-жадвал.

Қувур транспорти бўйича етакчи давлатларнинг биринчи ўнлиги.

Т/ р	мамлака т	Нефт қувурларинин г узунлиги (минг км)	Т/ р	мамлакат	Газ қувурларинин г узунлиги (минг км)
1	АҚШ	325	1	АҚШ	440
2	Россия	66	2	Россия	150
3	Канада	50	3	Канада	95
4	Хитой	8	4	Германия	55
5	Саудия Арабистон и	8	5	Франсия	30
6	Ҳиндистон	6	6	Италия	18
7	Мексика	6	7	Нидерланди я	16
8	Франсия	6	8	Полша	10
9	Ерон	5	9	Руминия	7
10	Жазоир	4	10	Мекска	7


Ёқилғи хом-ашёсига бўлган талабнинг доимий катталиги янги йўналишдаги магистрал қувурларнинг бунёд қилинишига туртки бермоқда. Ҳозирги кунда бундай қувурлар денгиз тубидан ҳам ўтказилган. Ўрта Ер денгизи, Мексика қўлтиғи, Шимолий денгиз, Қора денгиз, Каспий денгизлари тубидан қувурлар ўтказилган ва режалаштирилмоқда. Асосий истеъмолчилар Ғарбий Европа, АҚШ, Япония бўлса, энг йирик экспорт қилувчи минтақалар Форс кўрфази, Арабистон ярим ороли давлатлари ва Россия ҳисобланади. Сўнгги йилларда Хитой ва Ҳиндистонда ҳам талаб ортиб бормоқда.



Ҳаво транспорти. Ҳаво транспорти XIX аср охири XX аср бошида ривожлана бошлади. Бу - энг тезкор, шу билан бирга таннархи энг қиммат транспорт туридир. Йирик ҳудудли мамлакатлар ва халқаро транспортда катта аҳамиятга эга. Ҳаво транспорти

15-расм Конкорд русимли авиалайнер.

ривожланган мамлакатлар қаторида АҚШ ўзининг йирик авиакомпаниялари билан бирга энг катта авиапарки билан алоҳида ажралади туради. Унга ривожланган давлатлардаги самолётларнинг $\frac{3}{4}$ қисми тегишли. АҚШдаги энг йирик аэропортлар Атланта шаҳрида “Хертсфилд”, Чикагодаги “ЎХара”, шунингдек Лос-Анжелес ва Нью-Ёрк шаҳарларида жойлашган. Европадаги энг йирик аэропортлар Буюк Британиядаги “Хитроу”, Германиядаги Франкфурт-Майн шаҳридаги “Рейн-Майн”, Париждаги Шарл де Голл номидаги аэропортлардир. Осиёда энг йирик аэропорт Токиодаги “Ханеда” ҳисобланади. Ҳаво транспорти нисбатан Буюк Британия, Япония, Германия, Франция, Бразилия, Россия, Италия, Канада ва Австралияда яхши ривожланган. Йилига энг кўп йўловчи қабул қилувчи аэропортлар Атланта, Чикаго, Лондон, Токио ва Парижда жойлашган.



16-расм. Жаҳоннинг йўловчи ташиш бўйича биринчи ўнтаклик давлатлари.

Юқорида таъкидланганидек, жаҳон ҳаво транспорти географияси йирик аэропортлар билан белгиланади. Айнан шундай аэропортлар йўловчи айланмаси, ушбу аэропорт жойлашган мамлакатдаги ҳаво транспортининг ривожланиш даражасини кўрсатади.

Энг йирик “Ҳаво кўприги” Европа ва Шимолий Америка ўртасидаги трансатлантика йўналишидир.

16-жадвал

Дунёдаги энг йирик аэропортлар йўловчи айланмаси.

Ўрин	Аэропорт номи	шаҳар	мамлакат	Йўловчи айланмаси (йилига млн киши)
1	Хартфилд	Атланта	АҚШ	80,2
2	ЎХара	Чикаго	АҚШ	73,1
3	Лос-Анжелес	Лос-Анжелес	АҚШ	65,8
4	Хитроу	Лондон	Буюк Британия	65,2
5	Даллас	Даллас	АҚШ	60,9
6	Ханеда	Токио	Япония	55,6
7	Рейн-Майн	Франкфурт – Майн	Германия	49,0
8	Шарл де Голл	Париж	Франсия	48,3
9	Сан-Франтсиско	Сан-Франтсиско	АҚШ	41,1
10	Схипхолл	Амстердам	Нидерландия	40,2

Мавзу бўйича саволлар.

1. Куруқлик транспортининг ривожланисидаги минтақавий тафоввутларни аниқланг.
2. Автомобил транспортининг ривожланиши қандай омилларга боғлиқ?
3. Қувур транспортининг жаҳон иқтисодиётида тутган ўрнини ,аҳолаш асосида унинг ўзига хос хусусиятларини кўрсатиб беринг.
4. Ўзбекистонда мустақиллик йилларида куруқлик транспортининг ривожланишида қандай ўзгаришлар юзага келди?

Сув транспортининг ривожланиш имкониятлари.

Таянч тушунчалар: денгиз транспорти, ички сув транспорти, халқаро савдо, денгиз паромлари, контейнер юклар, денгиз флоти, денгиз порти, дарё порти.

Сув транспортига денгиз ва ички сув транспорти турлари киради. Денгиз транспорти жаҳон сув транспортининг энг муҳим таркибий қисмидир. Денгиз транспортининг ривожланиши туфайли қитъалар ва мамлакатларни ажратиб турган океан ва денгизлар эндиликда бирлаштириш вазифасини ҳам бажармоқда. Денгиз транспортига халқаро савдога кўрсатилаётган хизматнинг 4/5 қисми тўғри келади, бу денгиз транспортининг катта ҳажмдаги юкларни бир вақтда таший олиши ва таннархининг пастлиги билан характерланади. Ҳозирги кунда денгиз транспорти йўловчи ташишдаги аҳамиятини йўқотган ва юк ташишга кўпроқ ихтисослашмоқда. Денгиз йўлларининг умумий узунлиги 10 500 минг км ни ташкил этади. Денгиз кемалари асосан катта ҳажмдаги суюқ (нефт ва нефт маҳсулотлари), қопланмайдиган ва тўкилувчан (кўмир, руда, дон ва б.) юкларни узоқ, баъзан 8-10 минг км га ташиб либ боради. Юк ташишда контейнер усулининг қўлланилиши асосий юклар деб аталадиган ярим тайёр ва тайёр маҳсулотларни ташиш ҳажмини оширди. Шундай юклардан деярли ярми контейнерларда ташилади ва уларнинг ялпи айланмаси йилига 200 млн тоннани ташкил этмоқда. Контейнеровозлар,

лихтеровозлар, рефрижераторлар, “Ро-Ро” типдаги кемалар ва денгиз паромларининг аҳамияти ортиб бормокда.


XX аср охирида дунё денгиз савдо флотида 39 минг кема ҳисобга олинган, шундан 30% и танкерлар (нефт ва нефт маҳсулотларини ташувчи) ва 25% и балкерлар (сочилувчи юклар ташувчи) дан иборат.

Контейнер юкларини ташиладиган йер шарини айланиб ўтадиган денгиз йўлларининг баъзилари узлуксиз йўлга қўйилган. Океанлардаги контейнер линиялари ривожланган минтақалар, Ғарбий Европа, Япония ва АҚШ ўртасида транспорт кўприкларини ҳосил қилган.

Денгизда юк ташишни денгиз савдо флоти амалга оширади. Халқаро савдо флотининг ялпи тоннажи (сув сиғими) 600 млн тоннадан ошади. XX асрнинг 70-йиллари ўрталарига қадар бу тоннажнинг деярли ярмини танкерлар ташкил қилган, лекин эндиликда уларнинг улуши пасайган.

Денгиз флотида ҳажм ва оғирлик кўрсаткичларининг катталикларидан фойдаланилади. Ҳажм кўрсаткичи ёки, сув сиғими брутто-регистрланган тонналарда (1 бр.рег. тонна – 2,83 м³), оғирлик, ёки юк сиғими – тонналарда ўлчанади. Энг юқори денгиз тоннажи АҚШ (70 млн бр.рег.тонна) ва Япония (50 млн бр.рег.тонна)га тўғри келади.

Денгиз савдо флоти тоннажи бўйича эса етакчилик Панама ва Либерия давлатларига тегишли. Умуман денгиз кемалари 160 та давлат байроғи остида сузади, лекин Панама ва Либерия каби ривожланаётган мамлакатлар байроғи билан сузувчи кемаларнинг кўплигини, бу кемаларнинг аслида АҚШ, Япония, Гретсия, Норвегия, ГФР, Буюк Британия, Италия, Шветсия каби давлатларга тегишли эканлиги билан тушунтириш мумкин. Бундай бўлишига сабаб, анъанавий денгиз мамлакатларининг солиқлар юки ва денгизчилар иш ҳақидан тежашга ҳаракат қиладилар. Шундай “арзон” байроқларга эга бўлган бир қанча ривожланаётган давлатлар ўз денгизчилик фаолиятлари билан бошқа давлатларга, биринчи навбатда Гретсия, Норвегия, Германия ва АҚШ га хизмат қиладилар.



18-расм. Жаҳоннинг денгиз савдо флоти тоннажи бўйича етакчи давлатлари

Буюк географик кашфиётлар давридан буён Атлантика океани денгиз йўллари бўйича биринчи ўринда туради. Ҳозирги кунда қирғоқлари бўйлаб 1,5 млрд аҳоли яшайдиган 70 дан ортиқ давлат жойлашган бу океан трассаларига барча денгиз йўлларида ташиладиган юкларнинг ½ қисми тўғри келади. XX

асрнинг 70-йилларида Осиё Тинч океан минтақаси давлатларининг кучли ривожланиши денгиз юкларини ташиш маркази бўлган Атлантикадан Тинч океанга кўча бошлади. Шундай бўлсада, Атлантика океани улушига денгизда ташиладиган юкларнинг 60%и тўғри келади. Бунда Тинч океанининг улуши 30% ни, Ҳинд океанининг улуши эса 10% ни ташкил этади.

Денгиз транспорти географияси денгиз портларининг жойлашуви билан белгиланади. Атлантика океан ҳавзасида дунёдаги портларнинг $\frac{2}{3}$ қисми жойлашган, уларнинг энг йириги Роттердам порти бўлиб, бу порт катталиги бўйича Сингапур ва Шанхайдан кейинги учинчи ўринда туради. Умуман йирик ва ўрта катталиқдаги портларнинг сони дунё бўйича 2,2 минг тадан ортади. Лекин жаҳон портлари деб аталадиган, йилига 50 млн тонна юкни қабул қилиб-жўнатадиган гигант-портлар сони 50 та. Шуларнинг ичида 27 таси 100 млн тоннадан ортиқ юк айланмасига эга. Баъзи портлар йирик мажмуаларни ҳосил қилади. Масалан Токио портини Токионинг ўзи билан бирга Кавасаки, Ёкогама, Ёкосука, Тиби каби портлари ташкил қилади, Лос-Анжелес портини Лос-Анжелес билан бирга Лонг-Бич ташкил этади.

Денгиз портлари юк айланмаси бўйича Хитой АҚШ ва Япониядан ўзиб биринчи ўринга чиқди. Юкларни қабул қилиш ва жўнатиш ихтисослиги бўйича портлар универсал (Шанхай, Сингапур, Роттердам) нефт ортувчи (Саудия Арабистонидаги Рас-Таннур, Кувайтдаги Мина-ал-Ахмади, эрондаги Харк, АҚШдаги Валдиз, Мексикадаги Тампико) , кўмир ортувчи (ЖАРдаги Ричардс-Бей, Австралиядаги Гладстон ва Ньюкасл) руда ортувчи (Австралиядаги Дампир ва Порт-Хедленд, Канададаги Сент Ил, Бразилиядаги Турбаран) ёғоч ортувчи (Канададаги Викториа, Бразилиядаги Манаус) каби портларга бўлинади. Энг йирик контейнер портлари Сянган, Сингапур, Роттердам, Гаосюн, Пусан кабилардир.

17-жадвал

Энг йирик универсал денгиз портлари

Т/р	Порт номи	Мамлакат	Юк айланмаси (млн тонна)
1	Шанхай	Хитой	460
2	Сингапур	Сингапур	323
3	Роттердам	Нидерландия	307
4	Тянтсзин	Хитой	243
5	Жанубий Луизиана	АҚШ	240
6	Кобе	Япония	235
7	Сянган (Гонконг)	Хитой	227
8	Тиба	Япония	219
9	Нагоя	Япония	215
10	Нинбо	Хитой	212

Денгиз транспорти географиясига халқаро денгиз каналлари улкан таъсир кўрсатади. Сувайш(Миср), Панама (Панама), Кил(Германия), Коринф(Гретсия) кабилардан иборат бу каналлар билан бирга Ла-Манш, Гибралтар, Хормуз, Малакка каби муҳим аҳамиятга халқаро денгиз бўғозларидан бир сутка давомида юзлаб кемалар ўтади.

18-жадвал

Дунёдаги энг муҳим денгиз каналлари

Канал номи	Мамлакат	Очилган йили	Узунлиги (км)	Максималь кенглиги (м)	Ўртача чуқурлиги (м)
Сувайш	Миср	1869	193	365	20
Кил	Германия	1895	99	104	11
Панам	Панама	1920	82	150	12,5

Ички сув (дарё ва кўл) транспортида мамлакатлар ичида, шу билан бирга халқаро юк ва йўловчи ташишда ҳам фойдаланилади. Бу транспорт соҳасининг ривожланишига ҳудуднинг табиий хусусиятлари – кема қатнови учун яроқли дарё ва кўллар, шунингдек каналлар ва сув омборларининг мавжудлиги таъсир кўрсатади. Бугунги кунда дарё, кўл ва каналлар орқали Шимолий Америка давлатлари (АҚШ, Канада) ва Европа давлатлари (Германия, Нидерландия, Белгия ва Франция) да юк ва йўловчи ташилади. Шимолий Америкада Миссисипи ва Авлиё Лаврентий, Европада Рейн, Шелде, Маас, элба, Дунай, Одер, Висла, Сена, Лаура, Гаронна дарёларидан самарали фойдаланилади. Бошқа мамлакатлар ичида Хитой ва Россияда ҳам ички сув транспорти нисбатан яхши ривожланган.

Баъзи минтақаларда халқаро дарё тизимлари: Европада Рейн ва Дунай, Америкада Авлиё Лаврентий, Лотин Америкасида Парана ва Амазонка, Осиёда Меконг, Ганг, Ҳинд, Иравади, Африкада Конго, Нил ва Нигер муҳим аҳамиятга эга. Дунёдаги энг катта кема қатновчи каналлар АҚШда Қирғоқбўйи ва эри канали, Хитойда Буюк Хитой канали, Германияда Рейн-Майн-Дунай, Ўрта Герман, Дортмунд-Емс, Францияда Марказий, Бургунд, Шарқий, Россияда Волга-Болтиқ, Беломор-Болтиқ каналлари ҳисобланади.

Кўлларда ташилган юклар ҳажми бўйича Буюк кўллар тизими дунёда биринчи ўринда туради.

Энг йирик дарё порти Германиядаги Дуйсбург ҳисобланади, уни “Рурнинг ғарбий дарвозаси” деб аташади. Бу порт йилига 50 млн тонна юкни қабул қилади ва жўнатади. Йирик дарё портлари қаторига яна Кёльн (Германия), Мемфис, Сент-Луис, Миннеаполис, Луисвил, Синтсиннати (АҚШ) кабилар киради.

Ривожланган давлатлар учун ички сув транспортини ривожлантириш фойдалидир. Бу транспорт мамлакат ичида йирик ҳажмдаги юкларни ташиш таннархини арзонлаштиради. Ривожланаётгана мамлакатларда мавжуд ички сув транспорти имкониятларини ишга солиш ҳам уларнинг ижтимоий ва иқтисодий ривожланишига ижобий таъсир кўрсатган бўлар эди.

Мавзу бўйича саволлар.

1. Денгиз транспорти бошқа транспорт тармоқларидан қандай хусусиатларига кўра фарқ қилади?
2. Денгиз савдо флоти тоннажи ҳақида нималарни биласиз ?
3. Дарё сув транспорти ривожланишининг минтақавий тафоввутларига баҳо беринг.
4. Ўзбекистон денгиз портларига чиқиш имкониятини берувчи қандай халқаро транспорт лойиҳаларида иштирок этмоқда?

Замонавий транспорт воситалари ва уларнинг ривожланиши.

Таянч тушунчалар: “халқ автомобили”, магнит релсли поезд, тезюрар поезд, океан лайнери.

Транспорт воситаларининг такомиллашуви жаҳон хўжалиги ва мамлакатлар аҳолисининг турмуш тарзида катта аҳамиятга эгадир. Кишилик жамияти тараққиёти давомида транспорт воситаларидан самарали фойдаланишга узлуксиз ҳаракат қилиб келинган. Анъанавий транспорт воситалари бўлган ҳайвонлар ва аравалар асрлар давомида жамият тараққиёти босқичларида турли даражада мукаммаллаштириб борилган. Юк ташувчи отларнинг янги зотлари етиштирилган, йўловчи ташувчи аравалар қулайлиги ва юк ташувчи аравалар мустаҳкамлигига доимий эътибор қаратиб келинган. Денгиз транспортидаги катта ютуқлар Европада тезсузар ва чидамли каравелла кемаларининг қурилиши билан эришилди. Айнан шундай кемаларда Х. Колумб Америка қитъасига йетиб борди, Васко да Гама Ҳиндистонга денгиз йўлини очди ва Фернан Магеллан йер айланаси бўйлаб биринчи саёҳатни амалга оширди. Ушбу кемалар европаликларга Америка, Осиё ва Африка қитъаларида ўз ҳукмронликларини ўрнатишга имконият берди ва айтиш мумкинки, жамият тараққиётини янгича йўналишга солиб юборди.

Инсон ҳамиша транспорт воситаларига тезкорлик, чидамлилиқ ва қулайлик талабларни кўйиб келди. Бу талабларни амалга ошириш ҳам ўз кўлида эди. Бинобарин, доимий изланиш табиий воситалар бўлган ҳайвонларнинг жисмоний имкониятлари, шамол кабилардан ташқари кўшимча имкониятларга эришишга олиб келди. Ю. Г. Саушкиннинг таъбири билан айтганда “инсоният табиатда мавжуд янги энергетика базаларидан фойдаланишни ўргана бошлади”. Юқорида таъкидланганидек, буғ машинасининг ихтиро қилиниши ва ундан фойдаланиш ишлаб чиқаришда янги энергетика базасини яратди ва бундан кейинги даврларда ушбу энергетика базасининг қудратлироқ вариантларини излаб топишга йўл очилди. XIX –XX асрлар кишилик жамиятининг айна энергия манбаларини кашф этиши ва улардан фойдаланишни ўрганиб бориш давридир. Хўжалиқ тармоқларининг биринчи навбатда, машинасозликнинг ривожланиши янги турдаги транспорт воситаларидан фойдаланиш, уларни такомиллаштириш йўллари кўрсатди. Айниқса ФТИ, транспорт йўллари, воситалари ва унга боғлиқ ишлаб чиқаришнинг такомиллашувига кучли таъсир кўрсатди. Бу эса ўз навбатида транспорт харажатларининг қисқариши, аҳоли ҳаракатчанлиги,

юк ташиш миқёси ва масофасининг кескин ошиши, ишлаб чиқаришни ҳудудий жойлаштиришнинг транспорт омилининг кучайишига сабаб бўлди.

Ендиликда инсон транспорт воситаларига қўйган талабларига деярли тўлиқ эришди деб ҳисоблаш мумкин, лекин бу талаблар ҳали ўз кучида турибди ва бу янги имкониятларга эга транспорт воситаларини ишлаб чиқаришга сабаб бўлмоқда. Тезлик, қулайлик ва сифат – бу талаблар ўз кучида турибди. Барча транспорт соҳаларида ушбу талабларни қондириш учун ҳаракат қилинмоқда. Буни тезюрар, қулай, улкан ва митти, энг янги технологик имкониятлар билан жиҳозланган автомобиллар, кемалар ва поездлар мисолида кўришимиз мумкин.

Замонавий транспорт воситаларидан энг кўп турдаги кўриниш ва вазифаларга эга бўлган тури автомобиллардир. Автомобиллар юк ва йўловчи ташишдан ташқари, кишиларнинг шахсий мулки, спорт турлари воситалари ва ҳоказолардир. Жамиятнинг барча жабҳаларида автомобиллар кишиларга доимий зарур буюмлар қаторига кирган. Шунинг учун ҳам, автомобиллар шакли, кўриниши, ҳажми, кучи, бажарадиган вазифаларига кўра имкониятлари турли – тумандир. Лекин барча типдаги автомобилларга албатта юқорида таъкидланган талаблар қўйилади. Айни вақтда спорт автомобилларининг тезлиги соатига 300 км дан ошади. Бу тезлик кундалик фойдаланиш учун ишлаб чиқариладган автомобилларнинг ҳам максимал тезлиги даражасида бўлиб қолмоқда. Бинобарин, спорт автомобилларининг тезкорлиги янада оширилиши табиий ҳолдир. Йўловчи ва юк ташиш хизматидаги автомобиллар минглаб километр масофаларни босиб ўтмоқда. Шахсий автомобилларнинг ақлли технологиялар билан таъминланиши қулайликни янада оширди. Шу билан бирга автомобиллар бошқа транспорт воситаларидан фарқли равишда оммабоп бўлиши лозимлиги таъкидланади. Шунга кўра аҳолининг кам таъминланган қатламлари ҳам сотиб олиши мумкин бўлган арзонлаштирилган автомобиллар ишлаб чиқариш устида иш олиб борилмоқда. ХХИ асрнинг биринчи ўн йиллигида “халқ автомобили” яратиш устида турли лойиҳалар тузилди. Бундай автомобил биринчи навбатда арзон бўлиши лозим эди. Ҳиндистонда яратилган шундай автомобиллар 2000 доллар туради. Бу автомобилнинг кўп қисмлари керамика ва пластикдан ясалган, хавфсизлик даражаси паст бўлгани учун оммалашмади. Жаҳон молиявий ва иқтисодий кризиси туфайли бундай лойиҳалар тўхтаб қолди. Айни вақтда кишилар ўзлари учун таниш бўлган анъанавий русумдаги автомобилларни афзал кўрмоқдалар. Замонавий қулайликларга автомобиллар ишлаб чиқаришда Япония, Германия, АҚШ, Буюк Британия, Италия, Франтсия ва Шветсия мамлакатлари катта муваффақиятларга эришганлар. Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилаётган автомобиллар ҳам замонавий талабаларга юқори даражада жавоб беради.

Темир йўл транспортида янгича турдаги технологияларга эга тезюрар поездлар ишлаб чиқарилмоқда. Бундай поездлар соатига 500 км гача ҳаракатланадилар. Японияда ишлаб чиқилган магнит релсли поезд максимал тезлиги 581 км соатни ташкил этади. Поездларнинг тезлиги йирик шаҳарлар ўртасида алоқани кучайтиради ва кўп миқдордаги йўловчи ташишни қулай йўлга солади. Одатдаги тезюрар поездлар соатига 250-300 км йўл босади.

Ўзбекистонда Тошкент-Самарқанд йўналишида МДХ худудида ягона тезюрар “Талго” русумидаги поезд ҳаракатланмоқда.

Тезюрар поездлар фақат йўловчи ташишга мўлжалланган. Поездларда юк ташиш асосан қитъа ичида, мамлакатлараро амалга оширилади.

Халқаро юкларни ташишда денгиз транспортдан кенг фойдаланилади. Денгизда ташиладиган турли юклар ихтисослашган кемаларда узок масофаларга ташилади. Денгиз транспорти йўловчи ташишдаги аҳамиятини йўқотган бўлсада океан ва денгизларда саёҳат қилувчилар учун мўлжалланган, барча қулайликларга эга кемалардан рекреатсион мақсадларда кенг фойдаланилади. Айни вақтда ўз бортига 5000 кишигача қабул қила оладиган океан лайнерлари мавжуд. Бундай кемаларни сузувчи шаҳар деб аташ мумкин. Унда кишиларнинг дам олиши ва сайр қилиши учун барча қулайликлар мавжуд.

Қитъалар ўртасидаги масофани деярли йўқотишга эришган транспорт воситаси шубҳасиз самолётлардир. Ҳаво транспорти XX асрнинг бошида шаклланган ва шу бир аср давомида улкан ўзгаришларга эришди. Мухим юклар ва йўловчилар минглаб километрлар масофага бир неча соатда етказиб борилади. Бу борада товушдан тез учувчи самолётлар катта муваффақиятга эришганлар. Франция ва Буюк Британия ҳамкорлигида ишлаб чиқилган “Конкорд” русумли товушдан тез учувчи самолёт Атлантика океани устидан 3 соатда учиб ўтади. Бундай самолётларнинг учиши жуда қимматлиги учун эксплуатациядан чиқарилган. Айни вақтда ҳаво транспортида кўпроқ йўловчи ташишга мўлжалланган самолётлар ишлаб чиқилган, уларга 300-500 ва ундан кўпроқ йўловчи сиғади. Тезлиги соатига 2300-2500 км бўлган самолётлар лойиҳалаштирилмоқда.

Мавзу бўйича саволлар.

1. Айтингчи, замонавий транспорт воситалари қандай хусусиятларга эга бўлиши керак?

2. Сўнгги йилларда денгиз транспорти билан боғлиқ қандай ўзгаришлар юз берди?

3. Замонавий транспорт воситалари орасида электрон транспортнинг тутган ўрнига баҳо беринг.

4. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда замонавий транспорт воситалари орасида қайси турлари тез суъратлар билан ривожланди?

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимизнинг фаровонлигини янада юкалтиришдир - Т.: Ўзбекистон, 2010.
2. Каримов И.А. Жаҳон Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этиш йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009.
3. Асанов Г.Р. Социал-иқтисодий география: термин ва тушунчалар изоҳли луғати.-Т.: Ўқитувчи, 1990.
4. Асанов Г., Набихонов М., Сафаров И. Ўзбекистоннинг иқтисодий ва ижтимоий географияси.- Т.: Ўқитувчи, 1994.
5. Ваҳобов, М. Тиллабоева. Иқтисодий география асослари. Т. Ўқитувчи, 2001.
6. Воронин В.В., Шарыгин М.Д. Экономическая, социальная и политическая география. – Самара: СГЭУ, 2006.
7. В. П. Максаковский Экономическая и социальная география мира. – М.: Просвещение, 2009.
8. Максаковский В.П. Географическая картина мира. Книга II. Общая характеристика мира. – М.: Дрофа, 2004.
9. Набиев э., Қаяумов А. Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳияти. – Т., 2000.
10. Саушкин Ю.Г. Экономическая география: история, теория, методы, практика. – М.: Мысль, 1973.
11. Солиев А., Абдуназаров Ҳ. Енгил ва озиқ-овқат саноатининг минтақавий муаммолари (Сурхондарё вилояти мисолида). – Т.: Фан, 2007.
12. Солиев А., Маҳаммадалиев Р. Иқтисодий география асослари – Т.: Ўзбекистон, 1996.
13. Солиев А., Сафаров И. Иқтисодий ва сotsиал география асослари. – Т.: Талқин, 2003.

14. Солиев А., Қаршибоева Л. Иқтисодий географиянинг назарий ва амалий масалалари. – Т.: Зиё, 1999.
15. Солиев А., Янчук С. Размещение производительных сил и поляризованное развитие экономики Республики Узбекистан. – Т., 2005.
16. Солиев А., Назаров М., Қурбонов Ш. Ўзбекистон худудлари ижтимоий- иқтисодий ривожланиши. – Т. : Мумтоз сўз, 2010.
17. Тўхлиев Н. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти. – Т.: Ўзбекистон миллий энтсиклопедияси, 2006.
18. Фромберг А. Э. Экономическая и социальная география. – М.: Экзамен, 2011.
19. Хрущев А.Т. География промышленности. – М.: Высшая школа.1990.
20. Ўзбекистон миллий энтсиклопедияси. Т.: Ўзбекистон миллий энтсиклопедияси, 2001.
21. Чистобаев А.И., Шарыгин М.Д. Экономическая и социальная география. – Л.: Наука, 1990.
22. Шарыгин М.Д. Основные проблемы экономической и социальной географии. – Пермь, 1997.
23. Экономическая, социальная и политическая география: мир, регионы, страны. (под редакцией профессора И.А.Родионовой) – М, 2008.
24. [хттп://гео.1 септембер. ру](http://geo.1september.ru) www. географйиа. ру

Глоссарий:

Аграр муносабатлар (латинча *аграриус* — ер) — қишлоқ хўжалигида кишилар ўртасида бўлган ижтимоий-синфий муносабатлар. А. м. шу жамиятда ер кимнинг қўлида эканлигига (ер эгаллигига), ерда ким ва қандай шарт билан ишлаётганига (ердан фойдаланиш шакли-га) қараб фарқ қилади. Ҳар бир ижтимоий тузумда ер эгаллиги ва ердан фойдаланишнинг ўз шакллари ва шу шаклларга мос. А. м. амал қилади.

Аграр-саноат комплекси — муайян территорияда қ. х. маҳсулотларини ишлаб чиқарадиган ҳамда қайта ишлайдиган ва бир-бирлари билан боғланган қ. х. ва саноат корхоналарининг бўлиши.

Агроиқлимшунослик (юнонча *агрос* — дала) — иқлимни қишлоқ хўжалигининг, асосан деҳқончиликнинг муҳим омили сифатида ўрганувчи фан. А. нинг асосий вазифаси иқлим билан қишлоқ хўжалик экинларининг ўсиши, ривожланиши ва оқилона жойлаштирилиши ўртасидаги муносабатни аниқлашдан, агротехника ва мелиорация тадбирларини иқлимий жиҳатдан асослаб беришдан ва ҳ. қ лардан иборат. Қишлоқ хўжалик экинларини иқлим ва микроиқлим шароитига кўра районлаштириш, яъни агроиқлимий районлаштириш А. нинг бош масаласидир.

Агротехника — экинларни парваришлаш, улардан юқори ва сифатли ҳосил олиш усулларининг мажмуи. Ерни ҳайдаш, текислаш, бороналаш ва экишга тайёрлашнинг бошқа усуллари, ўғитлаш, суғориш, уруғни экишга тайёрлаш (саралаш, дорилаш, ивитиш ва б.), экиш ва ҳосил йиғиб-териб олингунча ўсимликни парвариш қилиш ишлари А. усуллариандир. А. га алмашлаб экишни жорий қилиш, ўсимлик қолдиқларини даладан йиғиштириб олиш, кузги шудгорлаш, яқоб бериш, сифатли уруғлик танлаш, экиш схемаларини тўғри қўллаш, кўчатларнинг нормал қалинликда бўлишига эришиш, ўғитлардан тўғри фойдаланиш, экинни қатъий режим бўйича суғориш, ўсимликнинг илдиз системасини зарарлантирмаслик, экинзорларни бегона ўтлардан тоза тутиш, зараркунанда ва касалликларга чидамли навларни экиш ва ҳ. қ ҳам қиради.

Адирлар — Ўрта Осиё тоғлари этагидаги чўл ва чала чўл қирлар. Неоген ва антропоген даврларнинг чўкинди тоғ жинсларидан таркиб топган. Фарғона, Ҳисор, Сурхондарё водийларида кўпроқ конгломерат ва чақир тошлардан иборат бўлиб, баъзи жойларида лёсс билан копланган. А: пасти-баланд бўлади. Уларни кўп жойларда сой ҳамда жарлар кесиб ўтиб, айрим-айрим қисмларга бўлиб юборган. А. нинг абсолют баландлиги 400—500 м дан 1000—1500 м гача боради. А. баланд тоғ этақларидан тектоник ботиклар орқали ажралган бўлади. Баҳор пайтларида А. да ранг-баранг ўтлар, лолалар ўсиб ётади. Хўжаликда А. дан баҳорги яйлов сифатида фойдаланилади, ёгин кўпроқ тушадиган жойларда ғалла етиштирилади. Копетдоғ ва Қримда тоғ этақларидаги шундай баландликлар б ай и р л а р деб юритилади. Қозоғистон ва Қирғизистонда унча катта бўлмаган қолдиқ қир ва тоғлар ҳам адир деб юритилади; мас, Қирғизистондаги Оқадир.

Акклиматизация — организмларнинг янги иқлим шароитига мослашиши: қ. *Иқлимлаштириш*.

Алмашлаб экиш — иқлими ва тупроқ шароитига қараб қишлоқ хўжалик экинларини навбат билан экиш. Бунда экин майдони бир хил катталиқдаги бир неча далага бўлинади ва ҳар бирига белгиланган экин навбат билан экилади. Ўзбекистонда кўпроқ пахта билан беда алмашлаб экилади.

Арид иқлим (латинча *ари-дус* — қурғоқчил) — намланиш миқдори ўсимликлар вегетацияси учун етарли бўлмаган қуруқ, иссиқ континентал иқлим. А. и. да мумкин бўлган (потенциал) буғланиш йиллик ёгин миқдоридан анча ортик (10 баравар ва ундан ҳам ортик, ёз жазирама иссиқ бўлади. А. и. шароитида суғориладиган ерлардагина деҳқончилик қилинади. Чўл, чала чўл ва қуруқ даштлар иқлими А. и. дир.

Арид ўлкалар — ҳавонинг суткалик ва фаслий тралари катта тафовут қиладиган, нисбий ҳамда абсолют намлиги кам, ёгин-сочин жуда оз (150—200 мм), қуруқ (чўл ва чала чўл) иқлимли ўлкалар.

Баҳорикор деҳқончилик, лалмикор деҳқончилик — суғорилмайдиган деҳқончилик Адирлар, текислик ва тоғ этаклари ҳамда тоғли зонада ривожланган (қ. Баҳорикор ерлар).

Баҳорикор ерлар— суғориладиган (обикор) деҳқончилик зонасидаги (Ўрта Осиё, Закавказье) суғорилмай деҳқончилик қилинадиган ерлар. Б. е. асосан тоғ олдиларида ҳамда воҳалар атрофида жойлашган бўлиб, бу ерларда кўпроқ қурғоқчиликка чидамли экинлар (буғдой, арпа, тарик) экилади. Баъзан полиз экинлари ҳам етиштирилади.

Бонитет — табиий ресурсларни иқтисодий жиҳатдан баҳолашда ишлатиладиган кўрсаткич

Вегетация даври — 1) йилнинг ўсимлик ўсиши ва ривожланиши учун қулай даври. Мўътадил иқлимли рнларда В. д. баҳорнинг охири совуқ кундан кузда тушадиган биринчи қора совуқ ўртасидаги вақтга тўғри келади, тропик ва субтропик иқлимга эга бўлган ерларда эса бу давр йилнинг деярли ҳамма фаслини ўз ичига олади. В. д. ташқи шароитга ва навнинг ирсий хусусиятларига ҳам боғлиқ. Бир шароитда эртапишар деб ҳисобланган нав иккинчи бир шароитда кечпишар бўлиши мумкин. Мас, ўртача узун толали ғўзаларнинг В. д. шимолий рнларда қисқа (110—130 кун), жанубий рнларда узун (120—150 кун) бўлади.

Водий — оқар сувларнинг ювиб кетишидан вужудга келган узунасига чўзилган эгри-бугри сойлик В. лар шаклига кўра, дара, каньон, танги, қопчиғай каби тўрларга бўлинади. В. ларнинг ён бағирларида террасалар бўлади. Тектоник чўкиш натижасида пайдо бўлган баъзи бир бетиклар ҳам В. дейилади. Ўрта Осиёдаги Олай, Фарғона, В. лари, Шимолий Америкадаги Калифорния В. си ана шундай ботиклардир. Бундай В. ларда аҳоли зич яшайди; қ. *Дарё водийси*.

Воҳа — чул ва чала чўлларда сув чиқариб обод қилинган ер. В. да намгарчилик қўшни рнларга нисбатан кўп, ер ости сувлари юза бўлиб, булоқлар чиқиб ётади. В. кўпинча дарё, кўл, канал ва қудуқлардан сув ичади. Майдони бир неча ўн км² дан бир неча ўн минг км² га боради. Шимолий Африка, Олд Осиё ва Марказий Осиё чўлларида машҳур В. лар бор. Масалан Мурғоб, Хоразм, Бухоро В. лари, Фарғона водийсидаги В. лар ҳам анча катта. Одатда В. ларда аҳоли зич яшайди.

Гармсел (тожикча *гарм* — иссиқ, *сел* — оқим, ҳаво оқими) — Ўрта Осиёдаги иссиқ ва қуруқ шамол. Қизилқум ва Қорақум чўлларида қизиган қуруқ ҳавонинг атрофга эсишидан ҳосил бўлиб, баҳор ва ёзда эсади. Тезлиги секундига 15—20 м. Г. эсганда ҳаво температураси кескин кўтарилиб 40° дан ҳам ошади, нисбий намлик пасаяди (5—10%), баъзан қуюқ тўзон кўтарилади. Тупроқда нам етишмай қолганидан ўсимлик сўлийди ёки бутунлай қуриydi. Г. баҳорикор экинларга айниқса катта зарар етказди.

Дашт — ўтлар билан қопланган ўрмонсиз территория. Д. иқлими чўлларга нисбатан юмшоқроқ бўлади.

Дон-дуккакли экинлар — дуккакдошларга мансуб ўсимликлар. Асосан дони учун ўстирилади. 60 дан ортиқ тури бор: нўхат, нут, мош, соя, ерёнғоқ, бурчок, ясмиқ ва б.

Донли экинлар — энг муҳим ғалла экинлари, асосий озиқ-овқат маҳсулоти, чорва моллари учун ем, шунингдек, қоғоз саноати учун хомашё беради. Барча экинлар ичида майдони ва ялпи маҳсулоти жиҳатидан биринчи ўринда туради. Донининг таркиби ва маҳсулоти истеъмол қилиниши жиҳатидан уч группага: ғалла (дон) экинлари, дон-дуккакли ва мойли дон экинларига бўлинади.

Ем-хашак экинлари — мол ва паррандаларга кўкат, пичан, ем, силос учун экиладиган ўсимликлар. Е.-х.э. га бир йиллик ва кўп йиллик ўтлар (беда), хашаки илдиз-мевали, картошкали ўсимликлар (картошка, турнепс, хашаки лавлаги), хашаки полиз экинлари (хашаки тарвуз, ошқовоқ), ширин картошка (батат), силос бостириш ва ем учун экиладиган донли экинлар (маккажўхори, сули, арпа) қиради.

Енгил саноат—турли хом ашёлардан (асосан пахта, зиғир, қанон толаси, ҳайвон териси, жун, сунъий чарм, сунъий толалардан) кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган саноат тармоқлари. Хом ашёга дастлабки ишлов бериш, жумладан пахта тозалаш, ип газлама, жун газлама, шойи тўқиш, тикувчилик, қаноп-жут, трикотаж,

пойабзал, кигиз-намат, мўйна, мебель, атторлик буюмлари, чинни-фаянс ишлаб чиқариш, тери ошлаш, пўстин тикиш ва б. Е. с. тармоқларидир.

Зовур, дренаж — ер шўрини ювиш, ер ости ва сизот сувлар сатҳини пасайтириш, тўқай ва зах ерларни қуритиш мақсадида қазилган ариқ ва ётқизилган қувурлар системаси. Ҳозир очиқ ёки ёпиқ ариқ ва кудук типигаги 3. лар мавжуд.

Индустриялаш (латинча *индустрии* — фаолият) — ҳозирги замон корхоналарини қуриш ва фан-техника ютуқларини ишлаб чиқаришнинг барча тармоқларига жорий қилиш йўли билан ривожланган саноатни бунёд этиш.

Ипакчилик, пиллачилик — қ. х. нинг ипак қурти боқиш, янги қурт зотлари етиштириш, пилладан мўл ҳосил олиш йўллариини ишлаб чиқиш билан шуғулланадиган тармоғи.

Ирригация (латинча *ирригацио* — суғориш), **суғориш** — қурғоқчил ерларга сув келтириш, далаларни суғориш, тупроқнинг ўсимлик илдизлари озикланадиган қатламида сув запасини ростлаш. Мелиорация турларидан бири.

Ихтисослашиш — кишиларнинг бирон-бир машғулотда банд бўлиши ёки меҳнатнинг айрм операцияларга бўлиниши. Қ. х. да айрим экинлар экишга ёки чорвачиликнинг муайян соҳасига ихтисосланади. Саноатда бир ёки бир неча деталь тайёрлашга ихтисосланади. Бу эса, ишлаб чиқаришни механизациялашни осонлаштиради, маҳсулотни арзонлаштиради, шунингдек, заводларда муайян узел, агрегат, Мас, автомобиль двигатели тайёрлашга ихтисосланади.

Ишлов берувчи саноат — кон саноати, қ. х., ўрмон хўжалиги, балиқ тутиш, овчиликдан келадиган, шунингдек, синтетик йўл билан олинадиган хом ашёга ишлов берадиган ёки уни қайта ишлайдиган саноат тармоқлари. И. б. с. нинг энг муҳим тармоқлари: машинасозлик ва металлсозлик, қора ва рангли металлургия, нефтни қайта ишлаш, химия, электротехника, электрон, ёғочсозлик, қурилиш материалларн ишлаб чиқариш, қоғоз, тўқимачилик, тикувчилик, пойабзал, ун, шакарқанд, консерва саноати ва б.

Иқлим — муайян жойнинг шу жойга хос бўлган ва йилдан-йилга тақрорланиб турадиган об-ҳаво типлари (қуруқ, иссиқ ёки серёғин, совуқ ва ҳ. қ). И. Қуёш радиацияси, ер юзаси ҳолати ва атмосфера ҳаракати ҳосиласидир. И. об-ҳаводан фарқ қилиб, барқарор бўлади. У йиллар, асрлар мобайнида эмас, геологик даврлар мобайнида ўзгаради.

Иқлимлашиш — ўсимлик ва ҳайвонларнинг янги шароитга мослашиши. Ўсимлик ва ҳайвонлар кишилар томонидан янги районларга олиб бориб экилиши ёки маккажўхори билан картошканинг бутун ер юзига тарқалиши И. га яққол мисолдир, аслида бу ўсимликларнинг ватани Жанубий Америка.

Концентрат (латинча *концентратус* — тўпланган) — фойдали қазилмаларни бойитиш (концентрация қилиш) йўли билан олинган маҳсулот.

Концентрация — предмет, ҳодиса-воқеаларнинг бир жойга тўпланиши, йигилиши, бирлашиши. Иш ла б чиқариш концентрацияси **концентрацияси**-йирик корхоналар сонининг кўпайиши ва жамиятда мавжуд бўлган ишлаб чиқариш воситалари, ишчи кучи ва маҳсулотлар тобора кўпроқ қисмининг ана шу йирик корхоналарда тўпланиши.

Мелиорация (латинча *мелио-рацио* — яхшнлаш) — қишлоқ хўжалигида фойдаланаладиган ерларнинг ҳолатини тубдан яхшилаш мақсадида амалга ошириладиган агротехник ва гидротехник тадбирлар. М. катта майдонларда барча табиий шароитни одамнинг хўжалик фаолияти учун фойдали қилиб ўзгартириш; фойдали ўсимлик ва ҳайвонлар учун тупроқда қулай сув, ҳаво, иссиқлик ҳамда озик режимини, атмосферанинг ерга яқин қатламида эса ҳавонинг намлик, иссиқлик ва ҳаракатланиш режимини вужудга келтириш; жойни соғломлаштириш ҳамда табиий муҳитни яхшилаш имконини беради. М. қишлоқ хўжалиги самарадорлигини оширишнинг асосий омилдир. Асосий мелиоратив ишлар: ботқоқликларни қуритиш, сув ҳавзалари қуриш, қурғоқчил ерларни суғориш, яйлов ва ўтлоқларни яхшилаш, қорни тутиб қолиш, дарахтзорлар барпо қилиш, кислотали ерларни оҳаклаш, шўртоб ерларга гипс солиш, бутазорлар барпо қилиш, кўчма қумларга, шамол ва сув эрозиясига қарши курашиш.

Металлургия (металл ва юнонча *ергон* — иш)—руда ва таркибида металл бўлган материаллардан металл олиш, металл ва қотишмаларнинг химиявий таркибини, структурасини ўзгартириш жараёнларини ўз ичига олган фан, техника ва ишлаб чиқариш соҳаси. Ер бағридан қазиб олинган рудаларга дастлабки ишлов бериш, металл ва коришмалар олиш, рафинациялаш (тозалаш), уларга маълум шакл ва хоссалар бериш ҳам М. вазифасига киради; қ. *Рангли металлургия* ва *Қора металлургия*.

Мойли экинлар — мой олиш учун экиладиган Ўсимликлар. Кунгабоқар, зиғир, кунжут, кана-кунжут, махсар, ерёнғоқ, соя, горчица, конопля, пахта ва б. М. э. жумласига киради. Шунингдек, зайтун, тунга, кедр, ёнғоқ, бодом каби дарахтларнинг мағизларидан ҳам мой олинади. Кунгабоқар, зиғир, конопля, пахта, ерёнғоқ, кунжут М. э. орасида энг катта ўрин тутди.

Монокультура хўжалиги (юнонча *монос* — битта ва латинча *культура* — экиш) — биргина жойнинг ўзида бир хил экинни узлуксиз экиш. Оқибатда ернинг унумдорлиги камаяди, эрозия авж олади.

Об-ҳаво—атмосферанинг (ҳавонинг) муайян бир вақтдаги ҳолати. Вақт ва масофада тез ўзгариб туради. О. маълум бир вақтнинг ўзида бир-бири билан уйғун метеорологик элементлар мажмуи билан ифодаланади (ҳаво т-раси, намлиги, шамол, булутлар, ёғин, ҳаво босими, тиниклиги ва ҳ. қ). О. ўзгариши деганда мана шу элементларнинг ўзгариши тушунилади. О. даврий (кеча билан кундуз), фаслий ҳамда нодаврий равишда (циклон ўтиши, турли ҳаво массаларининг келиши, антициклон туриши оқибатида) ўзгариб туради.

Озиқ-овқат саноати — аҳолини озиқ-овқат моллари билан таминлайдиган саноат корхоналарининг умумий номи. Асосий тармоқлари; ун тортиш, қанд-шакар, гўшт балиқ, сут, кондитер, ёғ, консервалар, макарон, маргарин, витаминлар ишлаб чиқариш, нон ёпиш.

Олтин рудалари — таркибида олтин бўлган тоғ жинслари. О. р. конлари туб конларга ва сочма конларга бўлинади. Туб конлар орасида тарқоқ бўлса ҳам таркибида олтин бўлган кварц ертомирлар катта роль ўйнайдй. Сочма конлар туб конларнинг нураши ва сувнинг бошқа жойларга олиб бориб ташлаши натижасида пайдо бўлади. Сочма конлардан вазни бир неча кг келадиган туғма олтин парчалари ҳам топилади. Олтин тангалар зарб этиш, аниқ ва оксидланмайдиган приборлар, зебу зийнат буюмлари ишлаш, тиш қўйиш учун фойдаланилади.

Оғир машинасозлик — машинасозликнинг деталлари катта ва залварли машиналар ишлаб чиқарадиган тармоғи. О. м. корхоналари металлургия, кон-руда саноати учун асбоб-ускуналар, йирик темирчилик-пресшлаш, кўтарма транспорт воситалари, шунингдек, йирик экскаваторлар, тепловозлар, т. й. вагонлари, дизеллар ва турбиналар, буғ қозонлари ишлаб чиқаради.

Оғир саноат — аксари ишлаб чиқариш воситалари: машина ва асбоб-ускуналар, ёқилғи, энергия, металллар, химиявий маҳсулотлар, қурилиш материаллари ва б. ишлаб чиқарадиган саноат тармоқлари. О. с. ишлаб чиқарадиган ишлаб чиқариш воситалари бўлмаса, халқ хўжалигининг биронта ҳам тармоғи ривожлана олмайди. Халқ хўжалигининг техника тараққиёти О. с. нинг тараққиёти даражаси билан белгиланади. О. с. ижтимоий меҳнат унумдорлигининг ўсишига замин яратади ҳамда мамлакатнинг ҳарбий қудратини таъминлайди.

Полиметалл рудалар (юнонча *поли* — кўп)—таркибида бир неча металл, яъни кўрғошин, рух, шунингдек, кумуш, мис, олтин, висмут, кадмий, индий, қалай, кобальт ва б. бўлган рудалар.

Район (французча *район* — бир нуқтадан таралган)—бирон-бир хусусиятларига қараб ажратиладиган территория; иктисодий, табиий географик, маъмурий Р. лар бўлади; Мас, ўзининг иктисодий — географик ўрни, ихтисослашиши ва ишлаб чиқаришининг пропорционаллиги ҳамда ўзаро боғлиқлик даражаси билан фарқ киладиган территория иктисодий Р. дейилади.

Рангли металлургия — темирдан бошқа барча металл рудалари қазиб чиқариш, бойитиш ва металллар ишлаб чиқариш. Рангли металллар 4 группага бўлинади: 1)оғир

металлар — мис, никель, кўрғошин, қалай, кобальт, мишьяк, симоб ва б.; 2) енгил металлар — алюминий, магний, титан, натрий, бериллий, калий ва б.; 3) асл металлар — олтин, кумуш, платина, осмий ва б.; 4) нодир металлар — вольфрам, молибден (тарқоқ металлар — таллий, галлий, германий ва бошқалар), сийрак ер элементлари (лантан), радиоактив металлар (полоний, радий, актиний, торий, уран ва бошқалар). Рангли металл рудалари таркибида одатда металл кам миқдорда бўлади (Мас, мис рудаси таркибида 1 % мис бўлса, казиб олинади); шунинг учун рудалар бойитилади (қ. *Бойитиш*). Руда таркибида кўпинча бир неча металл бўлади (қ. *Полиметалл рудалар*) ва олтингугурт учрайди.

Саноат – моддий ишлаб чиқаришнинг энг йирик етакчи тармоғи бўлиб, унда меҳнат куроллари (воситалари), меҳнат буюмлари ва халқ истеъмол товарларининг кўпчилик қисми яратилади.

Силикат саноати — оловбардош, чинни — фаянс ва керамик буюмлар (ғишт, черепица; водопровод ва канализация трубалари, сопол идишлар), цемент, оҳак, ойна шиша ишлаб чиқарадиган саноат тармоқлари.

Табиий ресурслар, табиат ресурслари (французча *ресурс* — маблағ) — инсоният учун яшаш воситаси бўлиб хизмат қиладиган ва хўжаликда фойдаланиладиган табиат элементлари (моддий бойлик ва энергия турлари). Ерлар, фойдали қазилмалар, ўсимлик ҳамда сув бойликлари, ёввойи ҳайвонлар, қулай иқлим шароити, сув ва шамол энергияси кабилар Т. р. дир.

Тармоқ — асосий (бош) дарё ва каналлардан ажраб чиққан сув, асосий тоғ тизмасидан ажраб чиққан иккинчи, учинчи ва ҳ. қ даражали тизма, асосий йўллардан ажралиб чиқувчи йўл ва ҳ. қ

Территориал ишлаб чиқариш комплекслари, и ш л а б ч и қ а р и ш т е р р и т о р и а л к о м п л е к с л а р и — жамиятнинг ишлаб чиқарувчи кучларини территория бўйлаб жойлаштириш формаси бўлиб, фан-техника революцияси шароитида ишлаб чиқарувчи кучларни тараққий эттириш вазифаларига мос тушади. Т. и. ч. қ иқтисодий район (кенжа район) хўжалигининг таркибий қисми ҳисобланади ва ўзаро боғланган саноат ва қ. х. корхоналари мажмуидан иборат; Т. и. ч. қ муайян терр-яда (маъмурий чегарага мос келиши шарт эмас) таркиб топади, территориал меҳнат тақсимооти системасида актив иштирок этади.

Техника экинлари — саноатнинг турли тармоқлари учун хом ашё берадиган қ. х. ўсимликлари. Қандай маҳсулот олинишига қараб бир неча группага бўлинади: крахмалли экинлар (картошка, батат — ширин картошка ва б.), қандли экинлар (шакарқамиш, қанд лавлаги ва б.), мойли экинлар (кунгабоқар, ерёнғоқ, соя, канақунжут, кунжут, зиғир, горчица, зайтун, тунг ва б.), эфир мойли экинлар (ялпиз, герань, атиргул, лаванда, кориандр ва б.), толали ўсимликлар (пахта, узун толали зиғир, жут, каноп, канопля ва б.); бундан ташқари, доривор, ошловчи, наркотик, бўёқ берувчи в а ҳ. қ экинлар бўлади.

Торф, е р т е з а к — ботқоқликларда чала парчаланган ўсимлик қолдиқларидан ҳосил бўлган тоғ жинси. Табиий ҳолда намлиги 88—94%. Т. асосан ёқилғи сифатида, шунингдек, қ. х. да (ўғит), медицинада ишлатилади. Т. дан термоизоляция материаллар, кокс ва б. олинади. Дунёдаги Т. запасларининг $\frac{2}{3}$ қисми собиқ Иттифоқдаир (асосан тайга зонасида).

Тошкўмир — ўсимликлардан пайдо бўлган ёнувчи чўкинди жинс; таркибида 75—97% углерод бор. Т. энг муҳим қазилма ёқилғилардан бири. Т. дан кокс, ёнувчи газ олинади. Т. химия саноати учун хом ашё ҳисобланади. Иссиқлик бериш қобилияти 7—8,7 минг ккал/кг.

Транзит (латинча *транзитус*— ўтиш)— бирон станция, район, давлат орқали юк ёки пассажир олиб ўтиш. Юк ёки пассажир транспортнинг бошқа турига ўтказиладиган ёйинки бошқа томонга йўналтирадиган станция ҳам Т. дейилади. Ирмоқ қабул қилмасдан бирон территориядан оқиб ўтиб кетадиган дарё Т. дарё деб аталади.

Транспорт (латинча *транспорт*— ташийман)—халқ хўжалигининг юк ва пассажир ташийдиган тармоғи, Т. нинг асосий турлари темир йўл, денгиз, дарё, автомобиль, ҳаво ва

трубопровод Т. лари. Т. иши юк обороти ва ташилган пассажирлар миқдори билан ўлчанади.

Тупроқ — ер пўстининг ўсимликлар ўса оладиган даражада унумдор бўлган энг устки юмшоқ қисми. Т. биосфера, атмосфера ва литосферанинг ўзаро таъсир этиши натижасида пайдо бўлади. Т. асосан ҳар хил минераллардан, шунингдек, органик моддалардан иборат бўлиб, таркибида сув, тупроқ эритмалари, ҳаво ва ҳар хил микроорганизмлар бор. Т. нинг минерал моддалари она жинснинг нурашидан, органик моддалар — чиринди эса ўсимлик ҳамда ҳайвон қолдиқларининг чиршишдан ҳосил булади. Т. нинг унумдорлиги чиринди миқдори ва таркибига боғлиқ. Механик таркибига (зарраларнинг катта-кичиклигига) кўра кумли, гилли кумоқ, кумлоқ Т. лар, пайдо бўлишига кўра подзол, чимли подзол, қора, каштан, сур, қизил ва б. Т. лар булади. Т. типлари ер шароитида географик зоналар бўйлаб жойлашган.

Ундирувчи саноат — хилма-хил хом ашё ва ёқилғи ундириш, қазиб чиқариш билан шуғулланадиган ишлаб чиқариш соҳаси. Кон саноати, ёғоч тайёрлаш, балиқ овлаш, овчилик ва б. У. с. нинг асосий тармоқларидир.

Ферроқотишма (латинча *ferrum* — темир) — темирнинг марганец билан (ферромарганец), кремний билан (ферросилиций), хром билан (феррохром), вольфрам билан (ферровольфрам), молибден билан (ферромolibден) ва б. элементлар билан қотишмалари. Ф. пўлат эритиб олиш, эриган металллардан кислородни чиқариб ташлаш ва металлга бирон хосса бериш учун ишлатилади.

Хом ашё — ишлаб чиқариш учун меҳнат сарф бўлган, лекин ҳали ишлов берилмаган ёки қайта ишланмаган материал ёки маҳсулотлар. Х. а. ишлов берувчи саноат учун дастлабки материалдир. Энергетика ёқилғиси Х. а. си (нефть, табиий газ, кўмир, ёнувчи сланец, уран), металлургия Х. а. си (турли металл рудалари, барит, плавик шпат, олтингургурт), техник Х. а. (олмос, графит, слюда) ва сунъий Х. а. лар бўлади. Қ. х., ўрмон, балиқ саноати Х. а. лари — ғалла ва техника экинлари, ёғоч-тахта, гўшт, балиқ, сут, хом тери, жун ва б. Ишлов берилган, лекин ҳали тайёр маҳсулот ҳисобланмаган (тайёр маҳсулотга айланиши учун янада ишланадиган) Х. а. я р и м ф а б р и к а т деб аталади.

Целлюлоза (французча — целлюлоза асли латинча *целлюла* — катак сўзицан), клетчатка — ўсимлик хужайралари пўстлогининг сувда эримайдиган энг асосий таркибий қисми, табиатда энг кўп тарқалган полимерлардан бири. Ц. ўсимлик толаси (пахта, зиғир, конопля) нинг таркибий қисми, сунъий толалар, плёнка (целлофан), пластмасса, лак, портловчи моддалар ишлаб чиқаришда асосий хом ашё ҳисобланади.

Шартли ёқилғи — иссиқлик бериш қуввати 7000 ккал/кг га барабар деб қабул қилинган ёқилғи. Ш. ё. турли ёқилғиларнинг иссиқлик қувватини таққослашга имкон беради.

Шаршара — дарё сувининг ўзандаги жарликлар отилиб тушиши. Бундай жарликлар каттиқ жинслардан тузилган жойларда вужудга келади. Қатор Ш. лар к а с к а д дейилади. Энг машхур Ш. лар Шимолий Америкадаги Ниагара (51 м), Жанубий Африканинг Замбези дарёсидаги Виктория (120 м) \ СССРда эса Итуруп ороли (Курил ороллари) даги Илья Муромец Ш. ларидир.

Экстенсив қишлоқ хўжалиги — фойдаланилаётган ерларнинг бирон бир ўлчови, масалан, гектар ҳисобига харажат ҳам, даромад ҳам кам бўлган хўжалик, масалан, яйлов чорвачилиги.

Юк обороти — муайян вақт (масалан, бир йилда) транспортда ташилган юклар мажмуи. Айрим порт, станция ва транспорт узелларининг Ю. о. шу пунктдан жўнатилган, шу ерга келган ва шу пункт орқали ўтган умумий вазни билан ўлчанади. Мамлакат, р-н, айрим т. й., дарёнинг Ю. о. ташилган юкларнинг *m* ҳисобидаги вазни ҳамда қанча масофага (*км*) ташиб борилганлиги билан ўлчанади ва тонна-километр билан ифодаланади.

Юк потоклари — муайян муддат давомида бирон бир турдаги транспорт ташиган юклар ҳаракати; бунда юк қайси пунктдан қайси пунктга борганлиги кўрсатилади. Ю. п. йўлнинг бирон, қисмида ташилган юкларнинг миқдорини, ташилган юкларнинг умумий ҳажмида айрим юк турларининг таркиби ва салмоғини аниқлашга имкон беради.

Ярим фабрикат, я р и м м а х с у л о т — истеъмол қилиш учун ҳали тайёр бўлмаган ва қўшимча ишлов талаб қиладиган маҳсулот (целлюлоза, калава ип, қуйма пўлат ва б.); қ. *Хом ашё*.

Қўйчилик — чорвачиликнинг бир тармоғи; қўйлар гўшти ва жуни учун бокилади. Дағал жунли қўйлар (асосан ҳисори, жайдари ва бошқа зотлар) жунидан мовут, пийма этик, кигиз ва б.; уй-рўзғор жиҳозлари, майин жунли қўйлар (меринос ва б.) жунидан қимматли жун газламалар тайёрланади. Баъзи бир қўй зотларидан пишиқ, иссиқ пўстин ишланади. Қоракўл қўйларнинг терисидан шуба, телпак, ёқа қилинади.

1.Жамият ва табиий муҳит ўртасидаги муносабатлар натижасида юзага келган асосий даврлар нечта?

- А) 5.
- Б) 6.
- В) 7.
- Г) 8.

2.Ишлаб чиқаришнинг техник асосида туб ўзгаришларнинг юзага келиши, “жамият-табиий муҳит” тизимида кескин бурилишларнинг юз бериши қайси даврга таълуқли?

- А) Фан-техника тараққиёти юз берган замонавий давр.
- Б) Саноат инқилоби билан боғлиқ бўлган давр.
- В) Ўрта асрлар даври ва Қишлоқ хўжалиги инқилоби билан боғлиқ бўлган давр.
- Г) Ўзлаштирувчи хўжалик даври.

3.Саноат корхоналари сони ва урбанизация даражасининг ортиб бориши, географик қобикқа бўлган салбий таъсирнинг кучайиши, экин майдонлари ҳажмининг кескин кўпайиши қайси даврга таълуқли?

- А) Саноат инқилоби билан боғлиқ бўлган давр.
- Б) Ўрта асрлар даври.
- В) Қишлоқ хўжалиги инқилоби билан боғлиқ бўлган давр.
- Г) Ўзлаштирувчи хўжалик даври.

4.Аграр муносабатларнинг янада кучайиши, ўрмонларнинг ёппасига кесиб юборилиши, иккиламчи табиий ресурслардан фойдаланишга ўтиш, ойкуменалар чегараларининг кенгайиши қайси даврга таълуқли?

- А) Ўрта асрлар даври.
- Б) Қишлоқ хўжалиги инқилоби билан боғлиқ бўлган давр.
- В) Ўзлаштирувчи хўжалик даври.
- Г) Саноат инқилоби билан боғлиқ бўлган давр.

5.Инсонларнинг асосий қисми деҳқончилик билан боғлиқ соҳаларда фаолият олиб бора бошлайдилар, табиий ландшафтларга секин-асталик билан таъсир этишнинг бошланиши қайси даврга таълуқли?

- А) Қишлоқ хўжалиги инқилоби билан боғлиқ бўлган давр.
- Б) Ўзлаштирувчи хўжалик даври.
- В) Саноат инқилоби билан боғлиқ бўлган давр.
- Г) Ўрта асрлар даври.

6.Термачилик, овчилик, балиқчилик соҳаларининг юзага келиши, инсонларнинг табиатга мослашувининг юз бериши қайси даврга таълуқли?

- А) Ўзлаштирувчи хўжалик даври.
- Б) Ўрта асрлар даври.
- В) Қишлоқ хўжалиги инқилоби билан боғлиқ бўлган давр.
- Г) Фан-техника тараққиёти юз берган замонавий давр.

7.Айниқсайилларда юз берган “яшил инқилоб” дон маҳсулотлари ҳосилини ошишига сабабчи бўлди.

- А) 1960-1970.
- Б) 1950-1980.
- В) 1940-1990.
- Г) 1955-1960.

8.....маҳсулот ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун ишлаб чиқариш ва ишчи кучини бирон бир ҳудудда тўпланиши.

- А) Мужассамлашув.
- Б) Ихтисослашув.
- В) Кооперация.
- Г) Комбинатлашув.

9.....ишлаб чиқариш корхоналарини ва соҳаларини асосан биргина шаҳарда тўпланиши тушинилади.

- А) Марказлашув.
- Б) Ихтисослашув.
- В) Кооперация.
- Г) Комбинатлашув.

10.Марказлашув.....нинг бир кўриниши.

- А) Мужассамлашув.
- Б) Ихтисослашув.
- В) Кооперация.
- Г) Комбинатлашув.

11..... нинг саноатда урбанистик ва ҳудудий кўринишлари кенг тарқалган.

- А) Мужассамлашув.
- Б) Ихтисослашув.
- В) Кооперация.
- Г) Комбинатлашув.

12.....бирон-бир маҳсулот турини ёки унинг қисмларини маълум ҳудуддаги саноат тармоқлари, корхоналарида яратилиши.

- А) Ихтисослашув.
- Б) Кооперация.
- В) Комбинатлашув.
- Г) Мужассамлашув.

13.Иқтисослашувни босқичларини белгиланг?

- А) Барча жавоблар тўғри.
- Б) Корхона.
- В) Шаҳар.
- Г) Район.

14.Ихтисослашуни турларини белгиланг?

- А) Барча жавоблар тўғри.
- Б) Қисм (детал).
- В) Технологик ёки ярим маҳсулот.
- Г) Предмет (Тайёр маҳсулотлар).

15.Лотинча “кооперацион”–мазмун қандай тушунчани беради?

- А) Ҳамкорлик.
- Б) Алоқадорлик.
- В) Бирдамлик.
- Г) Барча жавоблар тўғри.

16.....муайян маҳсулот яратиш учун турли корхоналарнинг ҳамкорлиги.

- А) Кооперация.
- Б) Комбинатлашув.
- В) Мужассамлашув.
- Г) Ихтисослашув.

17.Лотинча “комбинацион”–мазмун қандай тушунчани беради?

- А) Бирлашган.
- Б) Ҳамкорлик.
- В) Алоқадорлик.
- Г) Барча жавоблар тўғри.

18.....маълум турдаги хом ашёни чуқур технологик қайта ишлаш, унинг чикиндиларидан тўла фойдаланган ҳолда барча маҳсулотлар ишлаб чиқариш.

- А) Комбинатлашув.
- Б) Кооперациялашув.
- В) Мужассамлашув.
- Г) Ихтисослашув.

Информацион-услубий таъминоти.

1. Асанов А., Набиhoнов М., Сафаров И. «Ўзбекистоннинг иқтисодий ва ижтимоий жуғрофияси». Тошкент, Ўқитувчи, 1994.
2. Абиркулов Қ.Н. Иқтисодий география. Дарслик. 2004. Ўзбекистон-ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси. Тошкент.-318 бет.
3. Асанов Г.А. Социал-иқтисодий география: термин ва тушунчалар. Т.:Ўқитувчи. 1990. - 114 бет.
4. Набиев Э., Қаюмов А. Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳияти.-Т.: ЎЗМУ. 2000. -87 б.
5. Раҳимова М., Ирматов М. Минтақа иқтисодиёти асослари.-Т.: ТДИУ. 1999. -43 б.
6. Раҳимова М. Минтақа ва маҳаллий хўжалик иқтисодиёти.-Т.: ТДИУ. 2004. -67 б.
7. Раҳимова М., Ирматов М. Худуд иқтисодиёти асослари.-Т.: ТДИУ. 1999. -67 б.
8. А. Солиев, Р. Махамдалиев Иқтисодий ва социал географиянинг асосий муаммолари (ўқув қўлланма). Тошкент – 2002.-45 бет
9. Солиев А., Махамдалиев Р. «Иқтисодий география асослари». Тошкент, Университет, 1996.
10. Солиев А., Сафаров И. «Иқтисодий ва сиёсий география асослари». Тошкент, Университет, 2003.
11. Мўминов Д.Ғ. «Саноат ва қишлоқ хўжалик географияси» фанидан маърузалар матни. Қўқон – 2010.
12. Х. Жумаев Саноат ва қишлоқ хўжалиги асослари фанидан маърузалар матни. Қарши - 2007 йил.
13. Курбонниёзов Р. «Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти асослари». Тошкент-1995.
14. Жаҳон мамлакатлари иқтисодий-ижтимоий географияси фанидан 9-синф учун атлас.
15. www.press-servise.uz. - Президент сайти.
16. www.gov.uz. - Ҳукумат сайти.
17. www.tsye.uz - Университет сайти.
18. www.stat.uz.

